


**САФО ОЧИЛ
КАМОЛА ЕТГАН
ИШҚ**

САФО ОЧИЛ

КАМОЛА ЕТГАН ИШҚ

(шеърлар)



ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2002


Сафо Очил ҳаёти ва турмуши турфа ранг, ижоди эса серқирра ва сермазмун, йигирмага яқин китобларнинг муаллифи. Унинг муборак исми болалар шоири, қўшиқчи шоир, катталар учун назмий асарлар ижодкори, насрнавис, адабиётшунос, таржима-шунос ва тарбияшунос олим, педагог-мураббий, талабчан ношир сифатида машҳур ва манзур. Дарҳақиқат, у филология фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори, профессор.

Профессор Сафо Очилнинг қўлингиздаги „Қамола етган ишқ“ китобига шоирнинг кейинги йилларда ёзган шеърӣй асарлари жамланган. Уларда шоир қалбида қамолга етган Ҳақ ишқи, Истиқлол ишқи, Ватан ишқи, Меҳнат ишқи, Ёр ишқи тараннум этилган.

О 4700000000 – 155
353 (04) – 2002 буюртма вақти 2002.

ISBN 5 645 03971–8

© „Ўқитувчи“ нашриёти. 2002.



*Салом,
Истиқлол!*

САЛОМ

Мевазор боғимда битган муборак нав-ниҳол, салом,
Ниҳоллар гулида кулган сафоли бахт-иқбол, салом,
Неъмат Оллоҳ ул асал каби васли висол, салом,
Довруғи оламга кетган соҳиби Истиқлол, салом,
Табаррук Истиқлол боис буюк бир истиқбол, салом.

Ўзимга суртилган доғни артиб, чиройа етишдим,
Беғубор юрт осмонида мунаввар ояа етишдим,
Чаманзорлар, сўлим боғлар онаси сояа етишдим,
Довруғи оламга кетган соҳиби Истиқлол, салом,
Табаррук Истиқлол боис буюк бир истиқбол, салом.

Базмаро келсин, марҳабо, менга бўлса ким дўсту ёр,
Бағрим менинг оҳанграбо, кутарман доим интизор,
Зам-зам мисоли мусаффо дилда жўш урар ифтихор,
Довруғи оламга кетган соҳиби Истиқлол салом,
Табаррук Истиқлол боис буюк бир истиқбол, салом.

Бағри кенг қирлар, адирлар, виқорли тоғлар демишлар,
Шодлигидан чапак чалиб, зумрад япроқлар демишлар,
Сафо Очил ашъоридан баҳраманд боғлар демишлар,
Довруғи оламга кетган соҳиби Истиқлол, салом,
Табаррук Истиқлол боис буюк бир истиқбол, салом.

ИСТИҚЛОЛИМ КЕЛИБДИ

Пардозланиб, гул каби очилиб қийғос,
Истиқлолим келибди, бахтим кулибди.
Йўлларига ҳисларим қилдим поёндоз,
Истиқлолим келибди, бахтим кулибди.

Таъзим айлар нозланиб тўрда келинчак,
Шодлигидан чайқалиб турар беланчак,
Хушxabар берди илк бор қирда бойчечак,
Истиқлолим келибди, бахтим кулибди.

Тўй бошланди уйимда, турфа тарона,
Тароналар жаранги кетди ҳар ёна,
Асраганим жонимда ёлғиз, ягона,
Истиқлолим келибди, бахтим кулибди.

Марҳабо, азизларим, тўйга марҳабо,
Йўлингизда кўзларим, тўйга марҳабо,
Аҳли Сафо дўстларим, тўйга марҳабо,
Истиқлолим келибди, бахтим кулибди.

ИСТИҚЛОЛ БОИС

Муборак ўлкамда кўнгиллар равшан,
Оллоҳ берган олий Истиқлол боис.
Кўнгил боғин этди булбуллар маскан,
Оллоҳ берган олий Истиқбол боис.

Тўлқин ўпиб қочар мажнунтол сочин,
Висолга суқланиб очар қулочин,
Ошиқлар мулкида кўркамдир очун,
Оллоҳ берган олий Истиқлол боис.

Соғинчим байрамин тасвири аён,
Гулбарг япроғига ёзилди баён,
Истиқбол бахтига келтирдим имон,
Оллоҳ берган олий Истиқлол боис.

Яшасин ичинда султони борлар,
Адолатни айлаб бир умр қорлар,
Янграб Сафо Очил кўксида торлар,
Оллоҳ берган олий Истиқлол боис.

НУРИ ИСЛОМ

Оллоҳим берган қутлуғ айёмга етдим,
Истиқлол боис олий мақомга етдим,
Хумо қушин рамзи ул илҳомга етдим,
Аждодлар эътиқоди — Исломга етдим,
Шукрона айлаб, илми каломга етдим.

Изда қолибдир олам тўла қайғулар,
Уйқусидан уйғонди ҳислар, туйғулар,
Кулгулардан очилиб кетди кўзгулар,
Истиқлол боис олий мақомга етдим,
Аждодлар эътиқоди — Исломга етдим.

Ўзбекистон иқболи — нури Исломдир,
Миллатим истиқболи — нури Исломдир,
Сафо Очил камоли — нури Исломдир,
Истиқлол боис олий мақомга етдим,
Аждодлар эътиқоди — Исломга етдим.

„БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН“

Бир тан бўлиб чиқайлик майдонга, дўстлар,
Биздан озод ва обод Ватан қолсин деб.
Илҳомларга буркансин туйғулар, ҳислар,
Биздан озод ва обод Ватан қолсин деб.

Майдон ичра чинорнинг бешта шохи бор,
Илдиэлари терандир, теран бетакрор.
Кенг жаҳон айвонида кўрсатар виқор.
Биздан озод ва обод Ватан қолсин деб.

Ўзбек, туркман, тожигу, қирғиз, қозоқлар,
Бир-бирин кўзда гавҳар каби ардоқлар,
Бирлашинг, деб мавж урар дарё, ирмоқлар,
Биздан озод ва обод Ватан қолсин деб.

Туркистон бу. Туркистон ўзи ягона,
Аждодлар меросидир гўё дурдона,
Авж пардада янгрисин туркий тарона,
Биздан озод ва обод Ватан қолсин деб.

Сир, Жайхун, Орол ҳар дам имолар айлар,
Бутоқларда қушларим наволар айлар.
Сафо Очил саждаю дуолар айлар.
Биздан озод ва обод Ватан қолсин деб.

ОЗОДЛИККА НА ЕТСИН

Кўзларимнинг қароғида ой ўйнар,
Эркинликка, озодликка на етсин.
Юрагимда бамисоли сой ўйнар,
Эркинликка, озодликка на етсин.

Қир-адирда майсаларнинг саломи,
Сой бўйида мажнунтолнинг хироми,
Завқ бағишлар табиатим илҳоми,
Эркинликка, озодликка на етсин.

Файриларга эгилмайман, ёронлар,
Дол мисоли букилмайман, ёронлар,
Симоб бўлиб тўкилмайман, ёронлар,
Эркинликка, озодликка на етсин.

Боғларимда наво бўлиб кезарман,
Ўзим кўкда эркин қушдай сезарман,
Сафо Очил, янги уйим безарман,
Эркинликка, озодликка на етсин.

ЭЛЛИК ЁШИМДА

Изгиринда музлаб қолган кўз ёшим,
Ўзинг илит, меҳри қуёш Истиқлол.
Сабрим тугаб, чил-чил синди бардошим,
Синиқ дилга бергил бардон, Истиқлол.

Орзу дарёларим булғанган дамда,
Қайғу-ҳасратларга чулғанган дамда,
Суюқларим ёниб чўғланган дамда,
Малҳам бўлдинг жонга жондош, Истиқлол.

Ярим аср умрим бузган тўфондир,
Оплоқ сочим қисматимдан баёндир,
Хўрланганим ёлғиз сенга аёндир,
Ахир, ўзинг эдинг сирдош, Истиқлол.

Қутлашиб кўришдик эллик ёшимда,
Қутлуғ чехранг очиб турдинг қошимда.
Зебо аксинг бордир томчи ёшимда.
Сафо Очил билан қондош, Истиқлол

МИЛЛАТИМ ИСТИҚБОЛИДАН

Ҳазин қўнглим шодмон бугун
Ватаним истиқлолидан,
Нур таралур оппоқ тонгдай
Миллатим истиқболидан.

Давлатим буюк тоғлардай,
Мўл бўлсин менинг давлатим,
Кўзларим равшан торгадур
Оллоҳимнинг висолидан.

Уйғониб кетди бутоқлар,
Гулларга бурканди боғлар,
Орзуларим чаман-чаман,
Элим бахт-иқболидан.

Донғи дostonдай ёйилар,
Юраги ўт фидойилар,
Бунёд бўлган корхоналар,
Кошоналар камолидан.

Ёруғ бўлди пешоналар,
Жилоланди афсоналар,
Адолатли, ҳамиятли
Жамиятим жамолидан.

Сафо Очил, ёниб куйла,
Ўзингга ишониб куйла,
Сийрат олиб. қувват олиб,
Ватанинг Истиқлолидан.

ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАСИ

Замон кулди, армон кулди,
Истиқлол таронасидан.
Замин кулди, осмон кулди,
Истиқлол таронасидан,

Руҳи чўккан эллар аро,
Мунгли-мунгли диллар аро.
Томир отган гумон кулди,
Истиқлол таронасидан.

Қушдай учди кўнгилларим,
Ҳайратланди булбулларим,
Гулбарг узра чунон кулди,
Истиқлол таронасидан.

Покизадир беланчаги,
Нурдай равшан келажаги,
Буюк Ўзбекистон кулди,
Истиқлол таронасидан.

Сафо Очил, дилда тугун,
Бир-бирдан ечилди бугун.
Жоним аро жаҳон кулди,
Истиқлол таронасидан.

МЕҲНАТ ТАРОНАСИ

Шукрона гулзорин яратдим,
Баҳра олиб ҳалол меҳнатдан.
Чўккан кўнглим ҳар дам яйратдим,
Хуррам кулиб турган ҳурматдан.

Шодмон меҳнат таронасидан.
Даврон берган давронасидан.

Давроним даврони Истиқлол,
Пешонам ёритар истиқбол.
Уч юз олтамиш томир ичинда,
Ўктам айлаб қўйди бахт-иқбол.

Ўргилай бахт таронасидан,
Истиқлолим замонасидан.

Пешонам теридан ўргилай,
Юрагим қўридан ўргилай.
Шод айлаган Сафо Очилни,
Элим шууридан ўргилай.

МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОН

Бухронли бу асрим сўнгида,
Туғилди-ей миллий қаҳрамон.
Олқишлайди кўзим ўнгида,
Кувнаб уни замин у замон.

Юзим Оллоҳ нурдан яратмиш,
Сўзларим меҳрдан яратмиш,
Босган изларидан гул унар.
Иаларин сеҳрдан яратмиш.

Биздан озод Ватан қолсин деб,
Биздан обод Ватан қолсин деб,
Ватан дарди билан ёнар у,
Авлодларга гулшан қолсин деб.

Ҳаяжонда менинг армоним,
Ёришди губорли осмоним.
Бағишлайман унга бир умр.
Эътиқодим, виждон, иймоним.

Номи тушмас кўнгилдан, тилдан,
Истиқболи буюк бир элдан,
Салом Сизга, миллий қаҳрамон,
Дехқон ўғли Сафо Очилдан.

ШУ КУНЛАРНИ ҒАНИМАТ БИЛ

Эй, ношукур одам, фиғон чекмасдан,
Шу кунларни ғанимат бил, ғанимат.
Синовларда мунча қаддинг букмасдан,
Шу кунларни ғанимат бил, ғанимат.

Қилган билан яхши турмушни ҳавас,
Меҳнат қилмай асло боғинг кўкармас,
Дўппинг ерга қўйиб ўйла бир нафас,
Шу кунларни ғанимат бил, ғанимат.

Жасоратлар айлаб кўз-кўз жаҳона,
Оғир кунда мардлар чиқар майдона,
Ношукурлар, гап сотмасдан пинҳона,
Шу кунларни ғанимат бил, ғанимат.

Оғир кунлар ўтди, дея юрармиз,
Элнинг мўл-кўл дастурхонин кўрармиз.
Сафо Очил, даври даврон сурармиз,
Шу кунларни ғанимат бил, ғанимат.

МАЪРИФАТЛИ ИНСОНЛАР

Бахтимизга бор бўлсин адолатли инсонлар,
Элга дўсту ёр бўлсин диёнатли инсонлар.

Малҳам топган ғарибу бечоралар қалбида,
Ардоқлидир бир умр саховатли инсонлар.

Бағри кенг марду майдон саховатли бу юртда,
Бўлса бўлсин амалдор, кароматли инсонлар.

Истиқлолга муносиб амал аршин кўркидир,
Зам-зам каби покиза, таҳоратли инсонлар.

Ҳасадчи-ю бахиллар фитнасидан хурланиб,
Бир чеккада қолмагай маърифатли инсонлар.

Эзгулик гуллаб-яшнар ҳамиятли Ватанда,
Сафо Очил фахридир садоқатли инсонлар.

ОЛИЙ

Баҳор шамоли элда эганда,
Она табиат, сени эслайман.
Гоҳ танда оғир оғриқ сезганда,
Она табиат, сени эслайман.

Юрганман сабрим қатагон айлаб,
Ўзимни ўзим имтиҳон айлаб,
Бугун кўнглимни нурафшон айлаб,
Она табиат, сени эслайман.

Қонимда куклам нури оққанда,
Лолалар менга кулиб боққанда,
Муҳаббат қалбга олов ёққанда,
Она табиат, сени эслайман.

Жонингга оро фармоний олий,
Келди сенга ҳам даврони олий,
Эй, Сафо Очил, имкони олий,
Она табиат, сени эслайман.

КЎЗЛАРИМГА УЙҚУ КЕЛМАЙДИР

Истиқлолнинг ишқинда ёниб,
Кўзларимга уйқу келмайди.
Ишқи билан тунлар тўлғониб,
Кўзларимга уйқу келмайди.

Жамолига пардоз бўлай деб,
Унга ўзим фидо қилай деб,
Зарпечлагин қўймай юлай деб,
Кўзларимга уйқу келмайди.

Истиқлол севгиси ягона,
Васфидин қилмасин бегона,
Шодлигимдан сизмай жаҳона,
Кўзларимга уйқу келмайди.

Истиқлолга бўлган муҳаббат,
Уйғотди дилларда диёнат,
Сафо Очил айлаб ибодат,
Кўзларимга уйқу келмайди.

ЖУДО БЎЛМАСИН

Азиз элда иғво бўлмасин,
Иғво боис ғавғо бўлмасин.

Чўл ўрнида бўстон яратдик,
Бир ҳам ичи қаро бўлмасин.

Адолат ўксиниб зулм аро,
Сабри тутаб адо бўлмасин.

Фитна гирдобида оловқалб,
Фидойилар фидо бўлмасин.

Ғариби кўп эллар кўкармас,
Юртимизда гадо бўлмасин.

Аждодларнинг авлод олдида,
Асло юзи қаро бўлмасин.

Ҳақ йўлинда пинҳон бўзладим,
Ёлғон асло раво бўлмасин.

Ҳақ йўлинда ҳақни сўзладим,
Ҳеч ким мендан хафа бўлмасин.

Ўзбекистон отлиғ гулшанда,
Макр ила шумғия бўлмасин.

Ислом билан Сафо эгизак,
Бир-биридан жудо бўлмасин.

АРСЛОН ҚАЙТМАЙДИ ИЗИДАН

Эй, армоним, ушалганинг рост.
Ўйна энди очилиб кўркам.
Сийлар сени жаранглаган соз,
Баҳринг очди мустақил ўлкам.

Парвоз эт виқорли тоғларга,
Ҳаёт гаштин сургин, армоним.
Излари йўқолган боғларга,
Бошлаб борар улуғ сарбоним.

Изидан қайтмайди арслон,
Арслоним изидан ўзим.
Мардлар лафзи ҳалол бегумон,
Марду майдон сўзидан ўзим.

Мозийдан келмоқда латиф сас,
Армонимга айтиб тасанно.
Сафо Очил тинмас бир нафас,
Сарбонимга айтиб тасанно.

ФИДОКОР ЮРАК ҚЎШИҒИ

Умид билан ҳар кун субҳидам,
Кумуш тонг жилвасин қузатдим.
Офтобдан нур эмиб дам-бадам,
Нуридан қалб уйим безатдим.

Ишқ ёғинда жизлаб қоврилган,
Бир жизғанақ ол-ол юраксан,
Қандай керак бўлсам сенга ман,
Сен ҳам менга шундай кераксан.

Ғайрилар кун кўрар то ҳануз,
Сўриб-сўриб бардошим қонин.
Ва лекин келолмас юзма-юз,
Пинҳон тутар ичда армонин.

Фидокор юрагим тўрида,
Зиёкор Истиклол меҳри бор.
Меҳрим сочган заррин нурида,
Мафтункор истиқбол сеҳри бор.

Фидокор юрагим қўшиғин,
Тинглайдир фидокор инсонлар.
Сафо Очил деган ошиғин,
Ардоқлар беғубор инсонлар.

ДАВРИМ УЧУН

Югураман-еламан яшаган даврим учун,
Минг ўлиб. тириладан яшаган даврим учун.

Унутиб ўзлимни ўйлайман элу юртим,
Ки, дуолар қиламан яшаган даврим учун.

Кўриб жаннат равзасин у дунё энгигдан,
Такрор қайтиб келаман яшаган даврим учун.

Қайғу-ғам ҳасратида куйса-да мискин юрак,
Доим ўйнаб қуладан яшаган даврим учун.

Жоним фидо айладим, эй, Сафо Очил, вале,
Ортиқдигим биламан яшаган даврим учун.

ТАБИАТНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР

Етмиш йил дард чекиб, қийналиб ётган,
Табиатни асранг, азиз одамлар.
Сизларга бут қилиб Оллоҳ яратган,
Табиатни асранг, азиз одамлар.

Бир ёнда инграр нола қилиб дарёлар,
Оҳ урар Оролдан келган нидолар,
Оби ҳаёт кўрди кўп идлаолар,
Табиатни асранг, азиз одамлар.

Заҳарланди ниҳоллару гиёҳлар,
Қатағон қилинди бунга гувоҳлар,
Равшан тортиб юракдаги нигоҳлар,
Табиатни асранг, азиз одамлар.

Юртбошим қайғурмиш гўё шифокор,
Она замин энди билмагай озор,
Сафо Очил, ашъорида ифтихор,
Табиатни асранг, азиз одамлар.

ИНСОН МАНФААТИ ҚЎШИҒИ

Аҳли ўзбек эрур шод мустақил давлатидан,
Минг айланиб ўргилай Оллоҳ кароматидан,
Равшан бўлди кўнгиллар маслак марҳаматидан,
Бу оламда на азиз инсон манфаатидан,
Ҳеч ким айра тушмасин миллат муҳаббатидан.

Хуш кўрдик юртимизни эркин, озод ва обод,
Мурод ҳосил, азизлар, шундай қолур умрбод,
Истиқлол хизматиға қилсак ҳамки қасамёд,
Минг айланиб ўргилай Оллоҳ кароматидан,
Аҳли ўзбек эрур шод мустақил давлатидан.

Ўзбекистон мулкида, ҳар бир элда табассум,
Булбуллар хонишида, барча гулда табассум,
Ватан меҳрин жо қилган оқ кўнгилда табассум,
Равшан бўлди кўнгиллар маслак марҳаматидан,
Аҳли ўзбек эрур шод мустақил давлатидан.

Юртбошим юрагидан қалқиб чиқди тўлқинлар,
Меҳри оташ сарбоним сўзларида ёлқинлар,
Сафо Очил қалбида чатнаб кетди чақинлар,
Бу оламда на азиз инсон манфаатидан,
Аҳли ўзбек эрур шод мустақил давлатидан.

ТАНҲО

Бўй кўрсатди орзуларим,
Сарви гулнинг камолинда.
Кўкка чирой туйғуларим,
Шафақларнинг жамолинда.

Шаббодалар эсан чоғда,
Эрк гўзали ўйнар боғда,
Ҳаёт яшнар ҳар бутоқда,
Кўркам баҳор тимсолинда.

Ширин ҳаёл сурдим танҳо,
Ҳаёл ичра юрдим танҳо,
Истиқболим кўрдим танҳо,
Истиқлолим висолинда.

Эзгуликлар турли-турли,
Безаклари дурли-дурли,
Кунлар бордир нурли-нурли,
Сафо Очил иқболинда.

САҚЛАДИМ

Узоқ тунлар хаёлимда,
Равшангина ой сақладим.
Юрагимнинг бир буржида,
Умидимга жой сақладим.

Кўлларимдан кетди бўстон,
Ётлар қилди уни макон,
Киприкларим ўқ айлабон,
Кўзлар узра ёй сақладим.

Қиргин бўлди кўп тулпорлар,
Чавандозлар бунда зорлар,
Кутиб эркин интизорлар,
От бўлар деб той сақладим.

Сафо Очил, қайғуларим,
Кемирса-да туйғуларим,
Истиқдолга орзуларим,
Покизалаб ой сақладим.

ЁМОНДИР

Эй ёронлар, ямлаб ютиб виждонин,
Ўлганларни ёзғурғонлар* ёмондир.
Шайтонга ҳай демай, сотиб иймонин,
Ўлганларни ёзғурғонлар ёмондир.

Ҳимоя қилолмас ўликлар ўзин,
Беномус тириклар ўтказар сўзин,
Сўзлайдир номардлар лўқ қилиб кўзин,
Ўлганларни ёзғурғонлар ёмондур.

Номусдан ўладир виждони борлар,
Фикрин ўтказолмай чекар озорлар,
Мурдалар устидан голиб ағёрлар,
Ўлганларни ёзғурғонлар ёмондир.

Девларга жон кирди ўлгач Сулаймон,
Жинлар кўкрак кериб чиқди шул замон,
Сафо Очил ёқа ушлайдир ҳайрон,
Ўлганларни ёзғурғонлар ёмондир.

* Ёзғурғон (хоразмча) — ёмонлаган.

КОМИЛЖОННИНГ ҚЎШИҚЛАРИ

*Хоразмлик мумтоз хонанда, Ўзбекистон,
Туркменистон, Қорақалпоғистон Халқ
артисти марҳум Комилжон Отаниёзов-
нинг ёрқин хотирасига*

Эл оралаб, тўлқин уриб борадир,
Комилжоннинг қўшиқлари, куйлари.
Мискин, ғариб, бечорага чорадир,
Комилжоннинг қўшиқлари, куйлари.

Назм элининг базмин кўриб тўймайдир,
Юракларни ўз ҳолига қўймайдир,
Кириб олиб, қитиқлашма ўйнайдир,
Комилжоннинг қўшиқлари, куйлари.

Қитиқлардан қалқиб чиқар кулгулар,
Кулгулардан юрар қочиб қайғулар,
Танга сутдай кирган ҳислар, туйғулар —
Комилжоннинг қўшиқлари, куйлари.

Бир гап келди, Сафо Очил, кўнглимга,
Бир гап эмас, қўшиқ оқди дилимга,
Жондош эрур доим доно элимга,
Комилжоннинг қўшиқлари, куйлари.

„НУРОНИЙ“ ТАБАССУМИДАН

Гуркираб яшнайти майин майсалар,
„Нуроний“ нинг нурли табассумидан.
Латиф қўшиқ айтар ширин лаҳзалар,
„Нуроний“ нинг нурли табассумидан.

Ширин мева берди ўсиб нав-ниҳол,
Юртга кулиб боқди буюк Истиқлол,
Жилоланиб турар нурли истиқбол,
„Нуроний“ нинг нурли табассумидан.

Кел, азизим, даврага кел, марҳабо,
Тўйимизнинг кўрки — ажиб бир сиймо,
Ҳикматларга тўлиб кетди бу дунё,
„Нуроний“ нинг нурли табассумидан.

„Нуроний“ га бўлсин ҳамма парвона,
Ҳамма етсин шундай даври даврона,
Дуолар буюрсин Ўзбекистона,
„Нуроний“ нинг нурли табассумидан.

Юксалур Истиқлол қадди камоли,
Сафо Очил қўшигида тимсоли,
Равшанлашур комил инсон жамоли,
„Нуроний“ нинг нурли табассумидан.

САДОҚАТЛИ ИНСОНДАН

Маршбой Бекжоновга

Ҳақ қилади ифтихор диёнатли инсондан,
Гулзор қолур фусункор қароматли инсондан,
Дўстлик ўрганур алёр садоқатли инсондан,
Кўнгил обод мададкор, марҳаматли инсондан,
Жумла жаҳон миннатдор саховатли инсондан.

Чароғон йўлга бошлар донолар сўзи доим,
Маъниси теран, ўзи мулойимдир, мулойим,
Шундайларни Худойим қўллаб турсин илойим,
Кўнгил обод мададкор, марҳаматли инсондан,
Жумла жаҳон миннатдор саховатли инсондан.

Ботирнинг иши доим мукаррамдир, мукаррам,
Ва лекин бундай мардлар топилади камдан-кам,
Эзгуликка бир умр таҳсин ўқиб дамба-дам,
Кўнгил обод мададкор, марҳаматли инсондан,
Жумла жаҳон миннатдор саховатли инсондан.

Сахий одам эсланур ҳар бир сафо базмда,
Ҳайкалини тиклайди юрак шаҳри азмда,
Шунинг учун яшайди бир умрга назмда,
Кўнглим обод мададкор, марҳаматли инсондан
Сафо Очил миннатдор саховатли инсондан.

ШАКАРЖОН

Истиқдолнинг қизидир ширин-ширин Шакаржон,
Истиқболнинг юзидур ширин-ширин Шакаржон.

Пахтазорда тонг отди, тонгни силаб яйратди,
Қалбимда боғ яратди ширин-ширин Шакаржон.

Кулгичи хуррам-хуррам, ўзи элда мукаррам,
Тимсоли кўркам кўклам, ширин-ширин Шакаржон.

Юрагимда ягона, манглай тери дурдона,
Меҳнат қилар мардона, ширин-ширин Шакаржон.

Юртнинг боғу баҳори, эзгуликнинг изҳори,
Сафо Очил ашъори ширин-ширин Шакаржон.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИГА

Меҳнат боғин қилди кўркам,
Ўзбекистон Қаҳрамони.
Элу юртин қилди кўклам,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Илҳом олиб матонатдан,
Зиё эмиб диёнатдан,
Сабоқ берар шижоатдан,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Жайҳун қувнаб тўлқин урар,
Тўлқин аро ёлқин ўйнар,
Олқишланиб хаёл сураб,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Илм мулкин харж айлади,
Юртга меҳрин бож айлади,
Эл қайғусин тож айлади,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Осмондаги эркин қушлар,
Ростга дўнди бугун тушлар,
Сафо Очил кўнглин хушлар,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ШАҲИД БЎЛИБ КЕТАРМАН

Умрим ўтди токи Ҳақиқат излаб,
Қонлар ютиб, шаҳид бўлиб кетарман.
Адолат дардида юрагим жизлаб,
Қонлар ютиб, шаҳид бўлиб кетарман.

Қайга борсам, ўтиб бўлмас довонлар,
Қаҳқаҳаси кўкка етар тўфонлар,
Бурчак-бурчакларда йиғлар армонлар,
Қонлар ютиб, шаҳид бўлиб кетарман.

Нега бугун Хиёнатни сўймишлар,
Нега, ахир, Адолатни сўймишлар,
Нега бугун Ҳақиқатни сўймишлар
Қонлар ютиб, шаҳид бўлиб кетарман.

Разолат гуркираб гулгун, гуллайдир,
Хиёнат ҳурликда дуркун, гуллайдир,
Жонимга қасд этган бугун гуллайдир,
Қонлар ютиб, шаҳид бўлиб кетарман.

Бир бошга бир ўлим бордир, найларам,
Ўлимга ўзимни энди шайларам,
Замон зулмин юрагимга жойларам,
Қонлар ютиб, шаҳид бўлиб кетарман.

Юртбошимга қўйган чексиз ҳурматим,
Истиқлол йўлида чеккан заҳматим,
Шулдир, Сафо Очил, йиғган давлатим,
Қуним битса, ўйнаб-қулиб кетарман.

МЕНИНГ ЁШИМДА


Эллик учдан ошиб гўё девона,
Ошиқ бўлган борми менинг ёшимда.
Девонадай бошин уриб ҳарёна,
Ошиқ бўлган борми менинг ёшимда.

Ғижирлатиб озиқ тишлар тўкилди,
Ёқаларим чок-чокидан сўкилди.
Сочларим оқариб. қаддим букилди,
Ошиқ бўлган борми менинг ёшимда.

Висол гулшанида ақлим ҳайрондир,
Ҳолим ёлғиз ўзгинамга аёндир,
Севинч ёшим бамисоли уммондир,
Ошиқ бўлган борми менинг ёшимда.

Висол боғин раво кўрмас ғайрилар,
Вақти келиб қанотлари қайрилар,
Орзулар сувратин чизиб ҳар саҳар,
Ошиқ бўлган борми менинг ёшимда.

Ҳавас қилинг, ёрим исми Истиқлол,
Ишқим тафти бўлгай офтобга мисол.
Сафо Очил, севгинг кўрмасин завол,
Ошиқ бўлган борми менинг ёшимда.



Ҳақ
СОҒИНЧИ

* * *

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим,
Оллоҳимга тушгай нигоҳим.

Бу дунёда шаффоф эрса ким,
Мақсадига етгай илоҳим.

Беайб ёлғиз Парвардигор,
Дўзахми менинг қароргоҳим.

Умрим — ёлгон, ёлгон дунёда,
Дув фалакка етмишдир оҳим.

Билиб-билмай қилган хатоим,
Кечир. кечиримли Оллоҳим.

Сафо Очил, билсам, йўқ экан,
Оллоҳдан бўлак паноҳим.

ДУО

Алҳамду лиллоҳу роббил оламин,
Гуноҳин ўт ҳар бир муслим одамин.
Кўп бергил, хўп бергил, баракот бергил,
Фарзандсизга оқил зурриёт бергил.

Номардга зор этма, золимга дучор,
Ёвузлар домида тортмайлик озор.
Эй, Оллоҳим, сенсан дилларда танҳо,
Ҳаётимда сенсиз йўқ асло маъно.

Тухмат балосидан, сув балосидан,
Амалдор қаҳридан, ўт вабосидан,
Ўзинг асра, менинг ёлғиз Оллоҳим,
Қабул айла ўтли фарёдим, оҳим.

Юртимиз тинч бўлғай, дастурхон мўл-кўл,
Юртбошим ишига тилаймиз оқ йўл!
Йўлингда жонимни бахшида қилай,
Пайғамбару авлиёлардан ўргилай!

Қаторимиздан ҳеч хато бўлмасин,
Яхшилар эл-юртдан жудо бўлмасин.
Яшаймиз ўзингга айтиб шукрона,
Саждалар қилурмиз сенга ягона.

Ота-онамизга жой бер жаннатдан,
Баҳраманд бўлғайлар шул саховатдан.
Фарзандлар доғини кўрсатма, Оллоҳ,
Ташлаб тур уларга бир умр нигоҳ.

Ёмонга инсоф бер, дардмандга шифо,
Эзгулик яшасин элда доимо.
Эй, Оллоҳим, номинг ёдлаймиз такрор,
Бўлғайсан бизларга ёру мадаккор!
Омин!..

ОЛЛОҲ СОҒИНЧИ

Эй, менинг Оллоҳим, кароматингдан,
Бебахра қўймагил саодатингдан.

То тирикман ёлғиз сендан қўрқаман,
Айро тушмайин деб саховатингдан.

Ўтли муҳаббатинг оташи дилда,
Иссиқ жон нурланур ҳароратингдан.

Билиб, билмай қилган хатоларим ўт,
Умр кўрай беташвиш мағфиратингдан.

Дилда дардим ёлғиз сенга айтурман,
Токи кўнглум тўлғай ижобатингдан.

Ҳаётим бошлайман ҳар кун субҳидам,
Завқу шавқ олиб мен ижозатингдан.

Сафо Очил умри бекор тоҳануз,
Баҳраманд бўлмаса ибодатингдан.

БИСМИЛЛОҲ

Сўзимнинг аввал боши бисмиллоҳ,
Дилда қудрат қуёши бисмиллоҳ.

Бисмиллоҳдан бошланур ҳаётим,
Ёзғугимнинг* йўлдоши бисмиллоҳ.

Кимки қолса мунғайиб гоҳида,
Чорасизлар қўлдоши бисмиллоҳ.

Рақиблар зирқиратган руҳимда,
Сабру тоқат сирдоши бисмиллоҳ.

Синовларда чиниққан ғариблар,
Бардошидир, бардоши бисмиллоҳ.

Мумдай эрир ҳасрату шодликдан,
Сафо Очил кўз ёши бисмиллоҳ.

* Ёзғут (хоразмча) — қисмат, тақдир.

ҲАҚ СОҒИНЧИ

Бу дунёга келиб озорликдан чиқмадим,
Озорлар боиским беморликдан чиқмадим.

Қайга оёқ боссам хавфу хатар беҳисоб,
Туну кун тинчлик йўқ, бедорликдан чиқмадим.

Ҳасадчи бир ёну, аҳли бахил бир бўлиб,
Пайт пойларлар токи ҳушёрликдан чиқмадим.

Бу дунё мен учун жаҳаннамнинг ўзидир,
Вале ҳақ васлига хушторликдин чиқмадим.

Ҳақ соғинчи таскин берди ҳорғин юракка,
Сафо Очил келиб гулзорликдин чиқмадим.

ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМ

Дил кошонаси Сенга, Парвардигори олам,
Тил болхонаси Сенга, Парвардигори олам,
Кўз нурхонаси Сенга, Парвардигори олам,
Сўз дурдонаси Сенга, Парвардигори олам,
Юрт таронаси Сенга, Парвардигори олам.

Қайга борсам ҳамроҳим, ёнимдасан ягона,
Ўйлар сурсам бир умр, ёдимдасан ягона,
Фидойи жоним аро жонимдасан ягона,
Дил кошонаси Сенга, Парвардигори олам,
Тил болхонаси Сенга, Парвардигори олам.

Юрагимда ўрни бор кўркем Арши Аълонинг,
Равшан айлар йўлимни меҳри ёлғиз Худонинг,
Бу дунёнинг меҳмони Очил ўғли Сафонинг,
Дил кошонаси Сенга, Парвардигори олам,
Тил болхонаси Сенга, Парвардигори олам!

ОЛЛОҲ СЕНИ ЕТАКЛАР

Лашкар тортиб келибдир,
 Қаршима зимистонлар,
Зим-зиёдир майдонлар,
 Зим-зиёдир жаҳонлар.
Торлиқ қилиб бу дунё,
 Гўё лаҳад ичрамен,
Босиб келар елкамдан.
 Булут-булут осмонлар.
Ҳақ таоло неъматини —
 Ранглар мендан ниҳондир.
Ранглар рангин англашдан
 Юз ўғирди имконлар.
Эй Оллоҳим, раҳм айла.
 Азадор ғарибларга.
Дийдасин эслаб йиғлар,
 Мен қаби нотавонлар.
Сафо Очил, ўқсинма,
 Оллоҳ сени етаклар.
Дил қабримга кўмилди,
 Бахти қаро армонлар.

ОЛЛОҲИМ ДАРҒОҲИ

Оллоҳим, сенга шукрона айлай,
Ёзиб васфингни жаҳона айлай.

Ғамхўрим йўқдир ўзингдан бўлак,
Жоним севгингга нишона айлай.

Келиб дардимга дармон бўл ўзинг.
Ғам тўла кулбам нурхона айлай.

Нигоҳинг ташлар бўлсанг кулбамга,
Борлиқ вужудим остона айлай.

Қолган умримни сенга бахш этдим,
Шул орзуимни фарзона айлай.

Эй, Сафо Очил, ёлғон бу дунё,
Оллоҳ даргоҳин кошона айлай.

ГУНОҲИМНИ ЎТ ЭНДИ

Эй Оллоҳим, ёлғиз ўзинг беғуноҳ,
Раҳм айлабон гуноҳимни ўт энди.
Чин кунгилдан сажда қилар чораҳоҳ,
Раҳм айлабон гуноҳимни ўт энди.

Билиб-билмай қилган айбим сезурман,
Муштглаб-муштглаб пешонамни эзурман.
Гоҳи-гоҳи ўз-ўзимдан безурман,
Раҳм айлабон гуноҳимни ўт энди.

Файрилардан бахт кутдимми, билмадим,
Асал кутиб, қон ютдимми, билмадим,
Шунда сени унутдимми, билмадим,
Раҳм айлабон гуноҳимни ўт энди.

Истиқлол боиским ўзни англадим,
Муқаллас Қуръондан пандинг тингладим,
Шукроналар бўлсин, кўнглим ўнгладим,
Раҳм айлабон гуноҳимни ўт энди.

Фариб банданг Сафо Очил бечора,
Дардларимга топиб бергил бир чора,
Дўзах ичра ташлаб қўйма озора,
Раҳм айлабон гуноҳимни ўт энди.

ТАНГРИ СОЯСИГА ДЕГАНИМ

*„Подшоҳ бамисоли Тангрининг
Ёрдаги соясидир“.*

Ҳадисдан

Оллоҳ ўзи ягона, дилда иззат-икроми,
Йўл кўрсатар иймона, тилда илми каломи.

Юртбошим мисоли Тангрининг соясидир,
Буюклигин тимсоли эзгулик қоясидир.

Эзгуликнинг қояси мукаррамдир, мукаррам,
Унга қараб талпинган муҳтарамдир, муҳтарам.

Муборак муҳаббат томир отди танамда,
Элга меҳрин тенги йўқ рўйи замин, оламда.

Ҳақ йўлини танлаган юртбошимнинг ўзидир,
Сафо Очил ашъори Расулulloҳ сўзидир.

ЭЪТИҚОДИМ РАМЗИ

Эътиқодим рамзи ул Маккатул мукаррамдур,
Ким они тавоф этса, бир умр муҳтарамдур.

Юрагимда муқаддас қадамжолар тасвири,
Ки мўъмин, мусулмонлар фахрию муаззамдир.

Хаёлимда саждалар қилсам Каъба ичра мен,
Оллоҳ уйи сингари бу кўнгул муҳташамдур.

Бездим-ей иғвогару ғийбатчилар дарсидан,
Қочган дам менинг учун мисоли муҳаррамдур.

Шукроналар айтурман, эй Сафо Очил, вале.
Оллоҳ меҳри жониму қон аро мужассамдур.

ОЛЛОҲ АКБАР

Кўрган ғам, ҳасратим ки имтиҳони Оллоҳ Акбар.
Сабру тоқат, ғайратим ки имкони Оллоҳ Акбар.

Ўтгай умрим бир умр иймону эътиқод бирла,
Бўлса гар хуш сийратим ки ошёни Оллоҳ Акбар.

Нокас бахил, ҳасадгўй, ҳаромхўр аҳлига лаънат,
Чексиз ғазаб, нафратим ки фармони Оллоҳ Акбар.

Ёлғон дунё ичраким топилмайдур самимий дўст.
Мангу сирдош улфатим ки Қуръони Оллоҳ Акбар.

Жонимга жо айладим Қуръони карим сабоғин,
Қиёси йўқ ҳурматим ки бўстони Оллоҳ Акбар.

Оллоҳдан мадад сўраб қўл ургайман ҳар бир ишга,
Ҳар бир ишда қудратим ки уммони Оллоҳ Акбар.

Шукр айла, Сафо Очил, бу кунларни кўп кўрмагай,
Ўзи берган журъатим ки макони Оллоҳ Акбар!

НА ҚИЛАЙ

Пайғамбарим ёшидин
Ортиқ ёшни на қилай,
Ўксик дил фарёди-ю
Кўзда ёшни на қилай.
Кўллар ўзи Оллоҳнинг
Синовлар саройинда,
Синовлардан нолиган
Қари-ёшни на қилай.
Оллоҳга сажда айлаб,
Бошим эгик ҳамиша,
Бандасин олдинда у
Эгик бошни на қилай.
Бири қош, бири кўздир
Инсонлар бир-бирига,
Қадримни билмаса гар
Кўзу қошни на қилай.
Ҳурматимни жойига
Қўйганлар азиз, вале,
Оллоҳга ширк келтирган
Қариндошни на қилай.
Бошим узра чарх урманг,
Эй, сабрсиз қузғунлар,
Руҳимдан айро тушган
Совуқ лот*ни на қилай.
Кўп яшаб сен гуноҳлар
Орттирма Сафо Очил,
Пайғамбарим ёшидин
Ортиқ ёшни на қилай.

* Лот – жонсиз тана. мурда

ДАРИҒ ТУТМАҒИЛ

Эй, Оллоҳим, сафони дариғ тутмағил,
Кўзларимдан зиёни дариғ тутмағил.

Элу юртим мадҳини иншо этарман,
Ашъоримдан маънони дариғ тутмағил.

Эй, Оллоҳим, сийратим сенга айёндир,
Ки муносиб баҳони дариғ тутмағил.

Макон бергил муҳташам дийдаи элдин,
Шоҳи ғариб фанони дариғ тутмағил.

Эй, Оллоҳим, керакмас олтин, жавоҳир,
Зардан зиёд дуони дариғ тутмағил.

Сафо Очил, саждалар айлаб Оллоҳга,
Мангу ҳамду санони дариғ тутмағил,

НИҲОЛИМ

Умрим бўйи парваришлаб юрибман,
Умид билан эккан нафис ниҳолим.
Бўйларига бўйим бўйлаб турибман,
Ниҳолимда кўринади камолим.

Шода-шода тизилибдир меваси,
Эзгуликдир бир умрга шеваси,
Улуғ юртнинг бечораю беваси,
Кўрмоқ истар ниҳон бўлган висолим.

Кимдир келиб ниҳолимга тош отмиш,
Синдириб бутоғин ерга қулатмиш,
Бутоқлар хазондай сарғайиб ётмиш,
Қисматдан зорланиб ночор иқболим.

Сафо Очил, қаддим тиклаб тургайман,
Илоҳим, ниҳолим кўркин кўргайман,
Аждодлар руҳидан мадад сўргайман,
Мозийлар бағрига кетмиш хаёлим...

ЁЛҒИЗ МЕНДУРМЕН

Ҳақни излаб токи топган ағёр ёлғиз мендурмен,
Золимлар зулмидан чеккан озор ёлғиз мендурмен,
Панада мунғайиб ҳоли душвор ёлғиз мендурмен,
Кўнгул кўзи ичра ёш шашқатор ёлғиз мендурмен,
Оёқлар остида синиқ дутор ёлғиз мендурмен.

Изланурми замон келиб зулмат ичра зиёлар,
Зиёлар таратиб шағам бўлди тамом адолар,
Шағам ёғдусидан баҳраманддир шаффоф сафолар,
Кўнгул кўзи ичра ёш шашқатор ёлғиз мендурмен,
Оёқлар остида синиқ дутор ёлғиз мендурмен.

Қарғалар мулкида гуллар қадрин ким ҳам биладир,
Қарғалар куйига аҳли тулки муқом қиладир,
Булбул аҳволидан эшак ҳанграб, итлар куладир,
Кўнгул кўзи ичра ёш шашқатор ёлғиз мендурмен,
Оёқлар остида синиқ дутор ёлғиз мендурмен.

Сафо Очил йиғлайди зор хонавайрон бу кўнгул,
Таскинлар керакмас, ҳазин кўнгул аро сиғмас қил.
Умидим чечаги очилур эл бўлса мустақил,
Кўнгул кўзи ичра ёш шашқатор ёлғиз мендурмен,
Оёқлар остида синиқ дутор ёлғиз мендурмен.

ҲАҚҚУШЛАРИМ

Дардим таъриф етолмайман,
Панд бериб қўяр тушларим.
Ўй тагига етолмайман,
Учиб кетар гоҳ ҳушларим.

Учиб келинг, оққушларим,
Ҳой, ҳақшунос ҳаққушларим.

Умр кўрсам гоҳи чигал,
Шафақланди ҳайратларим.
Биров раҳми келган маҳал,
Тўлқинланди сийратларим.

Учиб келинг, оққушларим,
Ҳой, ҳақшунос ҳаққушларим.

Сомон йўли равон-равон,
Чалғитмасин мовий йўлдан.
Ҳаққушларим бўлсин омон,
Ҳол сўрар Сафо Очилдан.

Учиб келинг, оққушларим,
Ҳой, ҳақшунос ҳаққушларим.

ОТАЖОНИМ

Юрагимга қил сиғмас бугун, найлай,
Ҳар кун Сизни ўйлайман, Отажоним.
Кўнглимда ечилмас бир тугун, найлай,
Ҳар кун Сизни ўйлайман, Отажоним.

Сиздан бир иймони бут ўғлон қолди,
Ўғлингиз билан тоза виждон қолди,
Хизматингиз қилолмай армон қолди,
Ҳар кун Сизни ўйлайман, Отажоним.

Кўзларимда Сиз берган нур ўйнайди,
Руҳингиз мен билан юр деб, қийнайди,
Бу дунёни ўғлингиз ҳеч қиймайди,
Ҳар кун Сизни ўйлайман, Отажоним.

Роҳат кўрмай ўтдингиз бу дунёдан,
Жойингиз жаннат бўлгай у дунёдан,
Рози бўлинг манглайи шўр Сафодан,
Ҳар кун Сизни ўйлайман, Отажоним.

ИЛТИЖО

Вужудимда қайғу илдиз отибдир, найлайн,
Кўнглимда ғам-алам тоши ётибдир, найлайн,
Кун-бакун руҳимда оғриқ ортибдир, найлайн,
Кўзларим гавҳари хира тортибдир, найлайн,
Қисматим ханжари дилга ботибдир, найлайн.

Зимистонлар мангу ҳамроҳим бўлса, нетарман.
Мен учун гулларнинг файзи йўқолса, нетарман.
Ёруғ дунё қора рангга бўялса, нетарман,
Кўзларим гавҳари хира тортибдир, найлайн,
Қисматим ханжари дилга ботибдир, найлайн.

Таёқ ила йўлим пайпаслаб юрмоқ истамам,
Тўнка, тош олдида мунғайиб турмоқ истамам,
Икки дунё аро ўзимни кўрмоқ истамам,
Кўзларим гавҳари хира тортибдир, найлайн,
Қисматим ханжари дилга ботибдир, найлайн.

Эй, Оллоҳим, сенга саждалар айлаб ўтарман,
Дардимга малҳамни ёлғиз ўзингдан кутарман.
Сафо Очил, дардим заҳрин ичимга ютарман.
Кўзларим гавҳари хира тортибдир, найлайн.
Қисматим ханжари оғир ботибдир, найлайн.

РУҲИМ ЁЛМАСИН

Ҳақ йўлида қарши келиб хиёнат,
Жисмим ёлса ёлсин, руҳим ёлмасин.
Майли, устун чиқиб мандан жаҳолат,
Жисмим ёлса ёлсин, руҳим ёлмасин.

Тан олмас маконни руҳим, азизлар,
Тан олмас жаҳонни руҳим, азизлар,
Тан олар иймонни руҳим, азизлар,
Жисмим ёлса ёлсин, руҳим ёлмасин.

Тан олдида, майли, бошлар эгмангиз,
Ва лекин руҳимга асло тегмангиз,
Руҳлар қоқса ёмон, жонга тегмангиз,
Жисмим ёлса ёлсин, руҳим ёлмасин.

Жалолиддин оғам қони-қонимда,
Жоруллоҳим руҳи бордир жонимда,
Шайх Нажмиддин Кубро бобом ёнимда,
Жисмим ёлса ёлсин, руҳим ёлмасин.

Паҳлавон Пиримдан мадал сурагайман,
Пок руҳларин тавоф этиб юргаёман,
Сафо Очил, руҳим тетик кўргаёман,
Жисмим ёлса ёлсин, руҳим ёлмасин.

АЖОЙИБ АРМОНИМСАН

Уч юз олтмиш томирга
Сингиб кетган жонимсан,
Ҳар томиримда жўш уриб,
Оқиб турган қонимсан.
Сенинг ишқинг туфайли
Туйғуларим сервиқор,
Туйғуларга сиғмаган,
Шуҳратимсан, шонимсан.
Тонг нурига бекиниб,
Кулиб боқар ҳисларим,
Умрим йўлин ёритган
Сирли-сирли тонгимсан.
Қайғуларга чўқтирмас,
Қуръону Ҳадисим бор,
Муборак орзуларга,
Умидларга конимсан.
Оллоҳга қўйган меҳринг,
Асра, эй, Сафо Очил,
Ҳам дилим, ҳам тилимда,
Ажойиб армонимсан.

АЙЛАДИНГ КЎП

Оллоҳим, нега мени имтиҳон айладинг кўп,
Ғариб кулбам шунчалар зимистон айладинг кўп.

Очилмас йўлларимда кўпга очилган гуллар,
Кўп кўриб баҳорни ҳам қаҳратон айладинг кўп.

Кутганим бу дунёдан умидларим кўп эрди,
Орзулар гулшанини биёбон айладинг кўп.

Садоқатли дўстларнинг суҳбатин насиб этмай,
То ҳануз ғанимларни ёнма-ён айладинг кўп.

Эй, Оллоҳим, шукрона айтурман то тирикман,
Бир умр шеъриятни меҳрибон айладинг кўп.

Кўллар ҳали яратган эгам, эй Сафо Очил,
Тушкунлик зимистонин чароғон айладинг кўп.

НАЖОТ ТИЛАРМАН

Ибодатлар айлаб, нажот тиларман,
Раддибалоларлан асра, Оллоҳим.
Кароматинг буюклигин биларман,
Бало-қазолардан асра, Оллоҳим.

Бошимда соябон осмон Сеники.
Борлиғим қуршаган жаҳон Сеники,
Ҳаёт қайнаб турган замон Сеники,
Рўйи сиёлардан асра, Оллоҳим.

Ҳаёни на қилсин рўйи сиёлар,
Қон йиғлар олдида гули зеболар.
Яхшилар сўрайдир қилиб нидолар,
Бахти қаролардан асра, Оллоҳим.

Мол-дунёга кўнгил қўймадим асло,
Керак эмас менга ҳаром мол-дунё,
Шу ғариб турмушим кўрарман аъло,
Ҳаром дунёлардан асра, Оллоҳим.

Сафо Очил, асло ёлғон керакмас,
Ёлғон қурган гўзал ошён керакмас,
Шум ниятли ширин забон керакмас.
Шум иддаолардан асра, Оллоҳим.

ҚАЛБ МУДДАОСИ

Айтай, дўстлар, неки қалб муддаосин,
Излайдурман токи қадрим шайдосин.

Жоруллоҳим ўз юртида юриб хор,
Маккада у олди Оллоҳ дуосин.

Қадри бўлмас оқса дарё ёнингдан,
Ким амалдор қилар такрор хатосин.

Элу юртда билмас ҳеч ким шу кунлар,
Ширин жонин бағишлаган фидосин.

Мол ишқида кечиб кимдир номусдан,
Бозорга солмиш гул юзли зебосин.

Бу дунёни асра ўзинг, Оллоҳим,
Унутмагай ҳеч ким шарму ҳаёсин.

Кўникдим барига, эй Сафо Очил,
Ки ўйлайдир энди нари дунёсин.

КЎЗЛАРИМ ҚАЙТИБ БЕР

Халоскорим ўзинг Оллоҳим,
Кўзларим қайтиб бер. кўзларим,
Кенг очиб мағфират даргоҳинг,
Кўзларим қайтиб бер, кўзларим.

Бу дунё мисоли жаҳаннам,
Топилмайдир дардимга малҳам.
Ёлвордим сиғиниб субҳидам,
Кўзларим қайтиб бер, кўзларим.

Зил бўлиб босадир осмонлар,
Қисиб келар тинмай туманлар,
Устимдан куладир душманлар,
Кўзларим қайтиб бер, кўзларим,

Осмон қаттиқ, замин юмшоқми,
Ўлим яқин, даврон йироқми,
Тепамда булутлар байроқми,
Кўзларим қайтиб бер, кўзларим.

Қон йиглаб қолурми армоним,
Энди йўлга чиққан карвоним,
Раҳминг келсин, дилда султоним,
Кўзларим қайтиб бер, кўзларим.

Сафо Очил кечар дурингдан,
Баҳраманд айлагил нурингдан,
Озод қил қафасинг — тўрингдан,
Кўзларим қайтиб бер, кўзларим.

ЎТКАЗДИМ

Бемор бўлиб ётиб қолдим узоқ тўшақда,
Ёлғиз қолган кунларимни санаб ўтказдим.
Бир қултум сув излаб гоҳи жоним ҳалакда,
Сабру тоқат, иродамни санаб ўтказдим.

Синов фасли билиб олдим. фарзанд йўқлигин,
Ҳасратлашиб ўлтиргани дилбанд йўқлигин,
Сезиб қолдим кўнглимга бир монанд йўқлигин,
Қисматимни такрор сўкиб-санаб ўтказдим.

Бора-бора аста-секин тура бошладим,
Паст-текисни, юрар йўлни кўра бошладим,
Кўча-қуйда бироз эркин юра бошладим,
Оллоҳ берган нурли йўлим алқаб ўтказдим.

Сафо Очил, ширин сўзга муҳтож ўтдим мен,
Меҳрга зор, ёза билмай қулоч, ўтдим мен,
Тақдиримга бўйин эгиб, налож* ўтдим мен,
Оғир кунлар ўз-ўзимни аяб ўтказдим.

* **Налож** (хоразмча) — ноилож.

Олтмишимга кириб, ғариб бўлдим мен,
Хазон киби ҳам сарғайиб, сўлдим мен.

Кўтариб ҳақиқат машъалин кўклар қадар.
Бу дунёда ёлғизлигим билдим мен.

Кўз олдимда намоён эрур сароб.
Орзу-умидимга қараб кулдим мен.

Зулмат саройидан чиқиб субҳидам,
Оллоҳ ёдин йиғлаб тавоф қилдим мен.

Оллоҳ берган сўз гавҳарин, эй Хуштор.
Ашъор бўстонига олиб келдим мен.

ВАСФИ ИШҚ

Айб этма мани, Дилдор,
Бўлдим санга ўзим хумор.

Оташ севгим билиб олиб,
Салом айтиб қолди гулзор.

Гулшанларим гул дасталаб,
Берди манга айтиб ёр-ёр.

Гулларимдир изҳори дил,
Тасвиридир гулдор-гулдор.

Ол гулимни олсанг нетар,
Чаккангга тақ, пари рухсор.

Алёр айтсин, ёр-ёр айтсин,
Тўйимизга келиб баҳор.

Илоҳий ишқ васфин куйлаб,
Сафо Очил ўтар хуштор.

КЎНГЛИМ ҒАШ

Кўнглим ғаш, алланечук
Юрагимнинг уриши.
Сусайиб борар секин,
Кўзларимнинг кўриши.

Гоҳи-гоҳи ғазабнок,
Қолдим гоҳи мулойим.
Бирор қор-қол бўлмагай,
Ёлбораман, Худойим!

Айтиб Сенга шукрона,
Дилга назар ташлайман.
Тун кўксини тирмалаб,
Такрор исён бошлайман.

На бўлди, эй Оллоҳим,
Қийнар вужудим оташ.
Азоб берар тинмасдан,
Рўҳим қуршаб олган ғаш!..

* * *

Ёшлик ҳам ўтди, кетди,
Бошимда оқ, оппоқ қор.
Ёшим бир жойга етди,
Ўзимда йўқ ихтиёр.

Беғубор ихтиёрим,
Оллоҳимнинг қўлинда,
Кундалик ҳар бир қорим,
Энди Худо йўлинда.

Илҳомим олқишлайман,
Кўриб турса кўзларим.
Оллоҳга бағишлайман,
Айтилмаган сўзларим!

Оллоҳимнинг ўзига аён,
Беҳуда ғазабим сочмадим.
Тегмаса гар биров ҳеч қачон,
Унга қарши уруш очмадим.

Урушда ҳам зарур Адолат,
Ҳосил бўлса ўзимга ишонч,
Ғолиб келиб доим Ҳақиқат,
Бахш этгуси руҳимга қувонч.

Яхши инсон кимдир қоқилса,
Уни тўғри йўлга йўллагай.
Кимки ўзин ҳимоя қилса,
Уни Оллоҳ алқаб қўллагай!

Оллоҳимнинг ўзига аён,
Беҳуда ғазабим сочмайман.
Тегмаса гар биров ҳеч қачон,
Унга қарши уруш очмайман.

ЎТКИНЧИ ДУНЁ

Сароб каби алдаб, тутқич бермайдир,
Ўткинчи дунё бу, ўткинчи дунё.
Қисматингдан хабар бериб турмайдир,
Ўткинчи дунё бу, ўткинчи дунё.

Кимдир умр кўрар айшу ишратда,
Кимдир ёниб ўтар қайғу, ҳасратда,
Эзгуликлар қолиб кетар хилватда,
Ўткинчи дунё бу, ўткинчи дунё.

Кўз бойлағич кўп, равшанлиғ камдир,
Амалдор қисганга гулшанлиғ камдир.
Аҳли ғариб ўлса, кафанлиғ камдир,
Ўткинчи дунё бу, ўткинчи дунё.

Ғарибларнинг жойи жаннатда бўлғай,
Оллоҳ ўзи қўйган Раҳматда бўлғай,
Мол-дунё деганлар ғафлатда бўлғай,
Ўткинчи дунё бу, ўткинчи дунё.

Сафо Очил эгри йўлдан юрмаган,
Сафо Очил даври давра сурмаган,
Сафо Очил меҳру шафқат кўрмаган,
Ўткинчи дунё бу, ўткинчи дунё.

ХҲҮРЛАНМАСУН

Жабру ситамнинг бирин кўймай ёлгон дунёдан,
Хўрланиб ўтдим мен, мозорим хўрланмасун.
Ҳалолни деб, қочиб ҳаром молу дунёдан,
Хўрланиб ўтдим мен, мозорим хўрланмасун.

Ғариблигим кўриб, ҳаромхўрлар кулмишлар,
Ишим четга суриб, порахўрлар кулмишлар.
Ҳар дам қоним сўриб, не қонхўрлар кулмишлар,
Хўрланиб ўтдим мен, мозорим хўрланмасун.

Бориб мен ҳеч қачон ғаддорга ялинмасмен,
Юрсам-да нонга зор террорга ялинмасмен,
Майли, ўлсам ўлай, хунхорга ялинмасмен,
Хўрланиб ўтдим мен, мозорим хўрланмасун.

Сабрли бандамен, сабримни тепмасунлар,
Ҳақ йўлинда дарду саримни тепмасунлар,
Ўзим каби ғариб қабримни тепмасунлар,
Хўрланиб ўтдим мен, мозорим хўрланмасун.

Рутбалиғ ҳароми кулфати бошимдадур,
Армонлиғ пешонам шўри кўз ёшимдадур,
Сафо Очил, руҳим кўзлари лошимдадур,
Хўрланиб ўтдим мен, мозорим хўрланмасун.

ОЗОД ҚИЛ

Ёлғон дунё бошга нелар солмади,
Эй, Оллоҳим, дарддан мани озод қил.
Мен кўрмаган синовларинг қолмади,
Эй, Оллоҳим, дарддан мани озод қил.

Ёлғиз қолдим, аммо лекин эркинман,
Қарисам ҳам енлар каби дуркунман.
Гар келса Азройил нелар деркинман,
Эй, Оллоҳим дарддан мани озод қил.

Кимсасиз уй шағал каби ҳув-ҳувлар,
Сал оғринсам хаста юрак шув-шувлар,
Келиб ажал арилари ғув-ғувлар,
Эй, Оллоҳим, дарддан мани озод қил.

Эл кўнглига яхши ният солгайсан,
Куним битса, сўнгра дардсиз олгайсан,
Ва лекин руҳимда мангу қолгайсан,
Эй, Оллоҳим, дарддан мани озод қил.

ОЛЛОҲИМГА БЎЛГАН МУҲАББАТ

Бу дунёнинг чангин ютади,
Орзулардан яралган суврат.
Вале руҳим билан кетади,
Оллоҳимга бўлган муҳаббат.

Бу дунёда кўрганим қайғу,
Умрим ўтди хўрликда мангу,
Вале муродига етади,
Оллоҳимга бўлган муҳаббат.

Ёдламаслар ҳатто отимни,
Тингламаслар оҳу додимни,
Вале кўнглим сийлаб ўтади,
Оллоҳимга бўлган муҳаббат.

Ўғай қилди мени бу дунё,
Сафо жоним кўрмади вафо,
Вале дилга умид атади,
Оллоҳимга бўлган муҳаббат.

Эй, Худойим, кўп гуноҳ қилдим,
Гоҳи билиб, гоҳида билмай.
Ва ниҳоят беҳуш йиқилдим,
Қисматимни назарга илмай.

Кипригимда умидим сим-сим,
Армонимга қараб синиқдим.
Бу дунёнинг ситамин кўрдим,
Қийноғида юриб чиниқдим.

Фисқи-фасод кўрсатди кучин,
Елкам яғир қилди бу елкан.
Эй, Худойим, мен ғариб учун,
Бу дунё-ку жаҳаннам экан!

У дунёнинг энди, Худойим,
Қай еридан кўйибсан жойим?

КУТМАДИМ

Аҳли лоқайд мулкида шижоатлар кутмадим,
Лафзи йўқ киборлардан садоқатлар кутмадим.


Мор оғзига термилиб, асал кутмоқ беҳуда,
Ахлоқсиз водонлардан ориятлар кутмадим.

Манфаатлар тожини кийган бўлса кимда ким,
Ул оллида сарғайиб адолатлар кутмадим.

Пинҳон юрар разиллар либосларин янгилаб,
Ялтоқланган кимсадан диёнатлар кутмадим.

Ўзимни ўтга урдим, сувга урдим фарзанд деб,
Ва лекин фарзандлардан ҳақоратлар кутмадим.

Ҳақ йўлини танладим, ишонгил, Сафо Очил,
Шул боис юрагимдан қабоҳатлар кутмадим.



*Ватанга
тикилган
жон*

ОТА ҚАЛБИНИНГ НИДОСИ

Жоним болам, юрак бугун тилка порадир,
Туртганимдан, туркманимдан бўлган болам-ей.
Мард ўғлоним, ҳозир умрим тугаб борадир,
Туртганимдан, туркманимдан бўлган болам-ей.

Етмадим мен нечун шўрлик онанг қадрига,
Учрадим ё Кубро бобонг қарғиш, қаҳрига,
Емиш бўлдим ошга солган шайтон захрига,
Туртганимдан, туркманимдан бўлган болам-ей.

Мўғулларни писанд этмай қилдим хатолар,
Тахтимдан ҳам, бахтимдан ҳам бўлдим жудолар,
Хоразмдай буюк элдан едим изолар,
Туртганимдан, туркманимдан бўлган болам-ей.

Шоҳ Муҳаммад руҳи сенга мадаккор бўлғай,
Ол қиличим, шоҳлик тожим доим ёр бўлғай.
Ёр тургунча Жалолиддин номи бор бўлғай,
Туртганимдан, туркманимдан бўлган болам-ей.

ОНА ҚАЛБИ

Болам, тингла, юрагимга Оллоҳ солган зоримни,
Не бўлса-да кўриб бўлдим манглайимда боримни.

Жуфти ҳалол бўлиб шоҳга рўшноликни кўрмадим,
Вале жондан азиз кўрдим ёстиқдошим – ёримни.

Ёв босганда Хоразмдай муқалдас бир Ватанни,
Кўп кўрмасин худо менга сендай ифтихоримни.

Ёвуз душман қўлларида булғанмасин номусим,
Синдга ташлаб сақла, Жалол, номусимни, оримни.

Ватанидин йироқларда шоҳлик қилган, шоҳ болам,
Оқ сутимни оқлаб энди бажо қил қароримни.

Ёлғизимнинг боши тошдан бўлсин, эй Парвардигор,
Ўзинга топширдим бугун қатордаги норимни.

ҚАЙДАСАН?

*Нажмиддин Кубронинг Жалолиддин
Мангубердига айтганлари*

Ёғий босди элингни, Жалол ўғлим, қайдасан?
Пайҳон қилар гулингни, Жалол ўғлим, қайдасан?

Дардлар ютиб ичикдинг, лекин бироз кечикдинг,
Чўқтирмагил кўнглингни, Жалол ўғлим, қайдасан?

Оллоҳга нидо айлай, кел, болам, дуо айлай,
Дуога оч кўлингни, Жалол ўғлим, қайдасан?

Писанд қилмай ўқини, йиртдим душман туғини,
Маҳкам боғла белингни, Жалол ўғлим, қайдасан?

Шаҳид кетдим дунёдан, кўнгили узмай Худодан,
Ойдин қилсин йўлингни, Жалол ўғлим, қайдасан?

Содиқ қолиб Ватанга, элинг учун кир жангга
Бошлаб юрак гулингни*, Жалол ўғлим, қайдасан?

Мисол олиб Кубродан, мадад сўраб Худодан,
Ҳимоя қил элингни, Жалол ўғлим, қайдасан?

* Юрак гули – шерюрак маъносида

ШАҲИД КЕТГАН ЖАЛОЛИДДИН

Ўзин демай, Истиқлол деб, дунёдан,
Шаҳид кетган Жалолиддин бобом-ей.
Эл гамин еб, Истиқбол деб дунёдан,
Шаҳид кетган Жалолиддин бобом-ей.

Сабоқ берди жасурликдан оламга,
Таслим бўлмай қайғу-гамга, аламга,
Ўлдирсалар ёмон экан одамга,
Шаҳид кетган Жалолиддин бобом-ей.

Қони сачраб кетди чунон осмона,
Шафақ бўлиб ёйилибди жаҳона,
Ларзаланди наърасидан замона,
Шаҳид кетган Жалолиддин бобом-ей.

Хоразмга озодлик деб, жон берган,
Босқинчидан қасос ол деб, бонг урган,
Маслагида сутдай оппоқ тонг кўрган,
Шаҳид кетган Жалолиддин бобом-ей.

Фидойига жоним бўлсин фидолар,
Руҳин ёдлаб, қилдим юз минг дуолар,
Сафо Очил қалбин ўртар нидолар:
„Шаҳид кетган Жалолиддин бобом-ей!“

МАРДЛИК ЭЛИНИНГ СУЛТОНИ

Ўзбекистон элин асли азмдир,
Салом айлар келган парвоналарга.
Кўрки онинг гўзал бир Хоразмдир,
Меҳмон бўлинг, дўстлар, кошноаларга.

Истиқлолдир Мангуберди достони,
Достон ичра янграб турар армони,
Жалолиддин – мардлик мулкин султони,
Мунтазир тўй тўри мардоналарга.

Селкиллайди чўгирмаси бошида,
Хизматдадир авлодлари қошида.
Қуёш балқиб кўзларининг ёшида,
Дўнар бора-бора дурдоналарга.

Ҳақ бор экан, орзуларнинг висоли,
Сафо Очил кўз олдида тимсоли,
Мазмун эрур Жалолиддин хаёли,
Ёқимтой ҳуснидил афсоналарга.

ТАБАРРУК ИНСОН

Муқаддас заминда табаррук инсон
Жалолиддин Мангуберди руҳи бор.
Нилий осмонимиз узра нуқра тонг —
Жалолиддин Мангуберди руҳи бор.

От ўйнатиб ёвга келтирди қирон,
Мардлар майдонида топди шухрат-шон,
Жисмаро жонингда, эй Ўзбекистон,
Жалолиддин Мангуберди руҳи бор.

Кўксимизда изи қолган доғ аро,
Согинчдан юксалган кўнгли тоғ аро,
Истиқлол аталмиш гўзал боғ аро,
Жалолиддин Мангуберди руҳи бор.

Элимизга руҳи бўлсин мадаккор,
Шу кунларни қанча кутдик интизор,
Мозийдан бизгача етган бегубор,
Жалолиддин Мангуберди руҳи бор.

Аждодим кўтарган ҳар бир исёнда,
Оқибат ушалган нурли армонда,
Сафо Очил қалби ичра туғёнда,
Жалолиддин Мангуберди руҳи бор.

КЕЛСИН

Даврамузга савлат тўкиб
Марду майдонлар келсин,
Зеболаниб, иболаниб,
Қизу жувонлар келсин.
Меҳр отлиғ неъматга мўл
Дастурхонлар мунтазир,
Равшан айлаб тўйхонамиз
Софдил инсонлар келсин.
Куй-қўшиқлар васфингизни,
Васлингизни соғинмиш,
Тўй тўрига қадоқ қўлли
Ишчи, деҳқонлар келсин.
Давра қуриб ўйнанг, дўстлар,
Ўйнайдиган замон бу,
Адолатли, диёнатли,
Қутлуғ сарбонлар келсин.
Сафо Очил кўнгли аро
Тўй бошланди авжида,
Жалолиддин. Феруз каби
Улуғ султонлар келсин.

КЕЛИБДИ

Кеча оқшом истаб мени кулбама,
Жалолиддин бобом руҳи келибди.
Жаҳон бўлиб, осмон бўлиб ўлкама,
Жалолиддин бобом руҳи келибди.

Турар эди оқ отида у мағрур,
Юзларидан, кўзларидан сочиб нур,
Юртбошимга айтиб такрор ташаккур,
Жалолиддин бобом руҳи келибди.

Бошда қамар чўғирмаси шоҳона,
Қайғу-алам бўлиб унга бегона,
Мустақил юрт ишқи дилда ягона,
Жалолиддин бобом руҳи келибди.

Озод, обод юртга қараб тўймайди,
Вале қўлдан қиличини қўймайди,
Кетай деса элни кўзи қиймайди,
Жалолиддин бобом руҳи келибди.

Нажмиддин Кубронинг олиб дуосин,
Дилга жойлаб Муҳаммад Шоҳ нидосин,
Ичиб бугун Истиклолнинг ҳавосин,
Жалолиддин бобом руҳи келибди.

Ҳамроҳ бўлди менга токи субҳидам,
Берган барча ўғитлари мукаррам,
Сафо Очил кўнгли бўлди бир олам,
Жалолиддин бобом руҳи келибди.

КЎРИНДИ

Қир устида кишнаган, оппоқ тулпор кўринди,
Мардни жангга бошлаган, оппоқ тулпор кўринди.

Кўзларида ёлқинми, туёғида чақинми,
Чавандози яқинми, оппоқ тулпор кўринди.

Жалолиддин оти у, қайрилмас қаноти у,
Тушмас тиллардан мангу, оппоқ тулпор кўринди.

Душман ўтмас ёнидан, ўтсин, кечса жонидан,
Хоразмнинг тонгидан оппоқ тулпор кўринди.

Хоразм қучоғида, „Жалолиддин боғи“ да,
Кўзларим қароғида, оппоқ тулпор кўринди.

Жалолиддин ниҳоли, истиқлолнинг жамоли,
Сафо Очил тимсоли, оппоқ тулпор кўринди.

ТҶЙЛАР МУБОРАК

Тўйларингиз бошлаб кўйдик, оғажон,
Жалолиддин оға, тўйлар муборак!
Хоразмдан чиққан миллий қаҳрамон,
Жалолиддин оға, тўйлар муборак!

Ёв босган элимиз озод бўлсин деб,
Эзилган кўнглимиз обод бўлсин деб,
Башорат қилдингиз олам билсин деб,
Жалолиддин оға, тўйлар муборак!

Элингизни жаҳон билди фарзона,
Дилингизни замон билди рахшона,
Армонингиз армон билди дурдона,
Жалолиддин оға, тўйлар муборак!

Ўрнингиз белгили Ўзбекистонда,
Тасвирингиз бордир сўлим бўстонда,
Васфингиз жаранглар озод маконда,
Жалолиддин оға, тўйлар муборак!

Сафо Очил келди тўйга сервиқор,
Юртбошимдан бўлинг Сиз ҳам миннатдор,
Рухингиз айлади ул зот бахтиёр,
Жалолиддин оға, тўйлар муборак!

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

Ватан деган ҳис-туйғуни
Жалолиддин Мангу берди,
Чингизхонга ғам-қайғуни,
Жалолиддин Мангу берди.

Кўзларида чақмоқ чақар,
Қиличидан қонлар оқар,
Қасос оловини ёқар,
Жалолиддин Мангуберди.

Уруш сирин ёна-ёна,
Ўрганарди толибона,
Жанглар қилди ғолибона,
Жалолиддин Мангуберди.

Кўкка балқиб чиқди Қуёш,
Юракларга берди оташ,
Душманга эгмади бош,
Жалолиддин Мангуберди.

Қўшиқларга исми сайқал,
Сафо Очил куйлар ҳар гал,
Даврлар руҳида ҳайкал,
Жалолиддин Мангуберди.

ЛАПАР

Салом бериб гирайин,
Жалолиддин оғама.
Арзим айтиб берайин,
Жалолиддин оғама.

Шоҳим мисоли қуёш,
Ўрта бўйли, қиличқош.
Бўламан ўзим сирдош,
Жалолиддин оғама.

Ҳавас қилган Чингизхон,
Кўринса марду майдон.
Ҳайрондир жумла-жаҳон,
Жалолиддин оғама.

Оға,оға, оғажон,
Юракларда не армон?
Савлат тўкиб галади,
Бизнинг миллий қаҳрамон.

Нилий осмон ўйлармиш,
Бўйларини бўйлармиш.
Сафо Очил куйлармиш,
Жалолиддин оғама.

ЖАЛОЛИДДИН БОБОМНИНГ

Насли асил шахриёр,
Жалолиддин бобомнинг.
Шижоати фахриёр,
Жалолиддин бобомнинг.

Номи кезар элларда,
Кўшиқ бўлиб тилларда,
Меҳри яшар дилларда.
Жалолиддин бобомнинг.

Меҳрим нури сочилди,
Энди кўнглим ёзилди,
Умид гули очилди,
Жалолиддин бобомнинг.

Сафо Очил ҳурмати,
Ҳурматида сийрати,
Қалб тўрида суврати,
Жалолиддин бобомнинг.

„ОТАЖОНИМ“ ДЕБ

Жалолиддин Мангуберди бобомнинг ўғлига

Ханжарни кўриб,
Унсиз ингради.
„Отажоним“ деб
Нидо янгради.

Мурғак кўкрагин,
Тила қолдилар.
Жажжи юрагин,
Суғриб олдилар.

Митти қиличи,
Мурда белида.
Юракла ўчи,
Ёвнинг кўлида.

ЖАЛОЛИДДИН МАНЗАРАЛАРИ

Қир устида мағрур бир йигит,
Бургут каби боқарди нотинч,
Дилда қасос, қўлида қилич,
Қир устида мағрур бир йигит.

Юртнинг дарди, оҳи-фарёди,
Қалбин тирнар сотқинлар доғи,
Вужудига сингибди чоғи,
Юртнинг дарди, оҳи-фарёди.


Хўнграб-хўнграб Жайхун тўлганар,
Элнинг ажал талвасасидан,
Хў, йигитнинг мунгли сасидан,
Хўнграб-хўнграб Жайхун тўлганар.

Кўз нуридан яшин чақнайди,
Гулдирмомо тинглар оҳини,
Аму сезар унинг қаҳрини,
Кўз нуридан яшин чақнайди.

Кўз олдига келди ногаҳон,
Талон-тарош, қуллик, асорат,
Ва юртдошдан келган хиёнат,
Кўз олдига келди ногаҳон.

Олгудай у қуёшдан тилим,
Замин титрар қалтироғидан,
Зарур бўлиб қолса дафъатан,
Олгудай у қуёшдан тилим.

Қир устида, хў, тепаликдан,
Йигит боқар, юраги ёниқ,
Босқинчилар кўринар аниқ,
Қир устидан, хў, тепаликдан!



*Камола
етган
ишқ*

ЎТАДИР

Сарғайган саҳролардан мискин қарвон ўтадир,
Бошлаб мискин қарвонни мағрур сарбон ўтадир.

Саҳролар оловинда мағрур юрак жизғанақ,
Нафис гулшан ахтариб нурли армон ўтадир.

Нурли армон ичра мен қолдим ҳайрон мунғайиб,
Тўрт томонга термилиб, кўнглим сарсон, ўтадир.

Сақсовул соясида хўмраяр калтакесақ,
Атрофимдан айланиб илон, чаён ўтадир.

Мискинлар қарвонига сарбондур мен аслида,
Вале кўрмай аҳволим шапқўр замон ўтадир.

Шапқўр замон устидан қуларман қаҳ-қаҳ уриб,
Замзам каби мусаффо қутлуғ иймон ўтадир.

Эй, Адолат, йиғлама кўнглин бузиб Сафонинг,
Ўксик қалби бўҳронга бўлиб қалқон ўтадир.

ТУШМИШ

Муҳаббат таърифи ҳикматга тушмиш,
Билганлар ушлаб яқо ҳайратга тушмиш.

Муҳаббат таснифи сизиб кўнгилдан,
Жилоланиб мисли йўқ санъатга тушмиш.

Муҳаббат қўшиғин англаган зотлар,
Менинг каби ажиб бир ҳолатга тушмиш.

Муҳаббат чашмаси каромат ўзи,
Аҳли ишқ орасинда ҳурматга тушмиш.

Каромат ила Сафо Очил биттадир,
Икки юрак бирланиб сувратга тушмиш.

КАМОЛА ЕТДИ ИШҚ

Камола стди бу ишқ эмиб меҳр шарбатин,
Умрим бўйи жойига қўйгум азиз ҳурматин.

Сувратин сўрган эдим пари рухсор дилбардан,
Бермаса бермасин у, дилга чиздим сувратин.

Нурланиб кетгай эрди зулмат аро ётган қалб,
Кўрсатса менга дилдор олийжаноб ҳимматин.

Ўртага севгим қўйиб қиламан мен қасамёд,
Ўлгунча пок сақлайман ёрим қадру қимматин.

Билгил, эй Сафо Очил, соҳибжамол беқиёс,
Оғушига яширган бу дунёнинг жаннатин.

ҲУРИ МАЛАК

Камарбанд* этмиш мани музаффар ҳури малак,
Банд қилмиш ҳийла бирлан афсунгар ҳури малак.

Армонли дунё ичра етган ишқим камола,
Ки ишқ боғига бўлмиш муяссар ҳури малак.

Маҳобатли шуқуҳим қадди букилмиш тамом,
Талаби надир шунча ситамгар ҳури малак.

Оламгир қўнглим бугун инграйдир мотамсаро,
Қилмаса эрди севгим дарбадар, ҳури малак.

Латофатли камоли экан ишқимга мисол,
Ки шубҳам айлади у мухтасар, ҳури малак.

Аё, дўстлар, ахтариб топганим ул ягона,
Сафо Очил бахтидур муқаррар, ҳури малак.

* Камарбанд — хизматкор

ЖОНИМНИ ОЛУРСАН

Жонимни олурсан кулиб-кулиб,
Кулгингдан кетурман илиб-илиб.

Ё сароб изидан юрибманми,
Дайди бир ел каби елиб-елиб.

Қоши қиличингни тортиб тамом,
Қўйдинг юрагимни тилиб-тилиб.

Бепарвосан мунча, соҳибжамол,
Неки қилар ишинг қилиб-қилиб.

Шоҳ эурсан азоб дўзахида,
Ниятинг турибман билиб-билиб.

Ниятим холисдир сента, жоним,
Мени хўрлайсанми келиб-келиб.

Вале Сафо Очил ишқ боғидан,
Ташлай олмас сени юлиб-юлиб.

САФО КЕЛДИ

Мулойим бир сабо келди,
Сабо билан наво келди,
Фалакдан бир садо келди,
Садо билан нидо келди.

Садоларда орзуларим,
Нидоларда қайғуларим,
Такрор айтиб само келди,
Само билан дунё келди.

Гулбоғимга сувлар тараб,
Юрган чоғда менга қараб,
Гул юзли бир зебо келди,
Зеболаниб ҳаё келди.

Оғушимга кўклам бўлиб,
Оқ либосда кўркам бўлиб,
Қанот қоқиб Ҳумо келди,
Ҳумо билан зиё келди.

Умид бўлиб уйимизга,
Ишқ ҳақдаги ўйимизга,
Бахт элчиси Сафо келди,
Сафо билан вафо келди.

Кўзларим хира тортиб борадир,
Кун-кундан дардим ортиб борадир.

Кўкранг қайсидир, ҳаворанг қайси,
Айтиб беринг деб, дил ёлворадир.

Ўзгариб кетмиш ёки бу дунё,
Наҳотки ҳамма ёқ қоп-қорадир.

Найлайин энди ҳамёним бўм-бўш,
Ҳомийни менга ким ахтарадур.

Ҳомий топилмас балки раҳмдил,
Умид султони ё овворадир.

Руҳимда тугун чувалиб бугун,
Бутун юрагим юз минг порадир.

Эй Сафо Очил, дардим боисин,
Ки айта билмай тил бечорадир.

Эй, нигора, жавринг манго ёмон бўлди,
Савдои ишқ наҳрида кўп тўфон бўлди.

Тўфон ичра меҳру шафқат кутиб сендан,
Йўлларингда икки кўзим гирён бўлди.

Бир мўъжиза боис юз тутдим ҳаётга,
Ишқ чўқтирган кўнглим менинг осмон бўлди.

Эй, нигора, келарсан деб умид этдим,
Орзу-умид ўрта йўлда ҳайрон бўлди.

Ер бағирлаб ётиб эрдим мурдасифат,
Тимсолинг келиб бош узра нурхон бўлди.

Қазои ишқ икки таранг камонингда,
Ўқларинга мискин кўксим нишон бўлди.

Муҳаббат мулкида чекиб то риёзат,
Ишқ шаҳрина Сафо Очил султон бўлди.

Муҳаббат иморатин,
 Қурганингда бош бўлдим,
 Васли ишқ айвонига,
 Устун бўлдим, қош* бўлдим.
 Кўзларингни қиймириб,
 Турганингда термилиб,
 Етиб бориб қошингга
 Қилич каби қош бўлдим.
 Шодликдан мисли булоқ,
 Тошиб кетди юрагинг,
 Порланиб шабнам бўлдим,
 Кўзларингга ёш бўлдим.
 Бошимга ишлар тушйб,
 Чекканимда изтироб,
 Интизор кутиб сани,
 Бардош бўлдим, дош бўлдим.
 Тутар эдим сиримни
 Фанимлардан пинҳона,
 Ишқим айтиб тарона,
 Эллар аро фош бўлдим.
 Сафо Очил ҳасратин
 Териб олиб танамга,
 Вафоси йўқ хушторинг,
 Манглайига тош бўлдим.

* Қош (хоразмча) — тўсин.

МЕНИНГ САЙЁРАМ

Қоинотда тенги йўқ кўклам, менинг сайёрам,
Сайёралар ичинда кўркам, менинг сайёрам.

Ёлғиз шоҳмен сайёрам ишқининг саройинда,
Оғушига олиб дер, эркам, менинг сайёрам.

Ҳис-туйғулар мулкидан йироқ ғариб кимсалар,
Ҳасад қилиб камситар ҳар дам менинг сайёрам.

Ҳасад аҳлини айлаб шармандаю шармисор,
Офтоб юзига қилдим рақам, менинг сайёрам.

Ишон, эй, жоним, Сенга қўйган меҳримга Сафо Очил,
Номим ила ичаман қасам, менинг сайёрам.

КАМОЛА ЕТИШДИ

Севгимни камола етишди дейинму?
Мукаммал жамола етишди дейинму?

Дил кўкида маҳзун муҳаббат юлдузи,
Нурафшон ҳилола етишди дейинму?

Умрим бўйи орзу қилган сўлим-сўлим,
Боғимда гуллола етишди дейинму?

Ташна лабларимга ишқ майи лиммо-лим,
Лолагун пиёла етишди дейинму?

Аё, дўстлар, бугун Сафо Очил қалби,
Киройи* камола етишди дейинму?

*Киройи – муносиб маъносида

НА БЎЛДИ МАНГО?

Сени курсам титрайман дир-дир,
На бўлди манго?
Томирларим қақшайдир бир-бир,
На бўлди манго?

Кўринмай қолсанг агар бир зум,
Ел каби елиб,
Сенга томон чопурман зир-зир,
На бўлди манго.

Гоҳи келмасанг ишга гўё
Туман ичра мен,
Бош айланиб бўлурман басир,
На бўлди манго?.

Ташна лаблар сувга етгандек,
Роҳатланурман,
Айланиб атрофингда гир-гир,
На бўлди манго?

Қалб қафасинг ичра шерюрак
Сафо Очилни,
Бир умрга олибсан асир,
На бўлди манго?

ЧАЛ

Юрагим томирин тор айлаб, чал-чал,
Дилбар, лазгини хуштор айлаб, чал-чал.

Юрагим торидан янграр оҳанглар,
Латиф куйларини ёр айлаб, чал-чал.

Ҳаволар мавж урсин тор титроғидан,
Сўлғин қўнгилни бедор айлаб, чал-чал.

Қўшиқ оғушида тебранар гуллар,
Булбул нағмасин хуммор айлаб, чал-чал.

Шашмақом боғида кезса қарғалар,
Овозин бўғиб, бемор айлаб, чал-чал.

Мискин юрак чўкиб қолмасин мудраб,
Сафо Очилни хушёр айлаб, чал-чал.

Кечир мани, буздим оқшом
Санинг нозик оромингни,
Васфин куйлай жон бағишлаб,
Нафис муҳаббат жомингни.

Нақшин гуллар ял-ял ёнар
Нозик жоминг гардишида,
Ки акси жилоланмишдир
Топганинг лутфи комингни*.

Севгинг бешигин тебратиб
Эй, париваш, то субҳидам,
Чақмоғи ишқ нури ила
Ёритдим шаби шомингни.

Зийнати кошонанг аро
Зиё таратмиш кумуш тонг,
Ки айни чоғ бир-бир босиб,
Айлаб келдинг саломингни.

Оппоқ ҳарир куйлак ичра
Кўз ўйнатур мармар бадан,
Тасвирин битдим қоғозга
Кўзга суриб илҳомингни.

Сафо Очилни ёд этиб,
Муродга етган аҳли ишқ,
Гулбаргга ёзиб қўймишлар
Номимга қўшиб номингни.

*Ком топмоқ – мақсадга эришмоқ

ИМКОН БЎЛМАСА

Қушлар эркин учолмас, тиниқ осмон бўлмаса,
Ҳеч бир армон ушалмас, керак имкон бўлмаса.

Дилда қийғос очилмиш, орзу-умид гуллари,
Юрак юрак эмасдир, унда армон бўлмаса.

Дийдаи элдин ниҳон, диёнат қолиб четда,
Хиёнат гуллаб-яшнар, тоза виждон бўлмаса.

Фидойилар гулбоғи, муҳтож бугун боғбонга,
Марду майдон қайдадир, ичда султон бўлмаса.

Маҳзун Сафо Очилга, бермиш кўплар озорлар,
Жаҳолатга ошнодир, кимда иймон бўлмаса.

ЎЙНАЙДИР

Мендан йироқ қайладир, кўркам баҳор ўйнайдир.
Қирғоқларни емириб, ўжар анҳор ўйнайдир.

Умрим бўйи кутганим, келиб анҳор бўйида,
Шаббодага эркалаб, нозли бир ёр ўйнайдир.

Шамол билан тиллашар нозли ёрнинг кокили,
Ларзон бериб белида, бўйнимга дор ўйнайдир.

Ажал дори бўйнимда, куним битди, эй дунё,
Томирларим қонимга тор келиб, тор ўйнайдир,

Оппоқ ҳарир кўйлагин кўз олдимда силар ел,
Кўзларимни ўйнатиб, такрор-такрор ўйнайдир.

Раҳм айлабон бечора ошиқларнинг ҳолига,
Сафо Очил кўнгли-ей, айтиб алёр ўйнайдир.

КАМОЛА ЕТСИН

Қалбимга эккан бир гулим
 Камола етсин, камола,
Гулга берган нозик кўнглим
 Камола етсин, камола.

Йўл излар булоқ боғларга,
 Дуч келиб борар оҳларга,
Ёр ишқинда тутган йўлим,
 Камола етсин, камола.

Офат йўқолсин бу ердан,
 Навбаҳор кулсин меҳрдан,
Боғлар бўлиб сўлим-сўлим
 Камола етсин, камола.

Чеҳранг зам-замдай тип-тиниқ,
 Тананг гулбаргдай сип-силлиқ,
Ки, гулбарг аро булбулим,
 Камола етсин, камола.

Бағриндан жой бергил манго,
 Бағишлай умримни санго,
Сафо Очил, сафо кўнглим
 Камола етсин, камола.

СЕВГИ ФАХРИЯСИ

I

Нодири замон кўринди — Нурхон,
Нурланиб кетди зимистон жаҳон.

Умид боғига қўниб бир туйғу,
Қалдирғоч каби қурмоқда ошён.

Ривоят айлаш менга не даркор —
Ки жўшиб куйлар юракда армон.

Хайрихоҳ бўлмас суйганим, найлай,
Орзулар урар қонимда тугён.

Ором бағишла ўзинг, нигора,
Юриб ёнма-ён сурайлик даврон.

Найлай, адашсам саҳрода сарсон,
Эй, Сафо Очил, ишқ экан сарбон.

II

Севгингни дoston дейинму, Нурхон,
Кўксингни осмон дейинму, Нурхон.

Елкангда зилдай ташвишлар мўл-мўл,
Эзғилар ҳар он дейинму, Нурхон.

Висол онлари хуни-бийронсан,
Юрагинг қон-қон дейинму, Нурхон.

Малиҳ мулкида иқбол, муродинг,
Санъатинг сарсон дейинму, Нурхон.

Елвизак каби жонинг қасдида,
Файрилар фалон дейинму, Нурхон.

Насиб этмади сенга Истиқлол,
Боғида даврон дейинму, Нурхон.

Илинжимдур сен қолдирган бардош,
Сафога ирфон дейинму, Нурхон.

III

Субҳидамда боғ ичра суриб хаёл,
Булбулларга ёки бердимми малол!?

Етим қолган орзуларим суйса ким,
Кўнглим ўсар эди майсадай алҳол.

Висол оқшомида булбуллар ила,
Умидим чечаги кўрсатди жамол.

Асрайман жонимда ҳамдардлар сўзи —
Ки фикримда топгай бир умр камол.

Малоҳат гулшанин кездим неча бор,
Вале булбул зори бағримда ол-ол.

Асроримни очиқ айтай, дўстларим,
Вужудимни айлар муҳаббат ишғол.

Насим силаб ўтган нафис гулбаргдай,
Севги дарсин Сафо Очилдан ол, ол.

IV

Севги фанин ўргатиб савоб айлай,
Чин муҳаббат қиёсин офтоб айлай.

Есин, майли, маъшуқам токи бағрим,
Ишқ чўғида бағримни кабоб айлай.

Насиб этса ошиқлар васфин куйин,
Чертмоқ учун кўнглимни рубоб айлай.

Иншооллоҳ, бир умр Сафо Очил,
Базми висол таърифин китоб айлай.

ВАФО БИЛАН

Бу дунёга эгиз келдим, меҳр бўлиб вафо билан.
Дўст тутиндим меҳри вафо муқаддас бир зиё билан.

Зиёдан нур эмиб ҳар кун, гиёҳдай ўсли идроким,
Севиниб гулпан ароким, сайр этарман ҳумо билан.

Завқи келиб зариф ҳумо, куй мулкига айлар имо.
Машқ қиларди оҳанграбо, бир булбулигўё билан.

Кўз ёшдан бино дарёдан, ошиқлар кечар дафъатан,
Наҳот кетарман дунёдан. бошда юз минг савдо билан.

Сафо Очил, дунё кўрдим, юртим бахтин авло кўрдим,
Умидларим зебо кўрдим, зам-зам билан. Сафо билан.

ДЕСАММИ

Нурланиб турган чеҳранг шамсиқамар десамми,
Баданинг қиёсини мисли мармар десамми.

Кўрсатиб кароматинг кўнглим қилдинг нурафшон,
Кулбамга оқиб кирган моҳи анвар десамми.

Юрагим уммонига шўнғиб кетдинг гаввосдек,
Садафни ашён этган дурри гавҳар десамми.

Турардим ошуфтаҳол оғушингда мулойим,
Кўлларинг белимдаги олтин камар десамми.

Эй, Сафо Очил, худо берган каромат боис,
Сарафроз иқболимни жонли асар десамми.

УМИДА

Мунчалар дилбарсан, Умида,
Бебаҳо гавҳарсан, Умида

Етти иқлим аро ягона,
Моҳи рӯй анварсан, Умида.

Турфа ранг орзулар уфқида,
Жилвали жавҳарсан, Умида.

Олдингда не гуллар тиз чўкмиш,
Гулшанга зеварсан, Умида.

Тўқибсан муҳаббат каштасин,
Тенги йўқ чеварсан, Умида.

Тасвиринг чизолмай қийналсам,
Устимдан куларсан, Умида.

Сафо Очил туриб кимни сен
Бахтиёр қиларсан, Умида.

Бахтим қаросидан тўқилган матодир тун,
Қалбим яросидан зирқирар олам бугун.

Бутун дунё йиғлар риёкорлар зулмидан,
Омонат кун кўрар ҳақгўйлар доим дилхун.

Дилхун турмушимдан яйрайдир ҳасадгўйлар,
Ки кулар устимдан бахиллар келиб устун.

Устун бўлиб қолди дунёга не хиёнат,
Адолат хўрланур қадри топталиб ҳар кун.

Ҳар кун бошимдадур ҳасратга мўл савдолар,
Аҳли иймон келиб боқмишлар менга маҳзун.

Маҳзун юрагимда ҳамиша Оллоҳ ёди,
Ки Ҳақ зиёсидан Сафо Очилдир мамнун.

Кўз олдимда турган жумла-жаҳондир,
Тадқиқ этмоқ они дилда армондир.

Кўз илғамас шаҳрим кошоналари,
Кимга томоша-ю, кимга ошёнди.

Айлангиз томоша замон зайлини,
Ҳаёт кимга оғир, кимга осондир.

Бу даврон қандайин даврон, билмадим,
Кимга қабристон-у кимга бўстондир.

Одамлар қадрига баҳо қўйилмиш,
Кимларга қиммат-у, кимга арзондир.

Бир чақалик қадринг йўқ, Сафо Очил,
Бундан кимлар шод-у, кимлар гирёнди.

ҚАМАР ЭКАНСАН

Сайд айладинг кўнгил қушим, моҳир сайдгар экансан,
Сайдгарлар ичинда тенги йўқ бир сарвар экансан.

Адолат қил овингга сен жонингдан макон айлаб,
Алҳол янграб кетди латиф куйлар. самар экансан.

Йилигимни шимиб ўсган жон қушим хор айлама,
Йўл излайман мен ҳам сенинг томон, маҳшар экансан.

Ёрлиқ босдинг юрагимга, нақшин ишқ тамғасидан,
Ё раб, билсам энди асли, ўзинг заргар экансан.

Роҳати жон бағринг сенинг мисоли жаннатмакон,
Равзаи фирдавсдек тоза мушки анбар экансан.

Аё. Сафо Очил, куйла Сайёралар сулувин.
Асир олган кўнгил қушим моҳи қамар экансан.

Олай деб эътиборинг, севгим ҳақда сўз қилдим,
Не десанг ихтиёринг, оламга кўз-кўз қилдим.

Билса жумлаи жаҳон, жисмим аро не армон,
Меҳрим кўшиб васфингга бахтиёр эгиз қилдим.

Орзу қилиб висолинг, сулуvgина жамолинг,
Юрагимдан ранг олган гулбаргларга юз қилдим.

Тимсоли жаннатга зеб, кўркинг кўриб турсин деб,
Эй, кўзлари қуралай, ишқинг дилга кўз қилдим.

Кечир мени, гавҳарим, ёлғиз мушки анбарим,
Сенга ёқиш одатим, бир-бир эмас, юз қилдим.

Сафо Очил зулматда, қолмасин деб кулфатда,
Севгинг машъалин ёқиб, тунларни кундуз қилдим.

ЭСЛАДИМ

Эй, гавҳарим, сени такрор эсладим,
Васфинг ҳақда айтиб алёр, эсладим.

Сенга қўйган меҳрим ҳамон нурафшон,
Ҳисларимни айлаб нисор эсладим.

Адоғи йўқ фироғингда оҳ урган,
Мискин кўнглим этиб гулзор, эсладим.

Ишқинг дарди дилда ҳануз ортадур,
Кўксим аро тортиб озор, эсладим.

Орзуларим унутолмай доғдамен,
Тонгга қадар битиб ашъор, эсладим.

Ой нуридин ранг олибди сочимиз,
Вале ёшлик фаслин хуммор эсладим.

Сафо Очил эккан умид чечаги,
Яшнаб кетди гўё баҳор эсладим.

ДОНОЛИГИНГДАН

Мунаввардир бу олам беқис зеболигиндан,
Офтоб бағрида алам сенинг бепарволигиндан.

Сертикан бу боғингда булбул ситами беҳисоб.
Гулбарглар узра шабнам кўргузган жафолигиндан.

Ишқ рақами бу танда безовтадир шабнам каби,
Титраб турар дам-бадам йўл қўйган хатолигиндан.

Кошонаи иқболинг нурафшон эрса нежаб,
Хатоларни тугатиб бўлғуси донолигиндан.

Муҳаббат гулшанидан гуллар териб Сафо Очил,
Ки яшнар кўклам каби бир умр сафолигиндан.

СОҒИНМАСАМ КЕЛАРМИДИМ

Эй наргиси гулшан, соғинмасам келармидим,
Ёниб дилда гулхан, соғинмасам келармидим.

Сарсон-сарсон кездим ўзлигим унутиб ҳар дам,
Сенинг қайғунг билан, соғинмасам келармидим.

Кўзларим мардумин макон этдинг, соҳибжамол,
Эй оғуши чаман, соғинмасам келармидим.

Азиз жондин кечдим, ишқинг нуруни бўйнимга,
Айлагали расан, соғинмасам келармидим.

Муҳаббат отлиғ шоҳ хизматида Сафо Очил,
Хўрланди дафъатан, соғинмасам келармидим.

* * *

Қалбимда тонг эрта отадир,
Тонгнинг куйиб ғами ортадир.

Чунки менинг сайёрам нури,
Тонг юзига оғир ботадир.

Кўзга тушиб ёрнинг шўъласи,
Мени уйқудан уйғотадир.

Бўса олиб алҳол юзимдан,
Бағрига ул ёниб тортадир.

Кўксин босиб олса кўксимга,
Шодлик жонин жонга қотадир.

Сайёрамга халал бермангиз,
Муҳаббат шарбатин тотадир.

БЎЛДИ

Гўзал қиз, алдаганинг ёмон бўлди,
Ишқим кўп юрагимда армон бўлди.

Нелар қилиб қўйдинг, ваъдангни бузиб,
Келмаган кунинг охир замон бўлди.

Қилигинг жон офати, тўфон экан,
Ҳажрингда рангим менинг сомон бўлди.

Париваш рухсорингга термилдим мен,
Суюниб учратганим шайтон бўлди.

Не армон қолиб кетди ўртамизда,
Тузилган аҳду паймон гумон бўлди.

Эй, Сафо Очил, тўфон ичра қолдинг,
Муҳаббат иморати вайрон бўлди.

СУЛТОН БЎЛДИ

Кўнглингда ишқинг сенинг ниҳон бўлди,
Суқланиб турсам бари аён бўлди.

Кўзларинг тушгач менга ҳушёр тортиб,
Қошларинг таранг икки камон бўлди.

Ўқ мисол учган ҳар бир кипригинга,
Ярадор кўксим менинг нишон бўлди.

Кўкрагим тешиб ўтиб найза мисол,
Ҳар бири юрагимга равон бўлди.

Тинчлигим умри тугаб ногоҳ менинг,
Жисмимда жон олғувчи исён бўлди.

Кўзимдан сизиб келган қонни кўриб,
Гулзорда атиргуллар ҳайрон бўлди.

Юзимга босиб юзинг қўйгач малҳам,
Қалбингга Сафо Очил султон бўлди.

ФАҚИРЛАР

(Халқ йўлида)

Нежаб савдо бўлмиш юрак-бағрим патирлар,
Ер қаттиқ, осмон йироқ дея куяр фақирлар.

Тўғриларни ўғри деб, яхшиларнинг кўксига,
Эл-юртга ошкор айлаб. қабих ёрлиқ тақурлар.

Замин инграр то ҳануз ғариблар фарёидан,
Раҳм этмай камбағални тириклайин ёқурлар.

Қатра сувга зор ётган қақроқ ерга қайрилмай,
Ҳатто тошқин ирмоқлар сойлар томон оқурлар.

Эй, Сафо Очил, оҳинг писанд қилмай амалдор,
Ғариб қолиб бир четда бойлар томон боқурлар.

* * *

Арчилган тухумдай оппоқ рухсоринг кўриб,
Лол бўлиб қолибман ширин хаёллар суриб.

Ёлғиз юриб эдим сокин сой қирғоғинда,
Йўлиққан паридай кўйдинг йўлимдан уриб.

Дудоғинг чўғида қиздириб ишқ тамғасин,
Юрагимга босдинг, кетди мадорим қуриб.

Кўксим тубан қулаб тушдим туфроғга ногоҳ,
Куч йиғиб термилдим такрор ўрнимдан туриб.

Найдарам, эй Сафо, лаб остида холини,
Қалбим пештоқига қўйибди у кўчириб.

ЯХШИ ҚИЗ ЭКАНСИЗ

Бир боғ кулгу тутган яхши қиз экансиз,
Кўнглимни банд этган яхши қиз экансиз.

Ёноқда холингиз, дудоқда болингиз,
Йўқотди оромим, яхши қиз экансиз.

Гулшани фируза, бағри кенг Дилфуза,
Дилжў дилоромим, яхши қиз экансиз.

Нафис сўзлар излаб, майин-майин сўзлаб,
Сездингиз дил комим, яхши қиз экансиз.

Сўраб аҳволингиз, силайин холингиз,
Эсланг Сафо номим, яхши қиз экансиз.

ЁШЛИГИМ ҚЎШИҒИ

Эй, ёшлигим, ёдимдасан,
Ёдим эмас, жонимдасан.

Жон бағишлаб томиримда,
Оқиб турган қонимдасан.

Юрагимда тўлқин бўлиб,
Ёлқин бўлиб ёнимдасан.

Ёним эмас, эй, ёшлигим,
Фикри-ўйим тонгиндасан.

Асли ўзинг маъно берган,
Тафаккурим, онгимдасан.

Парвардигор лойиқ кўрган,
Шухратимда, шонимдасан.

Сафо Очил, ёшлик даврим,
Жавоҳирин кониндасан.

УЗУН ТУНЛАР

Узун тунлар босади қайғу,
Кўзларимга келмайди уйқу.

Меҳринг билан яйраб умидим,
Бошгинамга қўяди парқу.

Инграб ётар орзулар гоҳи,
Юрагимга солади ғулув.

Дилбар ишқи берарми мадад,
Таскин берар маладкор туйғу.

Аҳволимга, жоним, раҳм айла,
Сафо Очил кўнглин ол мангу.

Юрагимга чангал урмиш ёғулар,
Томирларим бўйлаб қочмиш оҳулар.

Қон тўлқини тугён урганда ҳарён,
Оҳуларим ҳуркиб чекар қайғулар.

Гувлар эди вужудимда бўронлар,
Изғиринда музлаб қолмиш орзулар.

Замон турли, армон турли ва лекин,
Токи мани адо қилди қутқулар.

Уясида интиқ онасин кутган
Полопондай чийиллайди туйғулар.

Ким ҳам тинглар сени, эй, Сафо Очил,
Ҳар ёғингдан ҳасад тоши ёғилар.

КАРОМАТ КЕЛДИ

Гумонимни барбод айлаб,
Каромат келди шод айлаб.

Қулоч ёзди муқом билан,
Қадли-бўйин шамшод айлаб.

Армонимдан бўса олмиш,
Неки ғамдин озод айлаб.

Хуррам бўлди у мен билан,
Ўтган кунларни ёд айлаб.

Шўхлик қилди то субҳидам,
Мени қўп эҳтиёт айлаб.

Санамга, эй Сафо Очил,
Ғамхўр бўл илтифот айлаб.

Эй, маҳвашим, ҳажрингда зор этма мани,
Айрилмас дардга гирифтор этма мани.

Ишқ боғин ҳавас этмак нодонлиғ экан,
Ки, найлайн, изингда хор этма мани.

Гулшан ичра кўринган гуллар гул эрмас.
Ки, тикан захмига дучор этма мани.

Тикан захми кор этмас жонимга, вале,
Рақиб олдида шармисор этма мани.

Маҳвашим, уялгандан ўлим авлодир,
Ёр этиб ўзгани, бекор этма мани.

Эрк бермагил шайтонга, эй Сафо Очил,
Севган ҳаётимдан безор этма мани.

ШОИРАМ

Ошигиндан шеър кутдингми, шоирам,
Кутиш ҳақда шеър битдингми, шоирам.

Ёки кутиш оловинда оҳ уриб,
Ишқ ниҳолин қуритдингми, шоирам.

Қўкка илиб қўйган севгим машъалин,
Олиб дилга беркитдингми, шоирам.

Балки шундан қоронғу бу кечалар,
Ё сочларинг селкитдингми, шоирам.

Иқбол қушин излаюрман пайласлаб,
Ҳумо қушин ҳуркитдингми, шоирам.

Сафо Очил кутар сени бунда зор.
Висол боғин унутдингми, шоирам.

ОФТОБ БИЛАН

Субҳидамда уйғониб мен қирга чиқдим шитоб билан,
Кўзларимни уриштириб, базм айладим офтоб билан.

Муҳаббат шуурин кўрдим, заррин зиё торларида,
Ки шўъла сочиб борадир, олам сари хитоб билан.

Кўзларимни олиб қочдим бардош беролмай ногаҳон,
Юрагимда тўлғанарди надир минг бир азоб билан.

Элу юртга қўйган ишқим сиғмай кўксим бўстониға,
Қафасдаги йўлбарс каби ҳар ён урди итоб билан.

Айни қийноқ чоғларимда, офтоб келиб кўксим аро,
Малҳам қўйиб ярасига юз кўришди савоб билан.

Атиргулнинг бутоғида қанот ёзиб гулбарг чунон,
Зеболигин кўз-кўз қилди Сафо билан, одоб билан.

БОШ ЭГИБ КЕЛАРСАН

Қараб тур, кўрарсан ҳали,
Кимлигим биларсан ҳали.

Ишонма бу чиройинга,
Қартайиб сўларсан ҳали,

Айлама мунча ситамлар,
Изимда ўларсан ҳали.

Бойланиб қолганда бошим,
Бош эгиб келарсан ҳали.

Кеч бўлар ўшанда бари,
Афсуслар қиларсан ҳали.

Этагинг ёполсанг бугун,
Эртага куларсан ҳали.

Эй, санам, Сафо Очилдан,
Миннатдор бўларсан ҳали.

ХУРШИД СИЙМО

Қўзим қорачуғинда хуршид сиймо кўринди,
Ёнғин юрак чўғинда хуршид сиймо кўринди.

Дил олови ловулар сеҳрли нафасингдан,
Ҳилпираган туғинда хуршид сиймо кўринди.

Муҳаббатим чўғига сажда қилур аҳли ишқ,
Меҳрга зор йиғинда хуршид сиймо кўринди.

Висолга етишганлар чеҳрасинда табассум,
Муборак мийиғинда хуршид сиймо кўринди.

Ёр берган рўмолинда манглайимни артурман,
Сержило қийиғинда хуршид сиймо кўринди.

Муроди ҳосил бу кун шўрлик Сафо Очилнинг,
Сафоли туюғинда хуршид сиймо кўринди.

* * *

Хотирингга муҳрим қўяйин,
Ишқ жомингга меҳрим қуяйин.

Узор очиб келгил висолга,
Сочларингни силаб суяйин.

Ривоятлар куяр ҳажрингда,
Афсонани бир ён қўяйин.

Шарбат сири дудоқларингда,
Шарбатингдан ичиб тўяйин.

Иноятлар айлагил манга,
Оғушингда ёниб қуяйин.

Димоғингни кўтарма, жоним,
Эркалатиб сени севайин.

Афгон чекма. эй Сафо Очил,
Муҳаббат либосин кияйин.

Таъна тошин отмагил, қайтиб тегар бошингга,
Ойга мисол гул чехранг чайилур кўз ёшингга.

Юрагингда бахиллик, қаро ҳасадлар боис,
Сочларинг оққа бўяб, қор қўнади қошингга.

Шохдан-шохга сакрашиб, кулиб турар маймунлар,
Мўрт оғочлар сингари, қайрилган бардошингга.

Эзгуликдан воз кечиб, қабихликни қор этсанг,
Ғойиблан келиб қимдир оғу қўшар ошингга.

Истиклол маърифатин, жо айласанг юракка,
Кўнглинг тўқ бўлсин, Сафо, ҳеч қим тегмас ғашингга.

Умид гулзорида суйдириб қайга кетдинг,
Рашким қўзғаб. жоним, севдириб қайга кетдинг.

Сувдан айро тушган ҳолсиз бир балиқ каби,
Қармоғингга мени илдириб қайга кетдинг.

Шер каби олишур муҳаббат ила рашким.
Ўзимни ўзимга едириб қайга кетдинг.

Тўрт томоним қибла айлаб ишқ чорсусида,
Ўрта йўлда елдай елдириб қайга кетдинг.

Ташлаб рашк ўтига ошиқ Сафо Очилни,
Куйган кабоб мисол куйдириб қайга кетдинг.

КУТАМАН

Кароматли сўзингга бўлдим хуштор. кутаман,
Сарви қомат камолинг хуммор-хуммор кутаман,

Гўё кўклам кўкида варрак каби чайқалиб,
Орзулар қанотида айтиб ашъор кутаман.

Узундан-узоқ кунлар, қийнайди эгов тунлар,
Ёлинг* сабрим дамида тортиб озор кутаман.

Нега севиб қолдим мен. сабрим тугаб қолдим мен,
Тақдиримга тан бериб такрор-такрор кутаман.

Кўрсатдингми каромат, марҳамат қил, марҳамат,
Сафо Очил, қалбимга дурунисор кутаман.

* Ёлинг (хоразмча) — аланга, чўғ маъносида.

БОРОЛМАЙМАН

Қайтиб ёнингга такрор, боролмайман, бормайман,
Юрагимда шу қарор, боролмайман, бормайман.

Қонимда ўйнар ларза, тинчлик бермай бир лаҳза,
Алданиб бўлдим безор, боролмайман, бормайман.

Раҳм этмадинг жонимга, ташна эдинг қонимга,
Шунчалар бердинг озор, боролмайман, бормайман.

Дардимда куймаганга, суйканиб, суймаганга,
Ўзим айлаб хору зор, боролмайман, бормайман.

Ҳақ йўлини излайман, бағрим кесиб тузлайман,
Ва лекин айтиб ёр-ёр, боролмайман, бормайман.

Тошлар отдинг бошимга, чўмилиб кўз ёшимга,
Билдинг ўзинг бахтиёр, боролмайман, бормайман.

Аҳли ишқ, кўнгил сиррин айламанг тез ошкорлар,
Қолиб кетар бир четда маъносиз кўп қарорлар.

Қанча-қанча ошиқнинг бахт йўллари бойланмиш,
Шошилинч қарор боис чекиб юрар озорлар.

Шунчаки ишқ савдосин чаққонлигин билмабман,
Изҳори муҳаббатга тўлиб кетди бозорлар.

Ҳушёрлик зарил сизга, сулув қизлар, жононлар,
Ишқ боғин пайҳон айлар виждони йўқ киборлар.

Етти ўлчаб бир кесиш урфини тарк айламанг,
Кўпдир севги либосин кийиб юрган таррорлар.

Сафо Очил битмишдир соф муҳаббат дуосин,
Бир умр бўйнингизга тумор айланг, туморлар.

Умрим ўтди дунё менга тор бўлиб,
Қадру-қиммат шарбатига зор бўлиб.

Ташналикдан қақраб борар томоғим,
Оғу тутди дўст деганим мор бўлиб.

Ишонч билан ҳасратларим айтганим,
Чақиб олди қўйнимдаги ёр бўлиб.

Томир отар юрагимда гумонлар,
Гумонсираш қолди доим ёр бўлиб.

Жон-жонимдан вафо айлаб замонга,
Юрдим токи ҳар замонда хор бўлиб.

Сафо Очил, қарғамасман замонни,
Замон қолар сенга ўзи зор бўлиб.

КЕТИБСИЗ-ДА, ҚОЛИБСИЗ

Келиб мени бир кўрмай, кетибсиз-да, қолибсиз,
Хастангиз ҳолин сўрмай, кетибсиз-да, қолибсиз.

Назм этдим гулчеҳрангиз, икки қилмай сўзингиз,
Мадҳингиз ўқиб кўрмай, кетибсиз-да, қолибсиз.

Айбимни билмай қолдим, ошиб дардим тобора,
Сўз дейишга улгурмай, кетибсиз-да, қолибсиз.

Сафо Очил юраги, ишқ деган ном олган,
Базм аро суҳбат қурмай, кетибсиз-да, қолибсиз.

Ўгитлар айлай, бўлмасин бегона,
Амал қилсинлар яхшилар мардона.

Яхшиликдан ранг олиб поклансин эл,
Довруғ таратгай жумлаи жаҳона.

Бўйлар кўрсатса боғаро эзгулик,
Мискин бу кўнгил куйлар шодиёна.

Садоқат мулкин асранг эгри қўлдан,
Рухлар юксалар еттинчи осмона.

Эл ичра эркин яйрасин Ҳақ куши,
Бир умр ўрин қолмасин гумона.

Каъба тавофин ихтиёр этибсиз,
Зиёрат қилинг кулбам ғарибона.

Эй, Сафо Очил, ғариблик писандмас,
Юрт тинч бўлса-ю, айласам тарона.

СЕН МЕНГА ЁҚАСАН

Кўнглимдай ёшгинам, сен менга ёқасан,
Майин ювошгинам, қонимда оқасан.

Чўғдай дудоғингда, ял-ял ёноғингда,
Олиб оғушингга олмай ёқасан.

Мумдай эриб кетдим, хаёл суриб кетдим,
Саргашта аҳволим маъносин чақасан.

Уйғонди туйғулар, ушалди орзулар,
Иқбол юлдузига термилиб боқасан.

Сўнг бўлдинг сен хандон, Сафо Очил ҳайрон,
Сирли қараб менга яна сирли боқасан.

СЕНИ КЎРСАМ

Дунёда офат қолмас, сени кўрсам,
Олтинда сифат қилмас, сени кўрсам.

Чеҳранг олдида надир гулзорлар,
Гулда нафосат қолмас, сени кўрсам.

Сукунат айвонида ётардим жим,
Дилда ҳаловат қолмас, сени кўрсам.

Белингда сочинг каби тўлғонурман,
Танамда тоқат қолмас, сени кўрсам.

Яшнаб келурсан кукда офтоб каби,
Кунда ҳарорат қолмас, сени кўрсам,

Эй, Сафо Очил, чекдим кўп озорлар,
Бошимда кулфат қолмас, сени кўрсам.

ТОПДИМ

Аё, дўстлар, ажойиб бир ёр топдим,
Юзлари ол, кўзлари хумор топдим.

Бу дунёда шу ёшга кириб, ҳай-ҳай,
Гўзалликда ягона гулзор топдим.

Бахтиёрман сайёрам бағрида мен,
Латофатли турфа ранг баҳор топдим.

Гулзор аро сайр айлаб кўнглим хушнуд,
Ёр хуснига муносиб алёр топдим.

Кулбам ичра янграб турсин алёрлар,
Умрим утсин базм аро дилдор топдим.

Сафо Очил, яхши кунлар бор экан,
Излаганим сабр айлаб бисёр топдим.

Сайёрам саройинда хуршиди анвардурсан,
Орзуларим мулкида хоқону раҳбардурсан.

Қалбимга кирдинг уни бир умр садаф айлаб,
Муҳаббат уммонида марварид — гавҳардурсан.

Ётсам тушимда, юрсам йўлимда пайт пойлаб сен,
Жоним қасдида юрган парию пайкардурсан.

Гоҳида кўз қирингни ташлаб шодмон айладинг,
Бул ғариб кўнглим аро зийнати зевардурсан.

Армонинг бошин силаб келибди баҳром* қизи,
Демакки, Сафо Очил хуршиди анвардурсан.

* Баҳром — Миррих юлдузи.

* * *

Нур эмиб орзу зиёсидан,
Шимирдим хушбўй ҳавосидан.

Вале кўр экан замон кўзи,
Балога қолдим хатосидан.

Асрасин Яратганнинг ўзи,
Аянчли тўхмат балосидан.

Унсиз, мотамсаро тун юзи,
Ранг олган бахтим қаросидан.

Битадир умидларим изи,
Кўнгли қаролар сиёсидан.

Найлай, инсон эмас, тоғ боши,
Оқармиш қалбим нидосидан.

Сафо Очил, кўнглим ғаш менинг,
Қарғаларнинг иддаосидан.

КУТАМАН

Эй тонг, мени олқишла, сайёрамни кутаман,
Сим-сим дуо бағишла. сайёрамни кутаман.

Боғда қолган излари, димоғимда ислари,
Ёдимдадир сўзлари, сайёрамни кутаман.

Кутишимни биледи, елдан ўзиб елади,
Зеболаниб келади, сайёрамни кутаман.

Деди менга: — Зўрмисиз? Дедим унга: — Дурмисиз?
Ақлим олган лобар қиз, Сайёрамни кутаман.

Ўзим шунинг хумори, юксак севгим виқори,
Сафо Очил хуштори, сайёрамни кутаман.

Олса арзир қамар сендан андозалар,
Кўриб не парилар йўлидан озалар.

Кўриб жамолингни шабнам то субҳидам,
Гулбарг юзларидан ғуборин тозалар.

Чехранг каби чехра етти иқлимда йўқ,
Рухсорингдан мисол олишди ғозалар*.

Жонимдан жой олиб бўлдинг, сарвинозим,
Уч юз олтмиш томиримда оввозалар.

Қоним ҳар томчиси бошлади ғалаён,
Ишқ азобин бутун танамга ёзалар.

Оҳлар чекиб куйлар битдим ҳасратингда,
Сафо Очил, тинглар сени шаҳнозалар**.

* Ғоза — упу-элик.

** Шаҳноза — шошмақом йулларидан бири.

КЕЛДИ

Димоғимга хушбўй ис келди,
Атиргулми ё наргис келди.

Шафақларни куйдириб алҳол,
Осмонимга лола юз келди.

Зеболаниб айлаб шодимон,
Сайёраман деб, бир қиз келди.

Ёлғизликда дард чекар эрдим,
Мани излаб у ёлғиз келди.

Энди асло ёлғиз эмасман,
Орзуларим юзма-юз келди.

Ой ўн беши қоронғу дерлар,
Ёруғ кунлар изма-из келди.

Шукр қилғил, эй, Сафо Очил,
Ишқ боғимга у холис келди.

Муносиб ёрни истаб, топмадим сендай пари,
Етти иқлимни излаб, топмадим сендай пари.

Сени ўйлаб турганда, қад-қоматинг кўрганда,
Кетди юрагим жизлаб, топмадим сендай пари.

Термилсам жамолингга, оқ шоҳи рўмолингга,
Юзингни турдинг гизлаб*, топмадим сендай пари.

Дард чекмагил, жононим, қайғунгни курсам, жоним,
Қолар вужудим музлаб, топмадим сендай пари.

Сафо ихтиёрингда, муҳаббат иқрорингда,
Турар мулойим сўзлаб, топмадим сендай пари.

* Гизлаб (Хоразмча) — яшириб.

БАХТЛИ ТУРМУШ ДЕСАНГ

Бахтли турмуш десанг эринга садоқатли бўл,
Димоғдор бўлмасдан ҳамиша итоатли бўл.

Қайнотанг, қайнонанг ҳурматин жойига қўйгил,
Ки иффат боғида сайр этиб, назокатли бўл.

Эринга ёққан сўз асло тушмасин тилингдан,
Зеболаниб онинг олдида латофатли бўл.

Айтган сўзин икки қилмасанг сендадир марра,
Хизматинда туриб бир умр марҳаматли бўл.

Насиҳатим олгин-у ўч бўлма зебу-зийнатга,
Фотима онангдек доимо қаноатли бўл.

Гуноҳи азмдур гап таниш бошингга кулфат,
Ки унутма ҳаргиз сен ҳам сир-синаотли бўл.

Эй, Сафо Очил, оҳ чеккан кўп хиёнат боис,
Охиратинг ўйлаб, мудом дин-диёнатли бўл.

ҚОЛМАСИН

Эй, Моҳчеҳра, қонингда бирон-бир шайтон қолмасин,
Севгим синаб кўр, вале севгимга гумон қолмасин.

Арқон қилиб тимқора сочларинг боғлаб бўйнимга,
Чангалзор аро судра, кўнглингда армон қолмасин.

Устимдан кулган мисол лабларинг буриб турибсан,
Жонимни олсанг ол-у, гурурим пайҳон бўлмасин.

Ёлвориш не ҳожатдир, нолам қабул қилмасанг,
Ки, дунёда мен каби ошиқ бир инсон қолмасин.

Майли, қасд этиб бузсанг, буз муҳаббат иморатин,
Найлайн, тақдир экан, яшашга макон қолмасин.

Умринг сенинг тоҳануз мотамсаро Сафо Очил,
Душманга ҳам мен чеккан нолаю афғон қолмасин.

Юрибман бир қизнинг озоринда,
Мисоли дўзахнинг бозоринда.

Илқ шаробин тўйиб нўш этибки,
Бош айланур ҳануз хуморинда.

Паришон айлабон соҳибжамол,
Хушим олиб кетди рухсоринда.

Кўрганлар, билганлар келиб айтсун,
Бахтиёрдур кимнинг гулзоринда.

Бахтиёр бўлса гар, топиб таскин,
Ухларман юрагим мазоринда.

Уйғониб гоҳида Сафо Очил,
Дардин айтур дардманд ашъоринда.

* * *

Навоий боғининг тўйиб ҳавосидан,
Яйрардик баҳраманд бўлиб навосидан.

Таъзим қилди бизга ҳатто кошоналар,
Ёримнинг сеҳрли оҳанграбосидан.

Офтоб ҳам беркинди булутлар ортига,
Кўзлари қамашиб ёрим зиёсидан.

Алишер Навоий лабида табассум,
Хабар топиб Мажнун билан Лайлосидан.

Никоҳлаб қўйдилар бизларни бобомиз,
Бахтимиз нурафшон унинг дуосидан.

Касби кори бевафолиғ ёлғон дунё,
Зеболанди кароматли Сафосидан.

ЁЛҒИЗ ЎЗИНГ

Зулфи тўлқин, қалби ёлқин, офатижон ёлғиз ўзинг.
Умидларим қилдинг ёрқин. инон. жонон, ёлғиз ўзинг.

Қоши ҳилол, ёноғи ол, келди бизга бахти-иқбол,
Чулғамасдан ёмон ҳаёл, кел мен томон ёлғиз ўзинг.

Кўзлари нур, тишлари дур, бахш айладинг ажиб сурур,
Юрагимда нафис тасвир, моҳитобон ёлғиз ўзинг.

Оғзи ўймоқ, лаби қаймоқ, насиб этгай сени суймоқ,
Мумкин эмас ўзим тиймоқ, танда туғён ёлғиз ўзинг.

Тили булбул, чеҳраси гул. сени дейди ошиқ кўнгил,
Зулмат ичра қолмасин дил, нурижаҳон ёлғиз ўзинг.

Нозик бадан, нафис хўтан, бағрингдан бер менга маскан,
Сафо Очил бўлса мерган, ёлғиз нишон ёлғиз ўзинг.

ЎРТАЙДИР

Ишқингда тугилган тугён ўртайдир,
Тугён ичра қалқиб армон ўртайдир.

Арқон каби ўрим-ўрим сочларинг,
Бошим узра бериб ларзон, ўртайдир.

Нега кетдинг узоқ ёлғиз қолдириб,
Вас-вас қилиб мени шайтон ўртайдир.

Ўрта йўлда қолди ҳайрон муҳаббат,
Ғамгин қалбим айлаб вайрон, ўртайдир.

Заҳмат чекиб қурган ишқ иморатим,
Бўлдими ер билан яксон, ўртайдир.

Висолингга қайси малъун сазовор,
Кўнглим аро турли гумон ўртайдир.

Муҳаббат боғида, эй, Сафо Очил,
Умид отлиғ сулув жонон ўртайдир.

Шу ёшимда ишқим тушмиш бир дилбари жононга,
Айланиб қолмасам эди бахти қаро армонга.

Юрагимнинг қулиман мен, айб айламанг, азизлар,
Бош эгинга мажбурдирман ичимдаги султонга.

Ишқ элинда баробардир шоҳу гадо бир умр,
Юрагим ҳам тахтин бермиш сулув соҳибқиронга.

Икки султон орасинда юриб ҳолим забундир,
Айтинг, ахир қочиб кетай ишқ мулкидин қаёнга?

Шу ёшимда қисмат экан ёз ўғимда қоврилмоқ,
Менга шафқат қилсин бориб айтинг моҳитобонга.

Жамолинг офтобидин нур эмай, эй соҳибжамол,
Висол машъалин олиб кел Сафо Очил томонга.

БИЛМАБМИЗ

Ҳой, гулим, бу дунёда бор экансиз, билмабмиз,
Бизим каби дилдорга зор экансиз, билмабсиз.

Орзулар гулшанида худди менинг ўзимдай,
Умидларга вафодор ёр экансиз, билмабмиз.

Қиёслаб бошқаларга кузатдим сизни зимдан,
Вафо мулкида ҳокисор экансиз, билмабмиз.

Не ажаб савдо бўлди, соянгизга айландим,
Ақлу ҳушим олган таррор экансиз, билмабмиз.

Ҳай-ҳай дейман, ҳой гулим, йўлдан оздирманг мани,
Вале гапга кирмас, ўжар экансиз, билмабмиз.

Сафо Очил, ишқ аро ки англадим ногаҳон,
Икки тор банд бўлган дутор эканмиз, билмабмиз.

КЎКЛАМ БЎЛИБ КЕЛИБСАН

Зеболаниб, нигоро, кўркам бўлиб келибсан,
Хазон бўлган боғ аро, кўклам бўлиб келибан.

Ушалмаган армонлар, гўё ерда хазонлар,
Орзулар оғушига бардам бўлиб келибсан.

Изламасдан баҳона, лайливаш, ошиқона,
Ийманишдан воз кечиб, ўктам бўлиб келибсан.

Хаёлинг тўсиб йўлим, юракдан олди тилим,
Туз сепилган ярамга малҳам бўлиб келибсан.

Ой гулим, оппоқ гулим, ол менинг ошиқ кўнглим,
Ишқ мулкида тенгсиз бир олам бўлиб келибсан.

Қайда қолди булоқлар, қуриб кетди дудоқлар,
Ташналигим билиб сан, замзам бўлиб келибсан.

Сафо Очил мардона, айтди сенга шукрона,
Ўзинга бериб оро бекам бўлиб келибсан.

УЙҒОТИНМИ

Ноз уйқуда хуршид сиймо,
Ноз уйқудан уйғотинми.
Тортар гүё оҳанрабо,
Ноз уйқудан уйғотинми.

Ухлаб ётар, парвоси йўқ,
Ишораю имоси йўқ,
Дардим ортар, давоси йўқ,
Ноз уйқудан уйғотинми.

Бўлдим дали-деводалар,
Атрофида парводалар,
Ишқ кўрсатди нишондалар,
Ноз уйқудан уйғотинми.

Ноз уйқуда донг қотмасин,
Энди асло тонг отмасин,
Ё сезмаса юрак сасин,
Ноз уйқудан уйғотинми.

Юрагимда алам йиғлар,
Қоғоз узра қалам йиғлар,
Сафо Очил, ичим жиғлар,
Ноз уйқудан уйғотинми.

ЙЎЛИҚДИМ

Роҳати жон излаб бир офатижона йўлиқдим.
Билмам, надан нишон, қошлари камона йўлиқдим.

Ул қошлари камон кўксим манинг нишона айлаб,
Отди мужгонларин ё охир замона йўлиқдим.

Кўксимда заҳми ўқ озор берди жисми-жонима,
Лабларим қовжираб наҳри қора қона йўлиқдим.

То ҳануз хўрланиб. нажотсиз бу бошима келган,
Бу не кўргуликдир зулми зимистона йўлиқдим.

Зимистонлар аро куйлаб ўтди ёнғин юрагим,
Сафо Очил деган шонга ғарибона йўлиқдим.

ОППОҚ ГУЛИМ, ОЙ ГУЛИМ

Гулшанларда ягона, оппоқ гулим, ой гулим,
Гуллар сенга парвона, оппоқ гулим, ой гулим.

Меҳр қўйиб ўстирдим, сафолигдан тус бердим,
Ардоқлашга сўз бердим, оппоқ гулим, ой гулим.

Дилда қолди аъмолинг, кўз ўйнатган жамолинг,
Насиб этсин камолинг, оппоқ гулим, ой гулим.

Ишқ девонин яратдим, зийнат бўлди ҳайратинг,
Мискин кўнглим яйратдинг, оппоқ гулим, ой гулим.

Ашъоримда яшайсан, янги ҳаёт бошлайсан,
Менга нигоҳ ташлайсан, оппоқ гулим, ой гулим,

Доғ тушибди ойларга, ой бекинди қайларга,
Дарс берар ҳумойларга, оппоқ гулим, ой гулим

Сафо Очил шод бугун, ғуссадан озод бугун,
Ҳумога қанот бугун, оппоқ гулим, ой гулим.

АЙЛАНУР

Бошинг узра чарх уриб, чархи олам айланур,
Томир отиб танангда, қайғули ғам айланур.

Ғам чархин қирғисига етмай чидам, бардоши,
Қоғоз билан йиғлашиб, ўксик қалам айланур.

Ҳасратли битиклардан, англар сени оқиллар,
Аламингга бош эгиб, бутун олам айланур.

Сафо Очил, аҳли пок, руҳи покинг ёд этиб,
Ғариб қабринг атрофин бўлиб жам-жам айланур.

ЭСЛАБ ЮРАЙ

Юзинг қўйгил юзимга, рухсоринг эслаб юрай,
Жавоб бергил сўзимга, гуфторинг эслаб юрай.

Густоҳлигим кечиргил ва меҳрингдан ичиргил,
Кўзларимни куйдирган шароринг эслаб юрай.

Ёниқ ўйга толдим мен, ёлғизланиб қолдим мен.
Гулшан айла уйимни гулзоринг эслаб юрай.

Келсанг агар мардона, иқболимдан нишона,
Кулбамга олиб келган, баҳоринг эслаб юрай.

Оқшомдан то субҳидам, сирлашайлик дам-бадам,
Менинг билан бўлган бир дийдоринг эслаб юрай.

Етказгил тилагимга, илҳом бер юрагимга,
Бир умрга қолдирган ашъоринг эслаб юрай.

Сафо Очил нолима, ёринг дўнса* золима,
Ёр ишқинда чеккан кўп озоринг эслаб юрай.

*Дўнмоқ (хоразмга) — айланмоқ

ТУРМУШ ҚУРАЙЛИК

Азм этиб, эй ёр, турмуш қурайлик,
Базм этиб, дилдор, турмуш қурайлик.

Бир умр излаб топганим сенсан,
Кўришиб дийдор, турмуш қурайлик.

Ишқ ўти душмиш икки кўнгилга,
Бермасдан озор, турмуш қурайлик.

Ошиқ Ғарибу Шоҳсанам руҳин,
Айлаб бахтиёр, турмуш қурайлик.

Ёш танламас ҳеч ошиқ кўнгиллар,
Кечикмай зинҳор, турмуш қурайлик.

Ёмон кўзлардан асрасин Худо,
Ўзи мададкор, турмуш қурайлик.

Эй, Сафо Очил, орзуларимиз,
Бўлсин лолазор, турмуш қурайлик.

ЎЙЛАБ КЎР

Ишқим изҳор этдим. эй ёр, ўйлаб кўр.
Шаънингга шеър битдим. дилдор ўйлаб кўр.

Зорим бор-у зўрим йўқдир, эй малак,
Турмуш ҳақда бўлиб ҳушёр, ўйлаб кўр.

Ўйин эмас. умр савдосидир бул,
Бизга даркор нурли қарор, ўйлаб кўр.

Севгим ҳақи бугун қасам ичурмен,
Қилурман мен бахтинг бисёр, ўйлаб кўр.

Томиримда қоним билан оқурсан,
Сенсиз яшаш менга душвор, ўйлаб кўр.

Пойлар доим жон ўғриси Азройил,
Ёлғиз қўйма энди зинҳор, ўйлаб кўр.

Сафо аканг баhti қаро бўлмасин,
Вале жоним, такрор-такрор ўйлаб кўр.

ОЧИЛУР

Кел ёнима, дилбар кўнглинг очилур,
Гулгул яшнаб баҳри дилинг очилур.

Дилбоғингга ўтқаз одоб ниҳолин,
Иншооллоҳ, бахтли йўлинг очилур.

Англасанг гар булбулингнинг хонишин,
Очилмаган гунча гулинг очилур.

Оқибатда Оллоҳ йўлин танласанг,
Фотиҳага фотиҳ кўлинг очилур.

Тўй-томоша қилиб азиз бу юртда,
Камолингни кўриб элинг очилур.

Шукр айлаб бахтли бўлсанг ёнимда,
Муборак Сафо Очилинг очилур.

ЭЙ, ФАРИШТАМ

Эй. фаринтам, кўнглим обод васлинг орзусидан,
Туздим тасбиҳ севгим қўшиб, лафзим инжусидан.

Кўксим маним қиёс бу кун виқорли тоғларга,
Ки сим-сим булоқлар қайнар, васфинг туйғусидан.

Гулбарг узра шудринг мисол турибман омонат,
Дил ором билмас наргиси икки жодусидан.

Не боиским юз ўгирмиш, дилоромим менинг,
Ҳолим забун иғвогарлар берган оғусидан.

Ер бағирлаб ётиб қолдим, сир айтиб туфроғга,
Сочинг каби тўлғонурман, ҳажринг қайғусидан.

Кўнглингда зулмат ёзилиб бўлғайким нурафшон,
Сафо Очил ёниб-ёниб сочган ёғдусидан.

Оллоҳим, халос айла, муҳаббат балосидан.
Ки йироқ юргай эрдим, алданиш жазосидан.

Осмон шишаси чатнаб кетди сочиб учқунлар,
Ларзага келди жаҳон умидим садосидан.

Не ҳожат эрди менга шу ёшимда ишқ дарди,
Шармандалар бўлдим-ку, ақлим иддаосидан.

Ўлим тўшагида оҳ урарман сабрим тугаб,
Жон таслим этиш ғами юрагим хатосидан.

Букланиб қолди кукда, Ҳасан-Ҳусан ўқ ёйи,
Чидолмай Сафо Очил қайғули нидосидан.

Муҳаббатим мадҳ этиб туздим қатор ашъорлар,
Орзуларим изма-из келар айтиб алёрлар.

Сабоҳат мулкин шайдо харидори бўлибман.
Бошимга юз минг савдо солди беор таррорлар.

Ишқ қадрин билмас экан қалбсиз ғариб, нотавон,
Таъзиям қабул айланг, руҳи ночор беморлар.

Бу дунёю у дунё ўртасида кўп бўлдим,
Вале бошим узра туғ адолатгўй шиорлар.

Паришон аҳволимга гўё раҳми келгандай,
Қаддин ё айлаб менга хомуш боқар чинорлар.

Ҳеч кимга эгилмаган Сафо Очил эгилди,
Айби бор қул сингари чекиб такрор озорлар.

НАВ НИҲОЛСАН

Нигоҳингдан сулувланди бу олам,
Қаро ердан оппоқ рангни олган гул.
Ишонч каби расоланди иродам,
Қаро ердан оппоқ рангни олган гул.

Ҳайратингдан ҳайратланар япроқлар,
Япроқларга таъзим айлар қирғоқлар.
Илдизингдан бўса олар ирмоқлар,
Қаро ердан оппоқ рангни олган гул.

Сиймин маънинг сийратингдан аёндир,
Бағринг сенинг ҳумо қурган ошёндир.
Оқ кўнгишлар олқишингга шоёндур.
Қаро ердан оппоқ рангни олган гул.

Нав ниҳолсан оппоқ гулим, ой гулим,
Истиқдолсан оппоқ гулим, ой гулим,
Истиқболсан оппоқ гулим, ой гулим,
Қаро ердан оппоқ рангни олган гул.

Орзуларим гулбаргингга иларман,
Билмам, қачон гулбаргингдай куларман,
Сафо Очил, сендан нажот тиларман,
Қаро ердан оппоқ рангни олган гул.

НАРГИС

Узоқдан бир гул кўринди,
Бутоқда булбул кўринди.
Ҳаё туфайли гулбаргдан,
Ҳол сўраш мушкул кўринди.

Узоқ тунлар бедорингни,
Бир ёнлиғ қил беморингни,
Роҳат топсанг, майли наргис,
Канда қилма озорингни.

Мусичадай ювошгинам,
Вале меҳри оташгинам,
Оташингда ёндирма кўп,
Етмас балки бардошгинам.

Адашмасман изингда мен,
Қоврилгайман кўзингда мен,
Шод бўлғуси Сафо Очил,
Жоним берсанг тизингда мен.

Ипакдай мулойим Наргис,
Унутмасман сени ҳаргиз.

ОДОБНИ ҲАЁТДАН ЎРГАНДИМ

Азизлар, туркона муқаддас,
Одобни ҳаётдан ўргандим.
Қонга кирган орзули ҳавас —
Одобни ҳаётдан ўргандим.

Илҳомланиб Ҳадису жондан,
Мадад олдим азиз Қуръондан.
Аслида яралган иймондан.
Одобни ҳаётдан ўргандим.

Ҳаётки, илмлар конидир,
Фаровон турмушнинг жонидир.
Тундан сўнг отгуси тонгидир —
Одобни ҳаётдан ўргандим.

Сафо Очил, шарқона ахлоқ,
Эзгуликдан берарман сабоқ.
Дастурларим ҳокими мутлоқ,
Одобни ҳаётдан ўргандим.

ИШҚ РАНГИ

Шарқона бир рашк жангини,
Гулшан кучоғида кўрдим,
Қон қақшаган ишқ рангини,
Ёрнинг дудоғида кўрдим.

Гўё лабдан қонлар оқар,
Лола бўлиб кулиб боқар,
Афсонавий шу лавҳани,
Кўзим қароғида кўрдим.

Бир ҳис айлаб қалбим ватан,
Жимирлаб кетди бу бадан,
Алҳол ҳаёт жозибасин,
Меҳрим ардоғида кўрдим.

Кўзларимдан кўзин олмай,
Меҳрим тафтига чидолмай,
Ҳансираган гўзал ёрни,
Кўнглим булоғида кўрдим.

Аввал юзин чайқаб-чайқаб,
Қолди ташналигин пайқаб,
Сафо Очил, ишқ шарбатин,
Ёрнинг томоғида кўрдим.

ЎЗИМНИ СЕВГАНДАЙ СЕВДИМ

Эй, санам, сенга айтайин ошкор,
Ўзимни ўзим севгандай севдим.
Истиқболингни ўйлайман бедор,
Ўзимни ўзим севгандай севдим.

Юрагим нури ўйнар кўзингда,
Муҳаббат гули яшнар юзингда,
Севгим сояси юрар изингда,
Ўзимни ўзим севгандай севдим.

Менинг олдимда надир парвона,
Ишқ оловинда ёнди мардона,
Дилда асрайман сени ягона,
Ўзимни ўзим севгандай севдим.

Оллоҳим, қилган марҳаматингни,
Суюкли ёрим, малоҳатингни,
Эй, Сафо Очил, кароматингни
Ўзимни ўзим севгандай севдим.

МУҲАББАТ ТУЗУГИ

Ўтлар ёқдинг жонима,
Тафти офтоб юзлигим.
Ташна бўлма қонима,
Жазми жаллод кўзлигим.

Суяк ёниб учқунлар,
Тил тишлади очунлар,
Қолмагил товонима,
Эй, кўзлари сузугим.

Эркинг бериб шайтона,
Жабр айлама армона,
Бармоғимга тақиб қўй,
Гавҳар кўзли узугинг.

Дуркун-дуркун ёшларга,
Сулув, қалам қошларга,
Сафо Очилдан ёдгор,
Ишқ-муҳаббат тузугим.

КУЛИМСИРАБ ТУРИШИНГ ЯХШИ

Эй маҳвашим, ёлғиз оғам деб,
Кулимсираб туришинг яхши.
Гоҳи гина қилиб, беғам деб,
Кулимсираб туришинг яхши.

Билсанг, жоним, ғамим ичимда,
Ғаминг юрар менинг ўчимда,
Нега Сизга тор бу олам деб,
Кулимсираб туришинг яхши.

Дардим оғир, дардим бедаво,
Торлиқ қилар менга бу дунё,
Умидсиз бўларми одам деб,
Кулимсираб туришинг яхши.

Мангзайсан сен малак хаилига,
Нима десанг, дегил, майлига,
Олинг қўлга қоғоз, қалам деб,
Кулимсираб туришинг яхши.

Қоғозга туширдим сўзларинг,
Ёниқ туйғуларинг, ҳисларинг,
Сафо Очил ёлғиз оғам деб,
Кулимсираб туришинг яхши.

ШИРИН ЛАҲЗАЛАР

Кўшиқ қилсам гавҳарлардан биттасин,
Юз минг гавҳар юрди менинг изимда.
Тинглаб курсам қалбим орзу-ҳавасин,
Кўнглим экан Норгулимнинг изминда.

Норгулимни гавҳар, дурга қиёслаб,
Юрдим уни жон-жонимдан эъзозлаб,
Муҳаббатим нақши билан пардозлаб,
Туйғуларим айтдим ҳар бир сўзимда.

Гавҳарим ҳам, Норгулим ҳам ягона,
Бошқаларнинг ишқи менга бегона.
Эл ёдида қолди бўлиб афсона,
Сепкил эмас, зебгул зебо юзинда.

Сафо Очил ҳисларида ларзалар,
Ширин уни эслаб турган лаҳзалар,
Кўзларининг гардишида майсалар,
Ки чангланиб униб чиқди кўксимда.

БУЛБУЛ ВА ГУЛГУНЧА

Ин раб пинҳон, кўздан ниҳон турибди,
Зулмат аро бахти қаро гулгунча.
Туни бўйи булбул нолон урибди,
То субҳидам гунчаси очилгунча.

Гулбарглари кетди ҳарён ёзилиб,
Шудринг турар омонатдай осилиб,
Томчи ичра булбул дарди ёзилиб,
Таскин топди мискин кўнгил бир мунча.

Вайрон айлаб ошиқ булбул кўнглини,
Кимдир келиб узиб кетди гулини,
Топа билмай қайтиб олиш йўлини,
Унутолмас ишқ дардини ўлгунча.

Фарёд этар ёлғиз булбул бутуқда,
Билмас, гули сўлиб қолди қаёқда,
Сафо Очил хаёл сулар қирғоқда,
Чигаллашиб кўксидаги тугунча.

НА БЎЛҒАЙ

Чиройли қиз, юзинг офтоби бирла,
Кулбамни нурхона қилсанг на бўлғай,
Сийлаб мани севгинг китоби бирла,
Ақлимни ҳайрона қилсанг на бўлғай.

Раҳминг келсин кўздан оққан селимга,
Дардингда куйиб юз тутдим ўлимга,
Дармондори қилиб хаста дилимга,
Меҳрингни равона қилсанг на бўлғай.

Наҳотки муғанний ишқим қиёлсанг,
Юрагинг амридан ўзинг тиёлсанг,
Севгимиз бўлишин ошкор, уялсанг,
Васлимиз хуфёна қилсанг на бўлғай.

Мен каби қадрингга ҳеч ким етмаган,
Ҳеч ким васфинг куйлаб ашъор битмаган,
Сафо Очил, бахтинг келди кутмаган,
Оллоҳга шукрона қилсанг на бўлғай.

НАСИБ ЭТСА

Кўришмоқ насиб этса висол боғида,
Бошингдан айлантириб сувлар ичарман,
Бир умр асраб сени кўз қароғида,
Бошингдан айлантириб сувлар ичарман.

Базмаро қушлар билан айна субҳидам,
Тингладим таърифингни қувнаб дамба-дам,
Мен шоҳмен ишқ шаҳрида сенсан маликам,
Бошингдан айлантириб сувлар ичарман.

Мен учун бу дунёда адолат бўлса,
Нурланиб пешонамда қаромат бўлса,
Рўй бериб илоҳий бир ҳидоят бўлса,
Бошингдан айлантириб сувлар ичарман.

Суяклар эриб битар меҳрингдан, жоним,
Ўликлар юриб кетар сеҳрингдан, жоним,
Сафо Очил фахр* этар фаҳрингдан**, жоним,
Бошингдан айлантириб сувлар ичарман.

* Фахр - қувонч маъносида.

** Фахр - гурур маъносида

НЕГА ЎЗИНГ ОЛИБ ҚОЧАСАН?

Юрагимга қалаб ишқинг оловин,
Нега мендан ўзинг олиб қочасан?
Била туриб бул ғарибинг сийловин,
Нега мендан ўзинг олиб қочасан?

Чиройли қиз ёки шундай бўлурми,
Севдириб у кейин жафо қилурми,
Қийноғидан роҳатланиб кулурми,
Нега мендан ўзинг олиб қочасан?

Бу йўл билан жоним, қадринг оширма,
Рашк гириясин* каноридан тоширма,
Зинҳор-зинҳор орзу-ўйим шоширма,
Нега мендан ўзинг олиб қочасан?

Сафо Очил сендан асло кечолмас,
Ишқ чашмамдан Мажнун ҳам сув ичолмас,
Рашк мулкида Отелло ип ечолмас,
Нега мендан ўзинг олиб қочасан?

* Гиря – кўз ёши тўкиш. йиғи.

СЕВГИЛИМ

Кўнгил боғинга, ҳой гулим,
Учирма қилдим булбулим,
Айлар сенга ошкор дилим,
Жонимдан ортиқ севгилим,
Бағримга келиб суй, гулим.

Совчимдир мендан шеърларим,
Айтади ишқий сирларим,
Қўлласин бизни пирларим,
Жонимдан ортиқ севгилим,
Бағримга келиб суй, гулим.

Керакмас сендан бўлак ёр,
Ёрсиз менга дунё тор-тор,
Мулойим, яна беозор,
Жонимдан ортиқ севгилим,
Бағримга келиб суй, гулим.

Бу сирни ошкор айлама,
Бахтимиз афғор айлама,
Ўзгани дилдор айлама,
Жонимдан ортиқ севгилим,
Бағримга келиб суй, гулим.

ШАФФОФ ИШҚИМ ГУЛШАНИДА

Чиройли қиз, мендан ўзинг бегонадек тутасан,
Қай бир жойи ортиқ экан ўша кекса ёшлини?
Вақти келиб афсус чекиб надоматлар этасан,
Раҳм айламай қийнайверсанг бул кўзлари ёшлини.

Амалига, дунёсига уча кўрма, паризод,
Амалидан кетгандан сўнг йиғлаб юрма, паризод.
Аламингга малҳам бўлмас асло сўнгги пушаймон,
Энди қадринг билмаганга эркинг берма, паризод.

Чиройли қиз, қадрингга мен ёлғиз ўзим етаман,
Ҳали сенга мадҳинг куйлаб кўп ашъорлар битаман,
Соф севгимни қабул айлаб марҳаматлар қилмасанг,
Умрим бўйи муҳаббатга машъум мотам тутаман.

Шаффоф ишқим гулшанида етдинг нафис камола,
Қалбим ичра оқиб турар меҳринг тўла шалола,
Хушторингнинг соғинчлари халос этгай ғамингдан,
Сафо Очил масканига келиб тургил висола.

КЎРГИМ КЕЛАДИ

Чиройли қиз, эшит менинг арзимни,
Ҳар кун сени ёлғиз кўргим келади,
Шундай узай соғинчимдан қарзимни,
Ҳар кун сени ёлғиз кўргим келади.

Дарё кўздан оқиб турган жоламдир,
Уммонларнинг саси менинг ноламдир,
Тилим-тилим юрагимга малҳамдир,
Ҳар кун сени ёлғиз кўргим келади.

Кўксим аро бир чўғ тушди, ўчмайди,
Ҳумо қуши кўнди бошга учмайди,
Ошиқ кўнгил севганидан кечмайди,
Ҳар кун сени ёлғиз кўргим келади.

Чиройли қиз, ўзинг ақлу ҳушимда,
Ёд-ўйингсиз маза бўлмас ошимда,
Сафо Очил, ўнгимда ҳам тушимда,
Ҳар кун сени ёлғиз кўргим келади.

МЕНИНГ КҰНГЛИМ СЕНДАДИР

Мухаббатга сажда қиламан,
Қаршингда мен гўё боламан,
Кўришганда чақнар кўзларинг,
Қарашингдан сиринг биламан.

Сенинг кўнглинг мендадир,
Менинг кўнглим сендадир.

Айланайин ширин жонингнан,
Ураётган қалбда бонгингнан,
Етсам агар сенга, жонгинам,
Айрилмасман сира ёнингнан.

Олов ёнар тинмай ичимда,
Куч қолмади энди кучимда,
Ошигингга раҳму шафқат қил,
Куйишларим севгим учун-да!

Эй, Оллоҳим, борми иқболим,
Тўзғиб кетди бутун хаёлим,
Юрагингга, ой қиз, қулоқ сол,
Мадҳинг куйлар шоир ва олим.

Менинг кўнглим сендадир,
Сенинг кўнглинг мендадир.

ИЗЛАРМАН

Ором бермас ичимдаги султоним,
Айтолмаган сўзларимни изларман.
Ошмоқ учун тоғдан юксак давоним,
Тополмаган изларимни изларман.

Изларман ертўлада йўлимни,
Чайнаб, туфлаб ташлаганим – тилимни,
Бир пайтлари зимистонда йўлимни,
Равшан кўрган кўзларимни изларман.

Аждодларим руҳи шерик ноламга,
Мадад бермиш чидай олмай аламга,
Элу юртим машҳур айлаб оламга,
Нур таратган юзларимни изларман.

Харж этиб мен имконимда боримни.
Созлаб олдим чанглар босган торимни,
Сақлагувчи номусимни-оримни,
Оқил ўғил, қизларимни изларман.

Бу ўлмаган руҳим чўккан бўлса-да,
Қисматим қиличи тайёр турса-да,
Мендан қочиб қайларладир юрса-да,
Бахтли ўтган кезларимни изларман.

Сафо Очил юрагимда ягона,
Оллоҳимга айтиб ўтдим шукрона,
Бу дунёда ҳамма менга бегона,
Тушда кўрган дўстларимни изларман.

САБОҚ БЎЛСИН

Пандим айтай, тинглаб олинг,
Вужудингиз қулоқ бўлсин.
Нени айтсам, англаб олинг,
Ҳар бир сўзим сабоқ бўлсин.

Ҳазонларга тайёр курак,
Билгай буни зеҳни зийрак,
Эгиз каби ақлу юрак,
Бирлашиб иттифоқ бўлсин.

Ўтга уриб парвоналар,
Ошиқ сингари ёналар,
Сезгирликдан нишонлар,
Кўнгилларда чироқ бўлсин.

Бу дунёда эзилган кўп,
Иқбол уйи бузилган кўп,
Жондан эрта узилган кўп,
Ҳис-туйғумиз уйғоқ бўлсин.

Ниятлари ёмон, ёмон,
Бирлашади доим осон,
Бўлай деса доруламон,
Яхшилар ҳам иноқ бўлсин.

Келинг дўстлар, мени ёдлаб,
Меҳрим қўйдим қатлаб-қатлаб,
Сафо Очил пандин ёдлаб,
Айтиб берай мароқ билан.

КЕЧИКДИ

Сукунатдир хукмрон,
Тилим дилга туз сепар,
Хаёл бўлиб паришон,
Кезар ҳар ён дарбадар.

Паризодим кечикли,
Ошиқ кўнгил ичикли.

Ёки мени алдади.
Шундаймикан адади.
Шундай оғир пайтларда,
Керак Оллоҳ мадади.

Паризодим кечикди,
Ошиқ кўнгил ичикди.

Кутиб сергак азондан,
Чарчаб кетдим гумондан.
Чексиз менинг азобим,
Алашим бор ёлғондан.

Паризодим кечикди,
Ошиқ кўнгил ичикди.

Ёлғон дунё бу дунё,
Касалимдир бедаво,
Энди қандай яшайман,
Ҳақга қилдим илтижо.

Паризодим кечикди,
Ошиқ кўнгил ичикди.

Кутиш ёмон, ёмон-эй,
Гўё охир замон-эй,
Ғамга чулғаб оламини,
Қайда қолди иймон-эй.

КЕЛМАСАНГ КЕЛМА

Кута-кута, эй ёр, чекдим озорлар,
Умидимни уздим, келмасанг келма.
Кутишлардан бўлиб кетдим безорлар.
Умидимни уздим, келмасанг келма.

Барглардай сарғайдим, сўлдим, тўкилдим,
Қалдим ниҳол каби жонсиз букилдим,
Арслондай кўксим тубан йиқилдим,
Умидимни уздим, келмасанг келма.

Орамизга тушмиш балки ағёрлар.
Ўғирламиш севги дурин ғаддорлар,
Раҳминг келмай менга айладинг хорлар,
Умидимни уздим, келмасанг келма.

Бир амаллаб мен ҳам куним кўрарман,
Ва лекин сен ҳақда ҳаёл сурарман,
Ишқ дўзахида гоз бўлиб юрарман.
Умидимни уздим, келмасанг келма.

Ер бағирлаб ётсам, юрак тўлғанди,
Сафо Очил Ҳақнинг ишқинда ёнди,
Истиқболга яна умид уйғонди,
Кутаман, кутаман, келсанг келақол.

ЎЙНАР

Кўшиқ айтсам, нозли санам,
Маст бўлиб мастона ўйнар.
Нозли ўйин жилвасидан,
Оҳ уриб остона ўйнар.

Кел десам, кирмасдан гапга,
Келмади бизнинг тарафга,
Кириб олиб у садафга,
Мисоли дурдона ўйнар.

Садафнинг олиб ҳавосин,
Тинглайди уммон навосин,
Кўз-кўз айлаб шарқ ибосин,
Чунонам чунона ўйнар.

Тўлқин тўлқинга уринди,
Чақнаган ёлқин кўринди,
Қизлар бўйнида дур энди,
Дурдона шодона ўйнар.

Ой уйғониб уйқусидан,
Бош кўтарди паркусидан,
Сафо Очил орзусидан,
Нишона-нишона ўйнар.

САЙЁРА

Юлдузлар ичинда ёрқиндир, ёрқин,
Сайёра, сайёра, менинг сайёрам.
Юрагимга кирди ёндириб ёлқин,
Сайёра, сайёра, менинг сайёрам.

Ёрқинланиб борар ҳислар, туйғулар.
Ёлқинланиб турар беҳад орзулар.
Гулпанларга сочар доим кулгулар,
Сайёра, сайёра, менинг сайёрам.

Уйларимга олқиш айтгани учун,
Куйларимга нақш битгани учун,
Бир кўриб қадримга етгани учун,
Сайёра, сайёра, менинг сайёрам.

Тинмасдан, толмасдан нигоҳ ташлайман.
Ишқинг билан янги турмуш бошлайман,
Билмам, сенсиз энди қандай яшайман,
Сайёра, сайёра, менинг сайёрам.

СЕВГИМНИ ЎГАЙ ТУТМА

Рухсоринг кўзларимга беркитдим,
Севгимни ўгай тутма, ой Бибим.
Меҳрингдан юрагимни илитдим,
Севгимни ўгай тутма, ой Бибим.

Ёнбошлаб кетган жойинг суяман,
Шу жойга бориб бошим кўяман,
Англадим, энди сени севаман,
Севгимни ўгай тутма, ой Бибим.

Тунларим сенинг билан чароғон,
Сўнмас нур этдинг менга армуғон,
Васлингсиз тор кўринур кенг жаҳон,
Севгимни ўгай тутма, ой Бибим.

Билсанг сен мажнунсифат бўлибман,
Муҳаббат жиҳодида ғолибман,
Ишқингда минг ўлиб, тирилибман,
Севгимни ўгай тутма, ой Бибим.

Уялиб жамолингдан гулзорлар,
Айтурлар васфинг куйлаб алёрлар,
Чекмасин Сафо Очил озорлар,
Севгимни ўгай тутма, ой Бибим.

ОҚИБАТСИЗ МУҲАББАТГА ЙЎЛИҚДИМ

Ҳой гавҳарим, менинг жону жаҳоним,
Оқибатсиз муҳаббатга йўлиқдим.
Ҳижрон саҳросида жизиллар жоним,
Оқибатсиз муҳаббатга йўлиқдим.

Орзулар боғида сарғайдим, сўлдим,
Бахтим кутиб минг тирилдим, минг ўлдим,
Сабрим косасида оғуни кўрдим,
Оқибатсиз муҳаббатга йўлиқдим.

Умидларим қолиб кетди ҳавода,
Келсин, менга ҳамлард бўлса мабода,
Риёқору оқибатсиз дунёда,
Оқибатсиз муҳаббатга йўлиқдим.

Бу дунё менга тор келди, Оллоҳим,
Аҳли разил ҳушёр келди, Оллоҳим,
Ёр-ёр эмас, ағёр келди, Оллоҳим,
Оқибатсиз муҳаббатга йўлиқдим.

Ҳақгўйларга жаҳаннамдур бу дунё,
Қабилларга муаззамдур бу дунё,
Дилбар, сен ҳам менга боқмадинг қиё,
Оқибатсиз муҳаббатга йўлиқдим.

Қийноқлардан эрта узилади жон,
Рух бағрида ёниб борадир армон,
Сафо Очил жисми қолурми ниҳон,
Оқибатсиз муҳаббатга йўлиқдим.

ЁР КУТИШ

Ёр ёнима гулиб-гулиб,
Галармакан, галмасмакан?
Ишқ қадрини билиб-билиб,
Галармакан, галмасмакан?

Умр ёзи ўтди, кетди,
Олтин куз ҳам келиб етди,
Тиллари шарбатга тўлиб,
Галармакан, галмасмакан?

Ҳасадчи қишнинг шамоли,
Хазон қилди боғ жамолин,
Булбулига раҳми келиб,
Галармакан, галмасмакан?

Ёр хатосин дилозорлар,
Айлашди токи бозорлар,
Ёр хатосин бир ён қилиб,
Галармакан, галмасмакан?

Баҳор келди, шукр айлай,
Менга ёр етмаса, найлай,
Сафо Очил, ёр гул бўлиб,
Галармакан, галмасмакан?

СҮЗСИЗ ИЗҲОРИ ИШҚ

Тўқнаш келди кўзлар,
Сиз ҳам жим, мен ҳам жим.
Шафақланди юзлар,
Сиз ҳам жим, мен ҳам жим.

Юракда ҳўл ўтин,
Бурқсиб аччиқ тутун,
Қийналардик бутун,
Сиз ҳам жим, мен ҳам жим.

Қалблар оловланди,
Ўтин гурлаб ёнди,
Туйғулар уйғонди,
Сиз ҳам жим, мен ҳам жим.

Дилда сим-сим булоқ,
Қўшиқ айтар қувноқ,
Ўтирардик бироқ,
Сиз ҳам жим, мен ҳам жим.

Йўлга тушдик эркин,
Юрар эдик секин,
Сўнг ажралдик лекин,
Сиз ҳам жим, мен ҳам жим.

ИШҚИНГ БОИС

Излаб-излаб топганим, эй ёшгинам,
Юрагимда ҳаяжон ишқинг боис.
Қилиқлари мулойим, ювошгинам,
Кўнглим ойдаи нурафшон ишқинг боис.

Бўларман, жоним, сенга муносиб ёр,
Сенсиз менга бу дунё бўлар тор-тор.
Розим айтдим, уялиб чекма озор,
Қароримдир бегумон ишқинг боис.

Қол ёнимда бағримни макон айлаб,
Ғарибгина кулбамни бўстон айлаб.
Севгинг юрай бир умр дoston айлаб,
Илҳом уйи чароғон ишқинг боис.

Қишдим сенга умримни ихтиёрлар,
Умидим жонида кўп ифтихорлар,
Сафо Очил хурраму бахтиёрлар,
Кун келди дориломон ишқинг боис.

УЙЛАНТИРАМАН

Кафтимга ўтқазиб орзуларимни,
Севгим Сайёрага уйлантираман.
Юзларидан ўпиб қайғуларимни,
Севгим Сайёрага уйлантираман.

Ўлимим кутгандай кутдим сервиқор,
Оллоҳимга бўлган каби интизор.
Жумлаи жаҳондир хуррам, бахтиёр,
Севгим Сайёрага уйлантираман.

Тантана қилмоқда бугун муҳаббат,
Синовлар ўтидан чиқди саломат,
Эй, азизлар, туйга келинг, марҳамат,
Севгим Сайёрага уйлантираман.

Сафо Очил ишқ элинда девона,
Силтайдир ёқтирмай уни замона.
Дуо айлаб бир умрга иймона,
Севгим Сайёрага уйлантираман.

ЭСОНМИСАН САН

Бир ерга бориб қолди санингда ёшинг,
Ҳури малак гавҳарим, эсонмисан сан.
Жужуқларинг чувлашиб, айланар бонинг,
Ҳури малак гавҳарим, эсонмисан сан.

Субҳидам туриб ўйлар сургим келади,
Шу кунлар такрор сени кўргим келади,
Бош эгиб икрорингда тургим келади,
Ҳури малак гавҳарим, эсонмисан сан.

Рухимда пардозланиб ёлғиз сен қолдинг,
Эркаланиб, нозланиб ёлғиз сен қолдинг,
Дил торимга созланиб ёлғиз сен қолдинг,
Ҳури малак гавҳарим, эсонмисан сан.

Юрагимда асраган дури гавҳарим,
Кел ёнимга, келақол, нозли дилбарим,
Сафо Очил дилбанди, пари-пайкарим,
Ҳури малак гавҳарим, эсонмисан сан.

ХАБАР ҚИЛДИ

Соғиниб ўтирсам дилхун,
Бораман деб хабар қилди.
Ўзимда йўқ бўлдим мамнун,
Бораман деб хабар қилди.

Қийнаб мани доғи ҳижрон,
Оловланди дилда армон,
Орта қолди энди гумон,
Бораман деб хабар қилди.

Ишқи дилга жойланибди,
Кўнглим унга бойланибди,
Келишга у шайланибди,
Бораман деб хабар қилди.

Бўлдим дали-деводалар,
Ўзим шунга парводалар,
Айтдим минг бор шукроналар,
Бораман деб хабар қилди.

Сафо Очил бағри бутун.
Ечилди юракда тугун,
Байрам бўлар уйда бугун,
Бораман деб хабар қилди

ПИНҲОН ИШҚИНГ

Юзингдан табассум аримас бир зум,
Кўнглинг маъсум, вале йиғлайди юм-юм,
Юриб маҳзун, айлаб ширин такалум,
Руҳингни шунчалар юксак ушлайсан.

Кимнингдир дарди бор қалбингда, эй ёр,
Севгингдир бетакрор кутар интизор,
Дилда беихтиёр сулув соғинч бор,
Соғинч кафанида ўзинг хушлайсан.

Пинҳон ишқинг сўзсиз мисоли наргис,
Унутмассан ҳаргиз чиққанда юлдуз,
Келиб гоҳ юзма-юз қолганда ёлғиз,
Эзилиб ичингдан исён бошлайсан.

Сафо Очил мудом кутади инъом,
Ки лаълинг тўла жом бодим гулфом,
Қайнар эди илҳом билмай дил ором,
Шунда сархуш ёрга нигоҳ ташлайсан.

МЕН СЕНИ СОҒИНДИМ

Қисматим саралаб, ёлғиз деганим,
Мен сени соғиндим, менинг Сайёрам.
Оғриқлар ичинда оғир туйганим,
Мен сени соғиндим, менинг Сайёрам.

Кўзларингга боқиб келар сўрагим,
Ва лекин эрк бермас кўрқоқ юрагим,
Жоним, борми ўзи сенга керагим,
Мен сени соғиндим, менинг Сайёрам.

Тупуриб ташлайман машъум кунларим,
Нурланиб кетмоқда, ахир, тунларим,
Ечилди сен боис дил тугунларим,
Мен сени соғиндим, менинг Сайёрам.

Юрагим ҳар доим, ҳар кун тиглайман,
Ҳар хужайрасидан сени йўқлайман,
Берган сувратингни кўриб йиғлайман,
Мен сени соғиндим, менинг Сайёрам.

ГАЛАРМИКАН, ГАЛМАСМИКАН

Мени йулдан оздирган ёр,
Галармикан, галмасмикан?
Ишқ тугунин ёздирган ёр,
Галармикан, галмасмикан?

Умид гули хазон бўлмай,
Севгимга ёр гумон қилмай.
Ваъдасига бўлиб хуштор,
Галармикан, галмасмикан?

Базмимизни эслаб ҳар он,
Ўлтирибман кутиб ҳамон,
Гўришмоққа яна дийдор,
Галармикан, галмасмикан?

Чекиб ҳижронлар азобин,
Ичдим тамом ишқ шаробин,
Сафо Очил кутар хумор,
Галармикан, галмасмикан?

КЎЗИМ УЗОЛМАЙ ҚОЛДИМ

Нозли-нозли юрган қирқ қиз ичинда,
Шаҳлосидан кўзим узолмай қолдим.
Кўтарди у исён менинг ичимда,
Фаввосидан кўзим узолмай қолдим.

Наргиси жолулар ҳоқони гавҳар,
Киприкларин отмиш айлабон наштар,
Жоним олиб, кулиб турган шу дилбар,
Имосидан кўзим узолмай қолдим.

Бир қарасам, жаҳолатда ягона,
Бир қарасам, садоқатда мардона,
Нигоҳлари мастонадек парвона,
Ҳумосидан кўзим узолмай қолдим.

Ҳисларим эркалар нигоҳ маъноси,
Тортаверар мени оҳанграбоси,
Юрагим зебоси, нурли шаҳлоси.
Сафосидан кўзим узолмай қолдим.

ТАРАҲҲУМ АЙЛАБ КЕЛСАНГИЗ НЕТАР

Унутиб эски гинани, жоним,
Табассум айлаб келсангиз нетар.
Мунғайиб қолди соғинч, армоним,
Тараҳҳум айлаб келсангиз нетар.

Ҳай-ҳай, ичимда бир ўт ёнадир,
Ташна орзулар қачон қонадир,
Илқингиз умидимга онадир,
Такаллум айлаб келсангиз нетар.

Бўса оларсиз тунлар болишдан,
Ҳолдан толарсиз турли мишмишдан,
Севгимни хўрлаб, ёлғиз қолишдан,
Таваҳҳум айлаб келсангиз нетар.

Эй гўзал, четга олмай ўзларин,
Яширмай биздан нурли юзларин,
Висолга Сафо Очил сўзларин,
Тараннум айлаб келсангиз нетар.

КУНИМ КЎРАРМАН

Сўлиб қолди орзу боғларим,
Бир амаллаб куним кўрарман.
Силжиб кетди умид тоғларим,
Бир амаллаб куним кўрарман.

Хира тортиб бугун кўзларим.
Йўқотдим мен топган изларим,
Чарчаб, титраб қолди тизларим,
Бир амаллаб куним кўрарман.

Билишмади ҳаргиз тилагим,
Ачишади шунга юрагим,
Бўлмаса бўлмасин керагим,
Бир амаллаб куним кўрарман.

Қоғоз, қалам каби дастёрлар,
Хизматимда турар тайёрлар,
Сафо Очил айтиб алёрлар,
Бир амаллаб куним кўрарман.

ҲАҚИҚАТ ҚЎШИҒИ

Ҳақиқатинг соғинтириб сен,
Қайларга бекиндинг, Адолат.
Мотамсаро бўлиб қолдим мен,
Қайларга бекиндинг, Адолат.

Хижрон тигин раво кўрдингми,
Хиёнат йўлига кирдингми,
Ёки унга кўнгил бердингми,
Қайларга бекиндинг, Адолат.

Агар пок севгимга ёр бўлсанг,
Ўзингни кўргазгил бор бўлсанг,
Қандай кун кўрарман хор бўлсанг,
Қайларга бекиндинг, Адолат.

Ҳақиқатинг ёниб қул бўлмиш,
Умининг олдида қул бўлмиш,
Қўшилсак гар ёруғ йўл бўлмиш,
Қайларга бекиндинг, Адолат.

БИЛМАДИМ

Қариялар уйидан таралган қўшиқ

Қарғишингиз олмагандим, Отажон,
Мунча озор қайдан келди, билмадим,
Ҳурматингиз сақлагандим, Онажон,
Мунча озор қайдан келди, билмадим.

Армонларим юрагимда ниҳондир,
Ғарибликда қон қақшаган иймондир,
Меҳрим Сизга токи олам жаҳондир.
Мунча озор қайдан келди, билмадим.

Сизга қўйган меҳрим менга қайтмади,
Ҳали ҳеч ким ширин сўзлар айтмади,
Кўнглим оталикнинг таъмин тотмади,
Мунча озор қайдан келди, билмадим.

Ўғлим бор деб, қизим бор деб, юргандим.
Ўзим емай, ўзим киймай бергандим.
Умид тўла ширин ўйлар сургандим,
Мунча озор қайдан келди, билмадим.

Ҳалол фарзанд отасини хўрламас,
Ота сири айтиб ошкор турламас,
Ва ранжитиб пешонасин шўрламас,
Мунча озор қайдан келди, билмадим.

Бу дунёга ёлғиз келдим, ёлғизман.
Сафо Очил, энди билдим, ёлғизман,
Қисматнинг устидан кулдим, ёлғизман,
Мунча виқор қайдан келди, билмадим.

ҚАРИЯЛАР УЙИДА ИНГРАЁТГАН ХИРГОЙИ

Хазон бўлган барг каби, ёронлар,
Фарзанд ҳақоратидан сарғайдим.
Торайиб бормоқдами жаҳонлар
Фарзанд хиёнатидан сарғайдим.

Ғариблигим юзимга соладир,
Бундан юрак чарчайдир, толадир,
Вужудимда ғам-алам, ноладир,
Фарзанд маломатидан сарғайдим.

Таъқиб этиб дашномлар бермишлар,
Ёмонликни раволар кўрмишлар,
Бузиб тинчим ўғирлаб юрмишлар,
Фарзанд разолатидан сарғайдим.

Тепкиланди орзулар гулхани,
Сўниб қолди умидлар гулхани,
Хароб бўлди нафосат маскани,
Фарзанд жаҳолатидан сарғайдим.

Сафо Очил, кўрганинг фаҳм айла,
Ғарибга кўнгил бериб раҳм айла,
Иzzатдан кўкси аро лаҳм айла,
Фарзанд қабоҳатидан сарғайдим.

СЕНИ ШУ КҮЙЛАРГА КИМ СОЛДИ?

Юзларинг мунчалар заъфарон,
Сени шу кўйларга ким солди?
Юришинг, туришинг парипон,
Сени шу кўйларга ким солди?

Машҳур эди исминг-шарифинг,
Манзур эди элда таърифинг,
Бугун эса юрибсан нимжон,
Сени шу кўйларга ким солди?

Кўшиги мафтункор сенмасму,
Завқ олган ҳатто ой, кунмасму,
Мухлисларинг юришар ҳайрон,
Сени шу кўйларга ким солди?

Алифдек қаддинг дол бўлибди,
Фамингдан не боғлар сўлибди,
Кўзингдан жунжикар қабристон,
Сени шу кўйларга ким солди?

Амалдор, ё кўшнинг, ё дўстинг,
Хотининг, ё ўғлинг, ё қизинг,
Тор кўринар сенга кенг жаҳон,
Сени шу кўйларга ким солди?

Олтмишга етмасдан қарибсан,
Бу дунёда қашшоқ, ғарибсан,
Сафо Очил, охирги замон.
Сени шу кўйларга ким солди?

АЛДАГАНЛАР ҶЗИ ЁМОН АЛДАНУР

Етиб боргай оҳим арши аълога,
Алдаганлар ҷзи ёмон алданур.
Мубталодир юз минг, юз минг балага,
Алдаганлар ҷзи ёмон алданур.

Ёлгон дарди ўт оладир сийнамда,
Бундай олов ҳоври йўқдир оламда,
Қарғишларим сингган ғаму аламда,
Алдаганлар ҷзи ёмон алданур.

Маст айлади иси мушки анбарнинг,
Мисолини кўрдим унда гавҳарнинг.
Шартларига кўнган эдим дилбарнинг,
Алдаганлар ҷзи ёмон алданур.

Вақти келиб бўлар ҳали пушаймон,
Чиройидан айро тушган ул замон,
Вале қўйган меҳрим жўшар ногаҳон.
Алдаганлар ҷзи ёмон алданур.

КЎРСАТУРМАН

Сўрсалар гар муҳаббатим манзилгоҳин,
Кароматли юрагимни кўрсатурман.
Боиси не деб келсалар фарёд, охинг,
Соҳибқирон малагимни кўрсатурман.

Билолмадим, севгим ҳақда сўзларми у,
Ишқ ўтида куйиб мендай бўзларми у,
Аё дўстлар, васли гулзор изларми у,
Менга ундан керагимни кўрсатурман.

Керагимдир дилга малҳам Кароматим,
Беҳисобдир Кароматга садоқатим,
Тунлар бедор, йўқдир асло ҳаловатим,
Бориб ўзим дарагимни кўрсатурман.

ЎША КУНИ

Ўша кун кутдим субҳидам бедор,
Ваъдангга вафолар айламадинг-ку.
Кўп қийналиб чекдим сийнама озор,
Ваъдангга вафолар айламадинг-ку.

Не кўчада кўнгил юрди дарбадар,
Гумон аро бўлиб у зеру забар,
Ҳушимдан оздирди карашманг магар,
Ваъдангга ваъдалар айламадинг-ку.

Биласанми, тушса ўртага ёлғон,
Гуноҳи ёмон, ҳар нарсадан ёмон,
Ювмоқ уни бу дунёда даргумон,
Ваъдангга вафолар айламадинг-ку.

Найлайн, жонгинам, сени кечирдим,
Умид қушим оқ йўл тилаб учирдим,
Зам-зам каби Сафо меҳрим ичирдим,
Ваъдангга вафолар айламадинг-ку.

ДЕМАСМИКИН?

Пинҳон ишқим этсам ошкор.
Мени кекса демасмикин?
Мискин кўнглим айлаб афгор.
Мени кекса демасмикин?

Қизлар ичра марварид қиз,
Ул ҳам ёлғиз, мен ҳам ёлғиз,
Аввал ўзи этиб хуштор,
Мени кекса демасмикин?

Бўлди чоғи унинг майли,
Севдим уни шу туфайли,
Қалбимга ниш уриб такрор,
Мени кекса демасмикин?

Сиртдан кўриб, ўзим билмай.
Кетарми ё писанд қилмай,
Мадҳин куйлаб айтсам алёр,
Мени кекса демасмикин?

Сафо Очил эгди бошин,
Ёр тиёлмас кўзда ёшинг,
Сочин қилиб бўйнимга дор,
Мени кекса демасмикин?

БИЛМАДИМ, БИЛОЛМАДИМ

Мани қандай асир этдинг,
Билмадим, билолмадим.
Ёки мурудингга етдинг,
Билмадим, билолмадим.

Сўзларимда хиёнат йўқ,
Ишқдан бўлак қироат йўқ,
Нечун менда ҳаловат йўқ,
Билмадим, билолмадим.

Шоҳсанам бўлиб кетдингми,
Севги парин селкитдингми,
Ақлу ҳушим беркитдингми,
Билмадим, билолмадим.

Ошиқ элда афсонаман,
Эл оғзинда дурдонаман,
Ё изингда ҳайронаман,
Билмадим, билолмадим.

Сафо Очил кўнглин бойлаб,
Қалб уйингга кетдинг жойлаб,
Нега қолдим йўлинг пойлаб,
Билмадим, билолмадим.

КАРОМАТИМ ИЗЛАРМАН

У хонага кириб, бу хонага кириб,
Кароматим изларман.
Ишқ ўтида ёниб, мискин ўйлар суриб,
Кароматим изларман.

Ўовлига чиқаман, дилда соғинч дарди,
Вале топилмайдир ошиқнинг ҳамдарди,
Ўовлида гиёҳлар, қалбда ишқ ўсарди,
Кароматим изларман.

Кетиб қолдим у ёки мени татилаб,
Умидвор юрагим кўзларини ёшлаб,
Ғам рандасида бағримни тарашлаб,
Кароматим изларман.

Қувнаб яшадим, мен хуррам, ошиқона,
Бугун мендан ёрим бўлдим бегона,
Тентирайман ҳарён мисоли девона,
Кароматим изларман.

ГАВҲАРДАДИР ГАВҲАРДА

Минг отлининг элинда,
Бир санам бор сафоли.
Эрким ҳамон қўлинда,
Ҳамон дилда тимсоли.

Муҳаббатим навқирон,
Қалбим қилди ошиён,
Гавҳарми ёки маржон,
Йўқдир асло мисоли.

Юрагимга ўт қалар,
Вужудимни ўт олар,
Бошда юз минг савдолар,
Кори кўпдир низоли.

Санам ўзи дилбар-да,
Яна мушки анбар-да,
Гавҳардадир гавҳарда,
Сафо Очил хаёли.

ГУЛЛОЛА

Қир-адирлар маликаси,
Кўрки кўркам гуллола.
Кўнглимнинг нозик бекаси,
Мунча кўклам гуллола.

Юрагимда қуриб ошён,
Уйинг ташлаб кетдинг қаён?
Жоним ҳалак, жоним ҳайрон,
Дардга малҳам гуллола.

Муҳаббатдан сабоқ бердинг,
Толибингман, ўзинг кўрдинг,
Қийнаб мани қайда юрдинг,
Сўзла сен ҳам гуллола.

Нега, жоним, юзларинг ол,
Сенга берай кўнглимни, ол,
Уялмасдан ол, олақол,
Ёлғиз эркам гуллола.

Сафо Очил, гулинг бўлай,
Майли, ёниб қулинг бўлай,
Гар истасанг қулинг бўлай,
Кел, маликам гуллола.

ҚАЛБИМДА УХЛАЙДИР

Кўксим захга бериб ётурман,
Мен сени соғиндим, фариштам.
Соғинч захрин ҳар кун татурман,
Мен сени соғиндим, фариштам.

Руҳим олиб қочар хаёлинг,
Қалбимда ухлайдир тимсолинг,
Тимсолинг кутади висолинг,
Мен сени соғиндим, фариштам.

Киприкка сувратинг илинган,
Вале сенсиз бағрим тилинган,
Ёки бизга дуо қилинган,
Мен сени соғиндим, фариштам.

Ё Оллоҳ, кўрсатгил каромат,
Келсин ёрим соғу саломат,
Сафо Очил кутар давомаг,
Мен сени соғиндим, фариштам.

КҮЗ ЁШЛАРИМ ИЧАРМАН

Ташна бўлиб меҳринга,
Кўз ёшларим ичарман.
Асир тушдим сеҳринга,
Энди қандай қочарман.

Севги қафаси гўзал,
Висол ҳаваси гўзал,
Мағрур ёр саси гўзал,
Сасинг аро учарман.

Бўйнимладир ишқ боғи*,
Бўғишин йўқ адоғи,
Гўзалим деди чоғи:
„Ўзим бориб ечарман“.

Ўзи келиб ечмаса,
Яра бўйним қучмаса,
Севги қулфин очмаса,
Ҳаётдан ҳам кечарман.

Ташна бўлиб меҳрига,
Кўз ёшларим ичарман.
Асир тушдим сеҳрига,
Энди қандай қочарман.

ИЙМОН ЭКАН

Йигит киши йиғламас дерлар,
Ёлғон экан, ёлғондир, ёлғон.
Ичда қотиб оғули терлар,
Қолғон экан, қолғондир, қолғон.

Билмай ёлғон ерга тушибман,
Заҳарланган ошни ичибман.
Ўз-ўзимга кафан бичибман,
Армон экан, армондир, армон.

Бир бошимга тушди кўп ғамлар,
Токи қийнар аччиқ аламлар.
Адолатга ғайри одамлар,
Шайтон экан, шайтондир, шайтон.

Тухматларга кўпдир бўялган,
Вале йўқдир мен каби толган.
Мени гурдан қутқариб қолган,
Иймон экан, иймондир, иймон?

Сафо Очил, шукур шунга ҳам,
Истиқболим ҳақда дамба-дам,
Қоғоз узра ўйлайдир қалам,
Ирфон экан, ирфондир, ирфон.

НИГОРА

Йўллари́нгдан гул унади юрганда,
Нигорахон, Нигорахон, Нигора.
Кўзлар ўйнар гуллари́нгни кўрганда,
Нигорахон, Нигорахон, Нигора.

Сани кўрса, булбул ичи ёнармиш,
Сарви гуллар ўзлигидан тонармиш.
Васлинг кутиб ошиқ кунлар санармиш,
Нигорахон. Нигорахон. Нигора.

Ўйнати́нг деб, ўз ҳолима қўймайсан,
Созим чалсам, созларимнан тўймайсан.
Товус мисол нозли-нозли ўйнайсан,
Нигорахон, Нигорахон, Нигора.

Сафо Очил билан Халфа Анажон,
Йўллари́нгга кўзларимиз нигорон.
Шу кушиқни этдик сента армуғон,
Нигорахон, Нигорахон, Нигора.

СУВРАТИНГГА

Висолингга тўймас эдим,
Зийнатиингга қараб-қараб,
Одатимни қўймас эдим,
Сийратиингга қараб-қараб.

Сендан завқи илҳом олдим,
Бўса отлиғ инъом олдим,
Мисоли йўқ ором олдим.
Ҳурматиингга қараб-қараб.

Кароматим инъом берган,
Севгим ҳақда хаёл сурган,
Қалби ичра уя қурган,
Ҳайратимга қараб-қараб.

Оламда кўп ҳурлиқолар,
Сени кўриб доғда қолар,
Сафо Очил ўйга толар,
Сувратиингга қараб-қараб.

СЕВИБ ҚОЛДИМ, НИМА ҚИЛАЙ

Таърифинг эшитиб, жоним,
Севиб қолдим, нима қилай.
Жўшмақда юрак тугёним,
Севиб қолдим, нима қилай.

Тўшимга ёй аждар зулфинг,
Очиб кирай кўнглинг қулфин.
Кечир мени, Шоҳсанам қиз,
Севиб қолдим, нима қилай.

Юзимга солма ёшимни,
Артгил хумор кўз ёшимни.
Раҳм айлагил, Шоҳсанам қиз,
Севиб қолдим, нима қилай.

Ниҳоят кўришдик, мана,
Севгим қилмоқда тантана.
Умид боғлаб, Шоҳсанам қиз,
Севиб қолдим, нима қилай.

Қиё-қиёлаб бир боққил,
Умидим чироғин ёққил.
Сафо Очил, Шоҳсанамни,
Севиб қолдим, нима қилай.

СЕН БИЛАН БЎЛГИМ КЕЛАДИ

Ёш эмассан, етдинг камола,
Сен билан бўлгим келади.
Жоним, сўзим олма малола,
Сен билан бўлгим келади.

Камоли соҳибжамол, сенсан,
Оғуши жаннатмисол, сенсан,
Борма яна ёмон хаёла,
Сен билан бўлгим келади.

Кўнглимда ўсадир тарғунча,
Эслан чиқмас ўла-ўлгунча,
Кўз қирингни ташлаб қиёла,
Сен билан бўлгим келади.

Муҳаббат осмоним хумоси,
Сафо Очил дардин давоси,
Ёлғиз ўзинг, келиб давола,
Сен билан бўлгим келади.

СЕНГА НЕ КЕРАК?

Қалбимни бердим сенга,
Яна сенга не керак?
Термиламан йўлингга,
Яна сенга не керак?

Юзингда олов курдим,
Изингда ёниб юрдим,
Ўзимни ўтга урдим,
Яна сенга не керак?

Қийнаб куппа-кундузи,
Ўлдирмоқ бўлдинг бизи,
Инсофинг борми ўзи,
Яна сенга не керак?

Жоним, мени ўйнама,
Найза санчдинг сийнама,
Сафони кўп қийнама,
Яна сенга не керак?

НЕТАР

Ёр. олдингда тилларим лолдир,
Гапни ўзинг бошласанг нетар.
Айтар сўзим балки малолдир,
Хумор кўзинг ёшласанг, нетар?

Зимдан боқар мулойим қирқ қиз,
Қирқ қиз ичинда оймисан, юлдуз?
Ой, юлдузим, қўймасдан ёлғиз,
Мискин кўнглим хушласанг нетар?

Юлдузимга юлдуз ярашсин,
Ҳавас билан ҳамма қарашсин,
Бахтинг қуши тоғлардан ошсин,
Бахтим қушин ушласанг нетар?

Армонларим қирқ қиз ичинда,
Қайтиб келиб инграр ичимда.
Умид юрар менинг ўчимда,
Сафо тилинг тишласанг нетар?

СОҒИНТИРИБ ҚҰЙДИНГ МАНИ

Хумо каби хурималак,
Соғинтириб қўйдинг мани.
Кўзларимни қилиб ҳалак,
Соғинтириб қўйдинг мани.

Дарё ичра гўё елкан,
Қонимни айлабсан маскан,
Юрагимга санчиб тикан,
Соғинтириб қўйдинг мани.

Мунчалар кўркамсан, кўркам,
Ёлғиз сен дардимга малҳам.
Кўнглимда ёшгина эркам,
Соғинтириб қўйдинг мани.

Ишқинг ўтида куйратиб,
Олдинг ўзингга увратиб.
Яна қоғозга сўйлатиб,
Соғинтириб қўйдинг мани.

Сафодан айрилиб бўлмас,
Ўзгага қайрилиб бўлмас,
Вафо гулин юлиб бўлмас,
Соғинтириб қўйдинг мани.

ВОЗ КЕЧДИНГМИ?

Юрдим менга қўйган меҳринг билиб,
Воз кечдингми яхши кўрганингдан.
Ўзинг айтдинг яхши кўраман деб,
Воз кечдингми яхши кўрганингдан

Ваъданг бузиб. кўп ҳайрон айладинг,
Мени мунча имтиҳон айладинг,
Юрагимни ногирон айладинг,
Воз кечдингми яхши кўрганингдан.

Ростим айтгин ё бағри тошмисан,
Асов бия каби бебошмисан,
Ё бошқача умр йўлдошмисан,
Воз кечдингми яхши кўрганингдан.

Ёдингдами, ёлғизман дегандинг,
Боғлар аро ёнма-ён юргандинг,
Алдаманг деб, ёлвориб тургандинг,
Воз кечдингми яхши кўрганингдан.

Орзуларим чокидан сўкилди.
Япроқлардай сарғайиб тўкилди,
Сафо Очил Умид гули сўлди,
Воз кечди ёр яхши кўрганидан.

МАН БЎЛДИМ, САН БЎЛДИНГ

Куксим аро диёр бор,
Лавҳалари чаманзор,
Шоҳаншоҳи ман бўлдим,
Шоҳни айлар бахтиёр,
Моҳлар моҳи сан бўлдинг.

Шодлик мавжи бағримда,
Баҳра олиб шаҳримда,
Тахт вориси ман бўлдим,
Ором олиб бағримда,
Бахт вориси сан бўлдинг.

Узилса агар жонлар,
Оҳ уради армонлар,
Ашк султони ман бўлдим,
Билар ҳали замонлар,
Ишқ хоқони сан бўлдинг.

Муҳаббат оламинда,
Синовлар аламинда,
Соҳибқирон ман бўлдим,
Сафо Очил ғаминда,
Ёнган ёрон сан бўлдинг.

ФАРҒОНАДА БИР ҚИЗ ЧИҚИБДИ

Фарғонада бир қиз чиқибди,
Бориб уни кўрмасам бўлмас.
Ишқ оловин ҳар ён ёқибди,
Шу оловга кирмасам бўлмас.

Кун деса кун, ой деса оймиш,
Карашмаси сеҳрга боймиш,
Манман деган йигитни ҳушдан,
Айиргувчи сирли чироймиш.

Чиройига меҳрим чаяман,
Вужудимга ишқин ёяман,
Моҳларойим агар сой бўлса.
Сой лабида мен бир қояман.

Шу қояга бош ур, марҳамат,
Парчалансин, дилгир муҳаббат,
Сафо Очил ихтиёр этиб,
Бўлди сенга асир, муҳаббат.

ГУЛОЙИМ

Сендан кўп таъмагир,
Гулойим, гулойим.
Рухлар каби ҳарир,
Мулойим, мулойим.

Дилда қайғумисан,
Гулойим, гулойим,
Битмас орзумисан,
Мулойим, мулойим.

Орзуларим тингла,
Гулойим, гулойим.
Туйғуларим англа,
Мулойим, мулойим.

Яшайсан жонимда,
Гулойим, гулойим.
Куй оқар қонимда,
Мулойим, мулойим.

Сўз айтма илмоқли,
Гулойим, гулойим.
Нигоҳинг мароқли,
Мулойим, мулойим.

Кутар Сафо Очил,
Гулойим, гулойим.
Очил, яйраб очил,
Мулойим, мулойим.

ҚИЙНАЙДИ ЁР

Бир дам яйраб суҳбат қурмай,
Кетаман деб, қийнайди ёр.
Ёлғиз кечган ҳолим сўрмай,
Кетаман деб, қийнайди ёр.

Унутиб ёки бурчимни,
Тинчлик излаган тинчимни,
Кўзда қотган соғинчимни.
Кетаман деб, қийнайди ёр.

Хаёлимдан нелар кечар,
Киприклари пир-пир учар,
Наҳот умид шами ўчар,
Кетаман деб, қийнайди ёр.

Дилда орзу, армон қизи,
Меҳр тўла иймон қизи,
Ишқ мулкида султон қизи,
Кетаман деб, қийнайди ёр.

Сафо Очил кетма деса,
Ўзгани ёр этма деса,
Манглайингни читма деса,
Балки мени қиймайди ёр.

ДУР БЎЛДИ

Бу дунёдан йиғлаб ўтдим мен,
Кўз ёшларим сиёҳ этдим мен,
Қоғоз узра ҳўнграйди қалам,
Дардим қўшиб нома битдим мен.

Эгасига хатлар етмайди,
Ҳеч ким мендай қонлар ютмайди,
Қанча ювмай кўнглим ойнасин,
Қон доғлари сира кетмайди.

Бу дунёдан рози эмасман,
Ўтган умрим яхши демасман,
У дунёдан кўпдир умидим,
Унда оғули ош эмасман.

Йиғлаб-йиғлаб кўзим кўр бўлди,
Менга ушбу дунё гўр бўлди.
Кўз ёшларинг, эй Сафо Очил,
Бахиллар бўйнига дур бўлди.

ТУШИМДА ҚОЛДИ

Мен кутган бахт-иқбол орзулар бўлиб,
Мен билан туғилган эшимда қолди.
Неки армонларим патларин юлиб,
Қаноти қирқилган қушимда қолди.

Кенгайиб борарди умид олашим,
Оламга сиғмасдан ўйнар қаламим,
Вале айта олмай битта аламим,
Битмас қувватимда, кучимда қолди.

Кўз ўнгимда яшнаб турур гулзорлар,
Ки истиқбол ҳақда битдим ашъорлар,
Ортиб эди висолимга хумморлар,
Эсдан чиқиб бари тушимда қолди.

Мени кимдир силтаб, кимдир маъқуллар,
Охир менинг учун бекилди йўллар,
Атрофимда пинҳон изғиб бахиллар,
Изимдан қолмасдан ўчимда қолди.

Юрарман ёзда ҳам жунжикиб, тўнғиб,
Сафо Очил, ўтдим қисматим енгиб,
Қадрим менинг қоним, руҳимга сингиб,
Дунё юзин кўрмай ичимда қолди.

СЕН КЕЛМАДИНГ

Ишқинг тушиб кўнгилга,
Мен келдим, сен келмадинг,
Ваъдалашган манзилга,
Мен келдим, сен келмадинг.

Бунда севги нафаси,
Келар булбул ҳаваси,
Муҳаббат маъбудаси,
Мен келдим, сен келмадинг.

Кетишга дил қўймайди,
Кўзлар сени қиймайди,
Наҳот ичинг куймайди,
Мен келдим, сен келмадинг.

Умидларим сандадир,
Ишқинг дарди тандадир,
Юрагим чирмандадир,
Мен келдим, сен келмадинг.

Келдим Сафони излаб,
Меҳригиёни излаб,
Дарлга давони излаб,
Мен келдим, сен келмадинг.

САБОҚ БЕРСАМ

Мискин кўнглим тугунлари ёзилмишдир,
Ҳақиқатга ҳақиқатдан сабоқ берсам.
Хиёнатлар бориб дорга осилмишдир,
Диёнатга диёнатдан сабоқ берсам.

Ёлғон дунё йиғлайди кўп оху-зорим,
Сабру тоқат мулкида йўқ манзур ёрим,
Муаллимдир бу дунёда касби-корим.
Қаноатга қаноатдан сабоқ берсам.

Хиёнатлар гирдобига минг бор чўкиб,
Тобланганман оловларда фарёд чекиб,
Ёли дуркун ўтли юрак қоним тўкиб,
Жасоратга жасоратдан сабоқ берсам.

Қон-қонимга сингиб кетган дардлар кетур,
Дард юзида из қолдирган гардлар кетур,
Тилида бор, дилида йўқ, мардлар кетур,
Шижоатга шижоатдан сабоқ берсам.

Ҳар юракда гуркираган фаҳриёри,
Ҳақиқатнинг, диёнатнинг шаҳриёри,
Сафо Очил умри бўйи севган ёри.
Адолатга адолатдан сабоқ берсам.

АКАНГ ЎРГИЛСИН

Мени кўриб қувондингми, сулув маликам,
Суюнган шу кўзларингдан аканг ўргилсин.
Рухсорингда кўриб қолдим ёғду, маликам,
Яшнаб кетган юзларингдан аканг ўргилсин.

Сен келдинг - у фаришталар сочин тарашди,
Фаришталар бир баҳона, менга қаранди,
Тасалдуғинг кетай, жоним, изинг ярашди,
Ярашиқли изларингдан аканг ўргилсин.

Кўзинг сузиб, қараб қўйдинг зимдан уялиб,
Шунда севги оловланди дилдан яралиб,
Димоғимга келди хушбўй ислар таралиб,
Атиргулдай исларингдан аканг ўргилсин.

Дил кўримиз асир олди оташ туйғулар,
Бизни асло қийнамасин алам, қайғулар,
Сафо Очил, ишқ оғриги бермас уйқулар,
Туйғуларинг, ҳисларингдан аканг ўргилсин.

СЕНИ ЭСЛАЙМАН

Ўзингга ўргатиб келмай қўйдинг сен,
Лекин сени умрим бўйи эслайман.
Уйқусиз тунларим асрларга тенг,
Лекин сени умрим бўйи эслайман.

Не гуноҳ қилдим мен, нега айтмайсан,
Умидвор қадримга сен ҳам етмайсан,
Наҳотки, азизим, энди қайтмайсан,
Лекин сени умрим бўйи эслайман.

Атрофингда бўлиб эдим парвона,
Оловлигинг билмай қолдим ҳайрона,
Ҳасратингда ақлим дали-девона,
Лекин сени умрим бўйи эслайман.

Қалбим ичра туйғу бўлиб ўсарсан,
Жоним аро қайғу бўлиб ўсарсан,
Қон йиғлаган орзу бўлиб ўсарсан,
Лекин сени умрим бўйи эслайман.

Чехранг шуъласидан қайта туғилдим,
Севгим изҳор эта билмай бўғилдим,
Сафо Очил, ишқ чўғингда чўғ бўлдим,
Лекин сени умрим бўйи эслайман.

БАХТИЁРМАН

Бахтиёрман, огоҳ бўлсанг,
Қўшиқларим маъносидан.
Ҳазин кўнглим кулар. кулсанг,
Лаъли лабинг лайлосидан.

Ҳаётингдан кўнглинг тўлмас,
Ишонганинг сенга элмас,
Мендан бўлак ҳеч ким билмас,
Сездим руҳинг қиёсидан.

Дардинг битмас яро экан,
Вале қалбинг сафо экан,
Кўзойнагинг қаро экан,
Менинг бахтим қаросидан.

Кўзойнагинг олиб тургил,
Қийнамасдан гапга киргил,
Ҳеч бўлмаса бўса бергил,
Кўзларингнинг шаҳлосидан.

Шунда айтар юрак алёр,
Жамолингга жоним нисор,
Қолган умрим ўтсин хуммор,
Бўлиб наргис имосидан.

ЭНДИ НИМА ҚИЛАМАН?

Кўкракка сиғмай борар юрагим,
Азизлар, энди нима қиламан.
Ҳаддидан ошар орзу-тилагим,
Азизлар, энди нима қиламан?

Орзу-умидга етмоқ маҳолдир,
Ақлимга булар бари малолдир.
Бу йўлда юрак умри заволдир.
Азизлар, энди нима қиламан?

Юрагим асло сўзимга кирмас,
Севганим ота-онаси бермас,
Ҳеч ким қамбағал аҳволин сўрмас,
Азизлар, энди нима қиламан?

Офтоб кокили ўйнар қўлимда.
Ишқи ловуллар мискин кўнглимда,
Эй, Сафо Очил. дилим тилим-да,
Азизлар, энди нима қиламан?

АҚЛИНГ РАСОЛАБ КЕЛДИНГ

Соҳибжамол, не айбима, билмадим,
Умринг бўйи мени жазолаб келдинг.
Зада бўлиб, кейин парво қилмадим,
Киборлар кўкида ҳаволаб келдинг.

Қанча сувлар оқиб кетди, эй дилхун,
Бағримга келибсан бош эгиб бугун,
Нечун сарви гулдай қоматинг нигун.
Ё ёшлигим эслаб, баҳолаб келдинг.

Соч-соқолим оқартирди озоринг,
Ташрифингдан шифоланди беморинг,
Ҳечдан кўра кеч кўрсатиб рухсоринг,
Бир-бир босиб, аста қиёлаб келдинг.

Қилган хатоларинг такрор айлама,
Ўзингдан бездириб безор айлама,
Сафо Очил, ўзгани ёр айлама,
Ёр ҳажрида ақлинг расолаб келдинг.

БОРМИСАН

Малактарнинг малаги
Хуршид малак, бормисан.
Ўзинг қўнглим кераги,
Бергил дарак, бормисан.

Қоронғу кечаларда,
Қўймагил кўчаларда,
Жоним васлинг ҳалаги,
Қилма ҳалак, бормисан.

Пандинг сени олмадим,
Айтганимдан қолмадим,
Сенсан уйим безаги,
Нафис безак, бормисан.

Сўзлар дурин изладим,
Чин севгидан сўзладим;
Сафо Очил эртаги,
Ёрқин эртак, бормисан.

НАРГИСАНИНГ АЙЛАНАЙИН ЖОНИННАН

Наргиси гул ер юзинда ягона,
Ер юзинда ягона бир нурхона,
Ошиқ юрак зиёсидан нурланиб,
Ишқ нуруни таратади ҳарёна.
Наргисанинг айланайин жониннан,
Етсам агар айрилмасман ёниннан.

Гулбандида оппоққина гулидан,
Мазали ис хабар берди кўнглидан,
Ақли ҳушим дош беролмай сеҳрига,
Сархуш бўлиб озиб кетди йўлидан.
Наргисанинг айланайин жониннан,
Етсам агар айрилмасман ёниннан.

Соғинчларим қиличлари қиймалар,
Фарёд чекиб жоним менинг қийналар,
Қийноқлардан қийналса-да бу юрак,
Изҳори ишқ айлашга у ийманар.
Наргисанинг айланайин жониннан,
Етсам агар айрилмасман ёниннан.

Наргис билан Сафо Очил бир бўлди,
Ошиқларнинг бирлашгани зўр бўлди,
Ишқ шаҳринда базми, тўю томоша,
Бири хотин, бири унга эр бўлди.
Наргисанинг айланайин жониннан
Энди сира айрилмасман ёниннан.

ОҒАМ ГАЛИБДИ

(Қиз қўшиғи)

Мани қутланг, ҳой чиқонлар*, ой қизлар,
Мани излаб азиз одам галибди.
Йўлларина поёндоздир наргислар,
Қишни қувлаб дилга кўклам галибди.

Дарди сарим айтолмадим номма-ном,
Сочларимдай тўлғанардим тушса шом,
Шодлигимдан сизиб-сизиб бу оқшом,
Кирикларим аро шабнам галибди.

Орта қолди бедор хаёл сурганим,
Қалбим ичра ёлғиз тўнглаб турганим,
Тушларимда ҳар кун кўриб юрганим,
Хаста дилга бўлиб малҳам галибди.

Дасталайман ўзим эккан гуллардан,
Асраб қўйган эдим совуқ еллардан,
Ман қувонмай ким қувонсин дафъатан,
Сафо Очил деган оғам галибди.

* Чиқон (хоразмча) – дугона

САНЪАТКОР ҚИЗ БЎЛАМАН

(Лапар)

*Хоразмлик истевдодли
санъаткор
Дилфуза
Жуманиёзовага*

Атиргулга дугона,
Анбарин ис бўламан.
Мушк қўзгаган ягона,
Дилдаги ҳис бўламан.
Номусимнинг чиқани
Атиргулнинг тикани,
Кечиринглар бикани,
Мулойим сўз бўламан.
Дўст тутиндим ор билан,
Янграб турган тор билан,
Иффат билан ёр билан,
Бир ёруғ юз бўламан.
Офтоб ила талашган,
Юзга ҳамма қарашган.
Юлдузига ярашган,
Ёрқин юлдуз бўламан.
Юрагим нозик-нозик,
Кўзларим сузик-сузик,
Суйганим олтин узук,
Мен зумрад кўз бўламан.
Ёр сақласа жонинда.
Оқиб турсам қонинда.
Айрилмасдан ёнинда.
Кеча-кундуз бўламан.
Кўнглим уни тусади.
Вужудимда ўсади,
Томиримда кезади,
Қондош ўғуз бўламан
Гулбарглар чирой олган.
Булбуллар хайрон қолган,
Шоир оғам зор бўлган,
Дилфуза қиз бўламан,
Санъаткор қиз бўламан!

МАЪШУҚАНГИЗ БЎЛАМАН

(Лапар)

Тилингиздан томиб турар болингиз,
Эй, асалим, маъшуқангиз бўламан,
Ичим увушади кўриб ҳолингиз,
Майли, оға, маъшуқангиз бўламан.

Нукул арик* битган боғни газали,
Арикдан ҳам сангароғи** мазали,
Сангароқдин экан манга севгингиз,
Оғажоним, маъшуқангиз бўламан.

Арикзорнинг таги кўм-гўк йўринжа,***
Ишқим сиза йўринжалар торинча,
Ўтирибман кутиб сизни кун санаб,
Оғажоним, маъшуқангиз бўламан.

Сув галади солмалардан**** шилдираб,
Кўзим қолди сувга қараб жавдираб,
Йўл топдингиз тарғунчадек қалбима,
Оғажоним, маъшуқангиз бўламан.

Тилим сайрар Сафо Очил деганда,
Дилим яйрар алим сўраб галганда,
Ичиктириб мани ортиқ қийнаманг,
Жоним оға, маъшуқангиз бўламан.

* Нукул арик (хоразмча) – қанддақ ўрик.

** Сангароқ (хоразмча) – данак.

*** Йўринжа (хоразмча) – беда, бедапоя.

**** Солма (хоразмча) – ариқча.

КЕРАКМИ САНГО

(Огаҳийга татаббуъ)

Ишқ шаҳринда хону хоқоним керакми санго,
Куйиб кул бўлган хонумоним керакми санго,
Дунёдан йиғлаб ўтган шоним керакми санго,
Розилашган хотири комим керакми санго,
Сархуш кулмоғинг учун қоним керакми санго,
Бахтли бўлмоғинг учун жоним керакми санго.

Қаён кетдинг муҳаббат ниҳолини тутқазиб,
Кўйдим уни авайлаб юрагимга ўтқазиб,
Меҳримдан сувлар ичиб яшнаб турар барг ёзиб,
Вале алданиб қолдим макрингга мен ютқазиб,
Сархуш кулмоғинг учун қоним керакми санго,
Бахтли бўлмоғинг учун жоним керакми санго.

Не юлдузки, бағримдан сачраб кетган учқундир,
Ёниб бўлдим адолар ҳолим манинг забундир,
Охир билсам, борлигим хунҳорларга тутқундир,
Ки хунҳорлар қонимга ташна юрган қузғундир,
Сархуш кулмоғинг учун қоним керакми санго,
Бахтли бўлмоғинг учун жоним керакми санго.

Раҳм айламай қилдилар оёқ-ости қадримни,
Авлодларим эслагай бардошимни, сабримни,
Душманам ҳам кўрмасин менинг тортган жабримни,
Ким ҳам ёдлар қонимдан шафақланган қабримни,
Сархуш кулмоғинг учун қоним керакми санго,
Бахтли бўлмоғинг учун жоним керакми санго.

Оллоҳдан мадад сўраб Сафо Очил тонг билан,
Жоним керак бўлса ол розилашган жон билан,
Ки бирга яшар эди никоҳланган қон билан,
Руҳимда кетмиш бари ул хотири ком билан,
Сархуш кулмоғинг учун қоним керакми санго,
Бахтли бўлмоғинг учун жоним керакми санго.

ЧИРОЙЛИ ҚИЗ

Қошларинг териб келдинг, чиройли қиз,
Мум каби эриб келдинг, чиройли қиз,
Ё кўнгил бериб келдинг, чиройли қиз,
Руҳимга кириб келдинг, чиройли қиз,
Юракдан уриб келдинг, чиройли қиз.

Чиройли қиз дегайман то тирикман,
Маъмур* қадринг билгайман то тирикман.
Дарди-ғаминг егайман то тирикман,
Руҳимга кириб келдинг, чиройли қиз,
Юракдан уриб келдинг, чиройли қиз.

Бир умр излаганим ёлғиз сенсан,
Хаёлий кўзлаганим ёлғиз сенсан,
Тополмай бўзлаганим ёлғиз сенсан,
Руҳимга кириб келдинг, чиройли қиз,
Юракдан уриб келдинг, чиройли қиз.

Мен билан чадримга кетсанг нетар,
Ёр бўлиб қадримга етсанг нетар,
Сўнги дам қабримга элтсанг нетар,
Руҳимга кириб келдинг чиройли қиз,
Юракдан уриб келдинг, чиройли қиз.

*Маъмур – обод маъносига.

КАМОЛИНГ

Кел, азизам, кел, мунаввар висола,
Илтмосимни олмагин малола,
Яна бормагин ёмон бир хаёла,
Ошиқ бўлибман мафтункор камола,
Камолинг муҳтож эмасдир мисола.

Сийнанг сийрати экан сўлим-сўлим,
Кўриб дол қолмиш боғда атиргулим,
Гулбаргни силаб сайрасин булбулим,
Ошиқ бўлибман мафтункор камола,
Камолинг муҳтож эмасдир мисола.

Насиб этса гар махмури шабона*,
Сухбат қургаймиз иккимиз мастона,
Сиру асрорим айтайин пинҳона,
Ошиқ бўлибман мафтункор камола,
Камолинг муҳтож эмасдир мисола.

Гулбаргда шабнам мўлтаяр омонат,
Шаббода келиб қилмагай хиёнат,
Эй, Сафо Очил, руҳингдир шаҳодат,
Ошиқ бўлибман мафтункор камола,
Камолинг муҳтож эмасдир мисола.

*Махмури шабона — тунги мастлик маъносида

ДУРДОНАЛАРДЕК

Чирой очдинг дилла дурдоналардек,
Кўзларинг жавдирар мастоналардек,
Ишқ сиррин ўргатдинг фарзоналардек,
Мен сени севарман девоналардек,
Куярман ўтингда парвоналардек.

Ўзинг менинг ёлғиз жавоҳир, дурим,
Вужудим, шуурим, дийдаи нурим,
Васлинг орзусида жўшган ғурурим,
Топтаб ўтма уни остоналардек,
Қалбим уйи бўлур вайроналардек.

Юксаклардан оқиб тушар шалола,
Бамисоли ул кавсари зилола,
Зилолимдан ишқинг етди камола,
Кел бағримга, жоним, жононалардек,
Васфимиз эл кезар афсоналардек.

Қачон кўрсам сени кулиб турарсан,
Сафо Очил кўнглин билиб турарсан,
Гоҳида ёнимга келиб турарсан,
Йироқлаб юрмагин бегоналардек,
Зеб бергил уйимга тўйхоналардек.

МУБОРАК БЎЛСИН

Умрингда кўрдинг ягона муҳаббат, муборак бўлсин,
Кўксингга зийнат дурдона муҳаббат, муборак бўлсин,
Қадрингга етди мардона муҳаббат, муборак бўлсин,
Йўлинг ёритар нурхона муҳаббат, муборак бўлсин,
Шоир қалбида афсона муҳаббат, муборак бўлсин,
Булбул тилида тарона муҳаббат, муборак бўлсин.

Ҳеч ким севилмоқ бахтидан бўлмасин асло бегона,
Битган ашъорим ардоқли севгимдан сенга нишона,
Кафолат эрур ҳисларим ишқимдан дилда иймона,
Марҳамати кўп Оллоҳим бермагай имкон гумона,
Шоир қалбида афсона муҳаббат, муборак бўлсин,
Булбул тилида тарона муҳаббат, муборак бўлсин.

Ишонсанг менга ўзингни, ишончинг буткул оқлайман,
Мулойим силаб-сийпалаб димоғинг ҳар кун чоғлайман,
Бошдан оёғинг эркалаб дил тўрида ардоқлайман,
Қалбимга қиёс тимсолинг руҳимда асраб сақлайман,
Умрингда кўрдинг ягона муҳаббат, муборак бўлсин,
Кўксингга зийнат дурдона муҳаббат, муборак бўлсин.

Соҳибжамолим, охири ишончинг етиб камола,
Сафо Очилнинг ёнига келдинг уяла-уяла,
Суюниб кетдим шодликдан қаршингда мисоли бола,
Сенга суқланиб термилсам қизардинг гўё гуллола,
Қадрингга етар мардона муҳаббат, муборак бўлсин,
Йўлинг ёритар нурхона муҳаббат, муборак бўлсин.

САЛОМ СИЗГА, ЭЙ, ПОКИЗА АВЛОДИМ

Булутлар зарбидан синди қанотим,
Оёқлар остила қолди муродим,
Хатарли йўлларда ётди ҳаётим,
Танамга сиғмайди оҳим, фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим.

Покиза кунларни қўмсайман ҳамон,
Фариб паноларда мунғаяр армон,
Тинчлик бермас менга қарши ғалаён,
Танамга сиғмайди оҳим, фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим.

Мен билан йиғлайди унсиз адолат,
Мотам тутар ҳолимизга ҳақиқат,
Зимдан кузатади бизни хиёнат,
Танамга сиғмайди оҳим, фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим.

Бахиллар боғида ҳасад ўйнайди,
Улар сувда чўкмас, ўтла куймайди,
Улар мени ўз ҳолимга қўймайди,
Танамга сиғмайди оҳим, фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим.

Шундай яшаб ўтдим, олтмишда ёшим,
Ювди қанча-қанча қоғозни ёшим,
Дол каби буқилди метин бардошим
Танамга сиғмайди оҳим, фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим.

Бул замонда менга ҳамдард топилмас,
Дардимни тингларга бир мард топилмас,
Ҳасратим англарга жўмард топилмас,
Танамга сиғмайди оҳим, фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим.

Истиқбол орзусин буткул унутдим,
Тирик умрим учун яшолмай ўтдим,
Қисматим шул экан, найлай, қон ютдим,
Танамга сиғмайди, оҳим, фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим.

Тириклик чоғимда йиғлаб ўтарман,
Эй авлодим, қалбим тиглаб кетарман,
Сизга атаб салом хатлар битарман,
Танамга сизгамайди оҳим, фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим

Бул замонда чиқармаслар унимни,
Турткилашиб бермайдилар кунимни,
Сафо Очил, ўпиб сирдош тунимни,
Хатга битиб қолдирдим мен фарёдим,
Салом сизга, эй, покиза авлодим.

КАРОМАТЛИ ЁРСАН САН

Соҳибжамол, ҳароратли ёрсан сен,
Сеҳргар ё тароватли ёрсан сен,
Ишқ мулкида маҳоратли ёрсан сен,
Жоним, менга қиёматли ёрсан сен,
Оллоҳ берган кароматли ёрсан сен,

Олқишларинг юрагимда садоли,
Боқишларинг нафис гунча, иболи,
Оғушларинг экан шунча шифоли,
Дардга малҳам марҳаматли ёрсан сен,
Оллоҳ берган кароматли ёрсан сен.

Излаб келдинг мени узоқ эллардан,
Гул дасталаб кўнгил отлиғ гуллардан,
Берган гулинг озиқланар диллардан,
Мурувватли, шижоатли ёрсан сен,
Оллоҳ берган кароматли ёрсан сен.

Хоним, сендан ишқ дарсини тингладим,
Букилган дол қоматимни ўнгладим,
Сафо Очил, ошиқлигим англадим,
Ёлғиз ўзинг маърифатли ёрсан сен,
Оллоҳ берган кароматли ёрсан сен.

АВЛОДЛАРИМГА ХАТ

Авлодим, мани эслаб, руҳимни шод қил,
Мен каби яхши кунни доим мурод қил,
Дил қушларим қафасдин ўзинг озод қил,
Лоақал сен унутма номимни ёд қил,
Илтимосим, топталган қабрим обод қил.

Оллоҳимга шукурким, олтмишда ёшим,
Тоҳануз маломатдан чиқмади бошим,
Кипригимда музлади сизган кўз ёшим,
Лоақал сен унутма, номимни ёд қил,
Илтимосим, топталган қабрим обод қил.

Тириклик чоғларимда даврон сурмадим,
Давримнинг айвонида қадрим кўрмадим,
Вале ҳеч кимдан раҳму шафқат сўрмадим,
Лоақал сен унутма номимни ёд қил,
Илтимосим, топталган қабрим обод қил.

Авлодим, нажот истаб қадрим йиғлайдир,
Маҳзун ўтган кунларим юм-юм йиғлайдур,
Чангалзор ичра балки қабрим йиғлайдур,
Лоақал сен унутма номимни ёд қил,
Илтимосим, топталган қабрим обод қил.

Ичимда кетмиш чеккан на оҳим менинг,
Токай ўтгай чинқираб арвоҳим менинг,
Яхшилар юрагидир паноҳим менинг,
Лоақал сен унутма номимни ёд қил,
Илтимосим, топталган қабрим обод қил.

Хоразмнинг ўғлони Сафо Очилман,
Жўшқин Жайхун туғени Сафо Очилман,
Ёлгон дунё меҳмони Сафо Очилман,
Лоақал сен унутма номимни ёд қил,
Илтимосим, топталган қабрим обод қил.

АЛДАНУР

Бирам кўнгли очик тоза виждон алданур,
Бирам ошиқ юрак ёрга ҳар он алданур,
Бирам кўзлари оч, умри хазон алданур,
Вале алдаганнинг ўзи ёмон алданур,
Муштлаб пешонасин йиғлаб чунон алданур.

Лозимдир эҳтиёт доим қалтис замонда,
Алдамчилар даври даврон сураб ҳар ёнда,
Кўркам ниқобларин мисли йўқдир жаҳонда,
Вале алдаганнинг ўзи ёмон алданур,
Муштлаб пешонасин йиғлаб чунон алданур.

Алдамчининг бўлмас асло ори-виждони.
Битса басдир иши, тўлса унинг ҳамёни.
Илдиз отар бора-бора ҳарён тўфони,
Вале алдаганнинг ўзи ёмон алданур,
Муштлаб пешонасин йиғлаб чунон алданур.

Алдамчи дастидан поклар ғариб юрибди,
Сафо Очил адолатни ҳолсиз кўрибди,
Барин Оллоҳ аниқ, равшан кўриб турибди,
Бир кун алдамчининг ўзи ёмон алданур,
Муштлаб пешонасин йиғлаб чунон алданур.

ОШИҚ БЎЛИБМАН

Ғойибдан дилдорга ошиқ бўлибман,
Мулойим бир ёрга ошиқ бўлибман,
Қадри учун зорга ошиқ бўлибман,
Зорланган ночорга ошиқ бўлибман,
Комила гулнорга ошиқ бўлибман.

Қадрин топа билмай беун йиғлайдир,
Гоҳи ёлғиз қолса, бағрин тиглайдир,
Дилга мосин ўйлаб ичи жиглайдир,
Орзуси баҳорга ошиқ бўлибман,
Комила Гулнорга ошиқ бўлибман.

Қомати шамшоду ўзи ягона,
Хасталик дардини ютар мардона,
Кўнгли ярим юрар доим ҳайрона,
Ошиқи беморга ошиқ бўлибман,
Комила Гулнорга ошиқ бўлибман.

Қалбингда асроринг ошкор айладим,
Кўнглинг қушин излаб, шикор айладим,
Сафо Очил, ишқим ашғор айладим,
Васли дилафгорга ошиқ бўлибман,
Комила Гулнорга ошиқ бўлибман,

МАҲБУСИНГМАН

Сен ҳақда кўп гапладилар,
Шаънингга лой чапладилар,
Комила, Комила.
Вале сени севдим сармаст,
Ҳеч ким мендай сева олмас,
Комила. Комила.

Жиловлолма туйғуларим,
Ортаверар қайғуларим,
Ишқ мавсумин бўҳронлари,
Азоб берди бўронлари,
Комила, Комила.

Бошда надир визиллайди,
Ичим тинмай жизиллайди,
Оташ меҳрим билармисан,
Бунга иқроқ бўлармисан,
Комила, Комила.

Қиёматли ёрсан энди,
Жоним аро борсан энди.
Қўлингдаги қўбузингман,
Раҳм айлагин, маҳбусингман,
Комила, Комила.

ИШҚ КИТОБИ – ИШҚ ОФТОБИ

„На бұлғай севгимиз тафтидан офтоб тузсанг,
Ашъорим саралаб ажойиб китоб тузсанг“ –
Деган илтимосим олдинг-эй инобатга,
Ишқимиз китоби – офтобни шитоб тузсанг!

КЎКЛАМ

Камоланинг курки-камоли,
Кўзларимга кўрсатди қарам.
Кийиб келган кимхоб кийимда,
Кўринади киройи кўркам.

Кўркамлашган камолинг кўриб,
Келинчакдай кулади кўклам.
Кимсаларки, камина каби
Келажанинг куйлар камдан-кам!

ИШҚИНГ ТУФАЙЛИ

Менга осон тутма, паризод,
Азобларим қийнар танамда,
Ғазабларим сифмас дилимга,
Шердай ғажиб-ғажиб ташлайман,
Хушторларинг чиқса йўлимга.

Менга осон тутма, паризод,
Вулқон надир менинг олдимда,
Ерни остин-устин қиламан.
Севгим уйин вайрон қилса ким,
Бу ёғини ўзим биламан...

Менга осон тутма, паризод,
Кўп ўлимдан қолганман омон,
Бу гал ўлиб кетсам ҳам майли.
Шаҳид бўлиб ўлиб кетарман,
Фақат сенинг ишқинг туфайли!..

ИШҚИМ ВА РАШКИМ

Еру кўкка ишонмам сени, жоним, Камола,
Меҳримдан озиқ олиб етдинг. ахир , камола.
Шунинг учун юрибман қолмай сенинг изингдан,
Ишқим ҳақда сўзласам, бол томади сўзимдан.

Вале сенга тикилган кўзни ўйиб оламан,
Кўз соҳибин бошига не кунларни соламан,
Биров тегинса, айтгин, уларга феълимни менинг
Қайсар. сўзидан қайтмас, ўжар, қўрқмас боламан.

Гоҳи сени ўзимга ҳам ишонмай юраман,
Кўзларим юлиб олиб, қалб ёғимда қовраман,
Еллар тегса сенга гар, барин қамаб бир қопга,
Бирин кўймай ёқаман, кулин кўкка совраман.

Ишқим ҳам, рашким ҳам шу, шундай етдим камола,
Чанқадим, меҳрингдан бер менга битта пиёла!
Камола...

Икки ниҳол ўтқазилди ёнма-ён
Бири Ҳақиқатдир, бири Адолат.
Бир-бирин айлашиб улар имтиҳон,
Бир-бирига қилишмади хиёнат.

Мевалар тугдилар одамлар учун,
Довуччалар бўлди бироқ тошбўрон.
Дарахтлар шохлари ярадор бутун,
Яхшиликка улар кўришди ёмон.

Не-не кулфат тушиб доим бошига,
Ҳақиқат дарахти сўлди ниҳоят,
Эгизагин маъракасин ошига.
Ўтин бўлди мотамсаро Адолат.

СЎЗЛАР САРОБИ

Замин бўм-бўш. ҳеч ким йўқ, ҳеч нарса,
Тентирардим ёлғиз, йўл йўқ, сўқмоқ йўқ.
„Бахтман“ деб чинқирар шунда нимарса,
Кўзга кўринмайдир ҳеч ким, кўрмоқ йўқ.

Ҳаллослаб чопаман товушга қараб,
Югураман, шамол каби еламан,
Товушдан умидим кетади яйраб,
Орзулар боғида ўйнаб-қуламан.

Судраламан товуни келган томонга,
Вале юрагимда қайноқ ҳаяжон,
Ўша сўз айланди ўлик армонга,
Ерга кўксим бериб ётаман нимжон.

Ажабо, сўзлардан сароб бўлурми,
Қулоқларни қийнаб хароб қилурми?..

Уч ёшга кириб мен эсимни таниб,
Қисматим англадим, вале юрдим жим...
Ғарибликда мурғак умрим хўрланиб,
Юрагим четида ўксиб улғайдим.

Келаверди шундай тақдирлар они,
Ё давримнинг ўзи буткул чигалдир.
Ҳолимга ачишмас ҳеч кимнинг жони,
Билмам ё одамлар юраги шалдир.

Чалажон одамлар иши чаладир,
Бўлмаслар ўт юракли фидойи.
Тирик мурда номин элдан олурлар,
Бериб шунда ўз-ўзига худойи.

Охир замон вақти яқин қолдими,
Ёки шайтон элни қўлга олдими?

Тириклик умрим шундай ўтади.
Ғариб давримга айтиб шукрона.
Бир умр хорлик, зорлик ўртади,
Маънан бойликда эдим ягона.

Руҳимни юксак қилиб, йўлимни,
Ёлғиз Оллоҳим томон бошладим.
Доимо бардам тутиб кўнглимни,
Ўликлик умрим учун яшадим.

Гулшанни кўмсаб яшадим, вале,
Қадримга макон бўлди чангалзор.
Давримга назар ташладим, вале,
У ҳам устимдан кулди бахтиёр.

Армоним англа, зукко авлодим,
Дафтар қатида қолган фарёдим!

МУҲАББАТ БЎЛДИ ЖИЗҒАНАК

Эй, кўзлари шаҳлогинам,
Қад-қомати барногинам,
Покизадир зам-зам каби,
Ҳис-туйғуси сафогинам.

Тушдим энди изларингга,
Қароғ бўлай кўзларингга,
Ҳажрингда қаро кунларим,
Хол айлагил юзларингга.

Ишқ ўтида ёна-ёна,
Дардим айтдим дона-дона,
Ҳаста жоним зор бўлибди,
Ўзинг каби меҳрибона.

Ҳол сўргани, моҳималак,
Ҳеч ким йўқдир сендан бўлак,
Сафо Очил қалб қўрида,
Муҳаббат бўлди жизғанақ.

* * *

Оғриғи дунёга сизмаган нолиш,
Бошим остида у парқудай болиш
Оламга ўт берган қайғулар оқи,
Қаршимда бош эгар бордек гуноҳи.
Нолишимни қўйиб юборсам борми,
Қулаб кетар саккиз оламнинг ярми.
Ғамимга дуч келса агарда қуёш,
Кул бўларди бир пастда беролмай бардош...

РУҲ

Руҳ ўзи кўринмас кўзга,
Гўё йўқ унинг овози.
Васфин кўшай десанг сўзга,
Топилмас асло қиёси.

Қандай мўъжиза экан у,
Билишни истайман фақат?
Кўнглимда яшар шу орзу,
Уйғониб кетди сукунат.

Рақсга тушар шодлигим,
Олис боғларга бошлайдир.
Гоҳ ўз-ўзимга ётлигим,
Кўзимга чўплар ташлайдир.

Гоҳи юришиб ишларим,
Қувноқ кўшиқлар битарман.
Гоҳи ортиб ташвишларим,
Замин қаърига кетарман.

Вужудим таталар гоҳи,
Қийнар ушалмаган армон.
Ҳар бир мотамсаро оҳи,
Ичимда бошлар ғалаён.

Не ҳол бу, ненинг қудрати,
Армон уланса қайғуга?
Тугаб вужудим журъати,
Кетганмиш мангу уйқуга.

Шунда танамдан ажралиб,
Вазнсиз недир учадир.
Танамнинг нусхасин олиб,
Қушлардай тасвир учадир.

Мурдам хайрлашмас ҳатто,
Ўртада лоқайд ётадир.
Танамдан чиқмайди сало,
Тасвирим дарди ортадир.

Асли бу тасвир эмасдир,
Оллоҳим яратган шукуҳ.
Мурдам узра айланиб гир,
Учиб борар илоҳий руҳ...

ТУЙҒУЛАРИМ КЎЗИДА

Кимдир тунда сўқмоқ бўйлаб паришон,
Кетиб борар хатар йўқдай йўлида.
Зўрға-зўрға одим ташларди нимжон,
Аччиқ қисмат кўшиқлари кўнглида.

Калтакесак кузатарди панада,
Таъқиб этар уни илон, чаёнлар.
Кузатишлар авжга минар янада.
Махлуқларни қуршаб олди армонлар.

Ғариб инсон маҳзун юрар илгари,
Елкасида мотамсаро чопони.
Тўрт томони қибла дайди сингари,
Борарга йўқ унинг маълум макони.

Қайга борса пешвоз чиқиб хиёнат,
Шу кунларга солди тақдир ўйини.
Турган эди алҳол олиб таҳорат,
Босиб келди ажиналар қуюни.

Не офатки, масъум, ғариб бечора,
Кўзларидан селдай ёшлар қуюлар.
Ер тубан йиқилди бўлиб садпора.
Билмам, нечун тўрсиқ қувониб кулар.

Тирик мурда сари ўрмалаб илон,
Келар эди тезкор чиқиб инидан.
Типратикан кўриб уни дафъатан,
Ўлжасини тишлаб олди думидан.

Исён қилди чиқиб зулмат қаъридан,
Кумуш нурлар синди ғариб юзида.
Парчалари сачраб келиб дафъатан.
Макон қурди туйғуларим кўзида!..

ҚАЙҒУЛИ ХОТИРАЛАР

Кўнглимнинг бир буржида хўрсиниб қўяр оғир,
Бели синарга етган қайғули хотиралар.
Ўтган кунларни эслаб, оғир дардлари оғрир.
Ёруғ кунларни кутган қайғули хотиралар.

Сир тутарди мақсадин енг ичида пичоқлар.
Сир тугарди ишларин қайлардадир қайроқлар.
Хаёлимни тарк этмас элдин пинҳон сўроқлар,
Бир умр қонлар ютган қайғули хотиралар.

Ногоҳ ётар қисматин болиш айлаб бошига,
Орзу-умид кун кўрар нон бўктириб ёшига,
Тиши бир-бир тўкилди, чидолмай бардошига,
Суяги эриб битган қайғули хотиралар.

Хотиралар жой топмай жонимга қурди макон,
Агар бир дам қолса, сабрим қилар имтиҳон,
Шул боис Сафо Очил ўтмоқда элдин ниҳон,
Билмам, ё умри битган, қайғули хотиралар.

(ҲАЗИЛ)

Яқинларда кимга ҳам,
Қариман деб айтибман.
Энди билсам чунонам,
Ёшлигимга қайтибман.

Вале ёшлар келарми,
Кириб менинг гапимга.
Шу кунлар қўшиларми,
Паризодлар сафимга.

Кўкдан момақалди роқ,
Арава қўшиб келар,
Ичидан сим-сим, оппоқ,
Орзулар тушиб келар.

Орзулардан кўкарар,
Майсалардай келажак.
Келин саломин айтар,
Умид отлиқ келинчак.

Киприги майса-майса,
Қизлар, келинг, кутаман.
Келиб, ким мени суйса,
Ўшани деб ўтаман.

Менга шеър бағишла, дединг,
Шеърларим айлансин сендан
Сўнгра хандон отиб кулдинг,
Кулгинг бўса олсин мендан.

Кулгичинг сеҳргар мунча,
Айлар мени сархуш-сархуш.
Дудоғинг мисоли ғунча,
Дудоғимда кўрарди туш.

Дилбари жони-жаҳоним,
Айтмоқ сўзимни фаҳм айла.
Васлингга етмоқ армоним,
Ёлғиз жонимга раҳм айла...

Менга шеър бағишла, дединг,
Шеърларим айлансин сендан.
Сўнгра хандон отиб кулдинг,
Кулгинг бўса олсин мендан.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАР ҲАВАС

Орзуларим ўлик каби ётибди, уйғоқ
Умидларим ҳамон кўкда офтобдай порлоқ.
Тирик экан нималарни тусамас кўнгил,
Кўнгилларни шод айламоқ фикримдир бироқ.

Орзуларим, умидларим билан тирикман,
Улар ила эгизакдир ҳар бир тирик тан.
Ҳаёлимда ёрқинлашиб улуғ истиқбол,
Йилдиримдай чақнаб кетди кўзлар дафъатан.

Йилдиримнинг заррасида умрим ёлқини,
Гулдураклар нафасида ҳурлик талқини.
Таъмирланиб йўлга чиққан умид кемасин,
Чайқаб кўяр гоҳи эзгу хаёл тўлқини.

Кема ичра кетар беун борлигим бекас,
Қайғуларим уммонида ёлғиз муқаддас.
Хуррам кўрсам элу юртим, эй Сафо Очил,
Вақти келиб ҳақиқатга айланар ҳавас...

Дардим, ғамим кўзларимда омонат,
Қийнар ногоҳ кипригимга тиралиб,
Гумроҳ қисмат доим қилиб хиёнат,
Юргизмайдир оёғимга ўралиб.

Нафас олдим тутун билан оловдан,
Ичимни куйдириб ўтди тилимга.
Тишим жизғанақдир, алғов-далғовда,
Тополмасман тополмаган йўлимни.

Азоблардан, ғазаблардан ҳаттоки,
Тирноқларим оғрир, сочларим оғрир.
Йиғлоқи асабим тарангдир токи,
Ахир. елкам узра ҳаволар оғир.

Юрагимдан туйғуларим олдилар,
Бир чеккада чекаман қайғу.
Руҳ бошига не кулфатни солдилар,
Девор ёригида инграйдир туйғу!..

СЎЗЛАШДИК

Юзма-юзмас, сим орқали сўзлашдик,
Тарқаб кетди юракдаги қайғулар.
Гўё бизлар қўл ушлашиб юзлашдик,
Қанот ёзиб, қанот қоқди орзулар.

Ғазаб кетар эшитсам гар овозин,
Қароматли севгими бу, ёронлар,
Қўтараман ёримнинг ҳар бир нозин,
Ардоқлайман уни мангу, ёронлар.

Сездим латиф сўзларинда ҳаяжон,
Кўрибди у мени кеча тушинда.
Кеча-кундуз талпинаркан мен томон,
Демак, борман унинг ақлу ҳушинда.

Қийналурман сочинг каби тўлғониб,
Кел, кел, жоним, кутмоқдаман энтикиб,
Тонгни тирнаб отқизаман уйғониб,
Ўтирибман йўлларингга кўз тикиб.

СЎҚМОҚ ВА ИРМОҚ

Оппоқ ҳарир кўйлак кийган чўққига,
Қирлар ошиб битта сўқмоқ борадир.
Кўксин тутиб чўтир тошлар тиғига,
Кўнгил отлиғ ҳорғин ирмоқ борадир.

Чўққининг пойига бош кўйиб сўқмоқ,
Йўл топди нятин этишга ошкор.
Вале йўл тополмай бечора ирмоқ,
Бир умр ер бағрин этмиш ихтиёр...

Кутиш оғир дард —
Юракка санчилган пичоқ.
Рухдаги оғриқ —
Умрни ейишга эгов.
Ёр кечикиши —
Ёр пичоғи учун қайроқ,
Ўлиб кетсанг-да —
Ҳолингни сўрамас биров.
Кутиш дардига
Бўлдим шекилли мубтало.
Қайдан топгайман энди
Унинг шифосини.
Найлайн, ахир,
Майли, қилса қилсин адо,
Майли, ўлдирсин
Ёлғиз ғариб сафосини...

КУТИШ

Қил кўприқдан ўтган мисол,
Бу дунёдан ўтмоқдаман.
Қисматларим кулди хиёл,
Қисматга шеър битмоқдаман.

Қуёшни кўп кўрди булут,
Зиёга зор танда туғён.
Ўтган кунлар бўлмас унут,
Унутиш эмасдир осон.

Дўстим, осон тутма менга,
Қош қиличим қайрилибдир.
Эй юрак, айтайин сенга,
Руҳим тандан айрилибдур.

Руҳим урди тоғларга бош,
Тош юзида изи қолди.
Шафақлар беролмай бардош,
Қип-қизил рангга бўялди.

Мисраларга кўчиб оҳим,
Жисмим қоришди тупроққа,
Буюрса агар Оллоҳим,
Жон бағишлар ҳар бутоққа.

Қил кўприқдан ўтган мисол,
Бу дунёдан ўтмоқдаман.
Оғир қисмат кулди хиёл,
Қисматга шеър айтмоқдаман.

Тандан ювиб тақдир шўрин,
Сел оқарди, дийдамдан сел.
Олиб кетди кўзлар нурун,
Кел, дўстим, дардим сўзлай мен.

Пешонамда шўр доғи бор,
Қора рангга бўялди у.
Қанча артмай такрор-такрор,
Босиб келаверар қайғу.

Кўриб турар юрак кўзим,
Ҳасрат, қайғу соҳибларин.
Оллоҳ бергай ўзи тўзим,
Гоҳ тергаб ҳақ рақибларин.

Кўзларим нурын булутлар,
Бир-бир ўраб ғалтагига,
Қора мато тўқиб улар,
Тўшаб олишди тагига.

Кўп ўксиниб ўй сурарман,
Безиб шум тақдир дарсидан.
Нажот кутиб кун кўрарман,
Ерда Оллоҳ соясидан!

Қил кўприкдан ўтган мисол,
Бу дунёдан ўтмоқдаман.
Қисматларим қулди хиёл,
Уларга шеър айтмоқдаман.

УМИД ДОСТОНИ

Бир умр изладим мен сени,
Оёқ яланг чопиб ҳарёна.
Бўлганман кўп қизлар мафтунни,
Тан оламан барин мардона.
Ҳеч биридан кўнглим тўлмагач,
Бўлиб кетар эдик бегона.
Ишқим ўз ҳолимга қўймагач,
Довруғ солдим жумла жаҳона.
Кимнинг ишқи эди билмасдим,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.
Хаёлан ёнингдан жилмасдим,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.

* * *

Бир умр изладим мен сени,
Бўлиб шоир, гоҳи муаллим,
Юртни тутди оҳим тутунни,
Тутқич бермас эди ул золим.
Совчи қилиб юбордим унга,
Ишонч билан шеърларим доим.
Кулиб боқсин бахт-иқбол менга,
Рад жавоб келмасин илойим.
Оҳу-зорим муаллақ қолди,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.
Рухим қора қонга бўялди.
Умидим, Умидам, орзу-умидим.

* * *

Бир умр изладим мен сени,
Шаҳарлардан ва қишлоқлардан.
Ёзилмасди кўнглим тугунни,
Фарёдлардан ва ингроқлардан.
Мотамсаро эди юрагим,
Муҳаббат солган қайғусидан.
Ҳеч кимга йўқдир ё керагим,
Воз кечайми ёр орзусидан.
Йиғлай-йиғлай кўзлар кўр бўлди,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.

Севгим ўрта йўлда хор бўлди,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.

* * *

Бир умр изладим мен сени,
Тополмасдан юрдим жон ҳалак.
Ҳарён учди кулим кукуни,
Юз беркитди осмону фалак.
Булутларга айланди руҳим,
Ва сўнг сим-сим ёмғир ёғарди.
Ниҳол бўлиб унди шукуҳим,
Сени излаб ҳар ён боқарди.
Йўқдир асло сенинг қиёсинг,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.
Қонимдадир муҳаббат созинг,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.

* * *

Бир умр изладим мен сени,
Кўмак истаб илм бўстонидан.
Тарк этмасдан ўзинг ҳам мени,
Нур таратдинг ишонч тонгидан.
Кўз олдимда шарпанг сервиқор,
Кўнглим олиб қочар хаёлинг.
Яқинроқ кел кўрсатиб рухсор,
Кўзларимда қолсин тимсолинг.
Сен бўлиб кўринсин бу жаҳон,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.
Дардимни айтайин, бер имкон,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.

* * *

Бир умр изладим мен сени,
Озор кўриб шумғиялардан.
Ялиниб-ёлвордим ҳар куни,
Мадад сўраб авлиёлардан.
Оллоҳимга қилдим илтижо,
Тилаб доим сенинг васлингни.

Ниятим бўлсайди жобажо,
Куйлардим тинмасдан васфингни.
Васлимиздир Оллоҳ неъмат,
Умидим. Умидам, орзу-умидим,
Васфимиздир Оллоҳ неъмат,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.

* * *

Бир умр изладим мен сени,
Шукр, мискин бағримга келдинг.
Суюнчигим, севгим устуни,
Қўз қувнатиб, ўйнадинг-кулдинг.
Оллоҳимга етди нолишим,
Жоним, энди қўймагил ёлғиз.
Сўзлаб берар ҳар кун болишим:
„Фақат сенга лойиқдир шу қиз“.
Бир кам дунё экан бу дунё,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.
Ташлаб кетдинг такрор, алвидо,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.

* * *

Бир умр изладим мен сени,
Ҳамроҳ бўлди сабру-қаноат,
Оламда йўқ бағри бутуни,
Керак экан метин матонат.
Кўксим безар мангу ярқираб,
Муҳаббат аталмиш бир нишон.
Юргайлар оқ ювиб, оқ тараб,
Келганида ажойиб замон.
Мунғайиб ўтирма панада,
Умидим, Умидам, орзу-умидим.
Кўкрак кериб юргил янада,
Умидим, Умидам, орзу-умидим!..

ЯРАДОР БУРГУТ ПАРВОЗИ

Жаҳондаги барча халқларни тенг кўриб, суйган ва инсонларни ҳалокатга элтувчи баднафслик, худбинлик, ёвузлик, такаббурлик, жабр-зулм қилиш одатларидан қуйган Шарқ алломаси Жалолоддин Румий машҳур „Маснавийи маънавий“ асарида бундай ҳикоятни келтиради. Бу ҳикоятда қозонда оловдан биқирлаётган қайноқ сувда гоҳ сақраб, гоҳ чўкаётган нўхатнинг шикоятни берилган. Бечора нўхат ўй бекасига ҳасрат қилиб, „Эй, бека. наҳотки мени бозордан уйга олиб келиб. шундай азоб бериш учун сотиб олган бўлсанг?“ — дейди. Уй бекаси нўхат остидаги оловни баландлатиб: „Хафа бўлма, сени яхшилаб қайнатмаса, ширин бўлмайсан, сен шошмасдан, узоқ қайнашинг, зарарли моддалардан тозаланишинг керак“, — дейди. Яна айтади: „Сен аввал, яшил далаларда сув ва қуёшни эмиб, думбуллик чоғингда сарғайиб пишишни орзу қилгансан ва қозонда қайнаш учун ўсиб етилгансан!“

Мутафаккир бу ҳикоятда жамият ҳаётида ҳали гўр ёшларнинг ҳаёт ноз-неъматларидан, булоқларнинг зилол сувларидан, қуёшнинг норлоқ нурларидан симириб, охири етук инсон бўлиб, ватани учун, халқи учун, адолат ва ҳақиқат учун жони қуядиган бўлиб етишувига ишора қилади.

Беғубор болалик чоғларида, ўсмирликда синфдош қизларнинг сочларидан тортқилаб, йигитликда куч-қувватини кўрсатиб, дўстларига садоқат билан яхшилик қилиб, муҳтож дўстларининг ёруғ кунларига етишга кўмаклашган, Урганч Олий илмгоҳида хорижий тиллар факультетида кафедра мудири бўлиб, базми-жамшидларни, шеър ва мусиқани севиб, яйраб яшнаган Сафо Очилнинг ҳаёти ҳам етуклик йилларида миллат душманларининг жабр-зулми, дўстларнинг шафқатсиз хиёнати, таъқиб ва қувғинлар каби машаққатларга тўлиб-тошган эди.

Акс-садолари Хоразм қишлоқларигача етиб келган Иккинчи жаҳон урушининг ғам-қулфатларини эса Сафо Очил дунёга келиб, кўз очган вақти — чақалоқлигидан кўра бошлади. Закий шоир Фафур Фулом айтганидек, гарчи ўзбек

далаларида фашист деб аталган „аждар ҳалқумли лаънати девларнинг қаҳҳаси йўқ“, аммо очдан ўлмаслик учун бир неча бошоқ излаётган гўдакларнинг бошида коммунистик мафкура малайларининг қонли қамчиси ўйнайди...

Эндигина қатағонлик жабр-ситамларини бошидан кечириб, маънавияти ва маърифатидан, фузолаю уламоларидан айрилган ва яхшироқ турмушга умидвор халқ яна оғир кулфатга рўбару келди. Советлар иттифоқининг халқаро фашизмга қарши олиб бораётган уруши ўша иттифоқ таркибида бўлган Ўзбекистонни ҳам ўз домига тортди. Дарҳақиқат, ўзбек халқи ҳам шўролар, ҳам фашизм истилочиларининг қабиҳ хатти-ҳаракатидан чексиз озор чекарди.

Ўзбекистон уфқи қон каби қип-қизил. Кўкда оқиб ўтаётган оппоқ, ҳарир булутлар ҳам бора-бора ол рангга бўяларди.

Одамларнинг юраги тилим-тилим, юзлари ғамгин, ўзлари ҳорғин. Кўпгина оилаларда мотам. Кишилар қалбида нафрат ҳукмрон. Бироқ ҳали келажакка умид учкунлари сўнмаган. Шу боис улар кечани-кеча, кундузни кундуз демай далавларда меҳнат қилишарди. Дилларда самимий ва ўз аждодларининг армонларига муштарак орзулар яширин.

Худди ана шу оловли йилларда, мискин ва маҳзун тарихий даврда, 1942 йил 20 март куни Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги Кўнғирот қишлоғида истиқомат қилувчи Очил Жуманиёз ўғли хонадонида бир чақалоқ туғилди. Ота-онаси унга софлик ва тозалик, адолат ва ҳақиқат рамзи бўлсин деб, яхши орзу-умидлар билан Сафо исмини беришди. Очил оғанинг ростгўйлиги, бир сўзлиги Сафога ҳам ўтди.

Кейинроқ, адиб „Ёднома“ асарида ёзишича, чақалоқ Сафонинг боболари Худойберди полвон ва Жуманиёз полвонлар курашда елкаси ерга тегмаган, улар халқ ўртасида ҳар жиҳатдан машҳур бўлишган. Бироқ уларнинг совет даврида яшаган фарзандлари Очил Жуманиёз ўғли ва Раҳима Мадмин қизи (Сафо Очилнинг онаси) машаққатли умр кўришди.

Уч-тўрт ёшли Сафо тенгқур болалар билан ўйнайдиган даврида қашшоқлик туфайли тоғасининг уйида меҳнат қила бошлади. У сигир боқарди, тўйиб овқатланмасди, эғни бутун бўлмасди.

Ўша пайтда унинг отаси Очил бобо мактабда фаррош бўлиб ишларди. Беш ёшли Сафо отаси билан мактабга бориб, синфхонага кириб олиб, дарсларга қатнашарди. Уни жуда ёнлиги туфайли биринчи йили ўқувчилар рўйхатиغا кири-

тишмади. „Олға“ бошланғич мактаб мудирини ва ўқитувчиларини унинг тиришқоқлиги, фанларни яхши ўзлаштираётганлигини ҳисобга олиб, кейинги йил синф журнаliga исми-шарифини ёзишди.

Сафо „Олға“ бошланғич мактабини аъло баҳолар билан тугатгандан кейин ўқишни қўшни қишлоқдаги Охунбобоев номли етти йиллик мактабда давом эттирди. Умумий ўрта таълимни эса Богот туманидаги Наримонов номли ўрта мактабда тамомлади. У барча фанларни яхши кўрарди, айниқса, математика ва адабиётга ихлоси юксак бўлган.

Тақдир тақозоси билан Сафо 1958 йили Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтига келди, ҳужжатларини немис тили факультетига топширди. У немис тили, ўзбек тили ва адабиёти (оғзаки ва иншо) фанларидан кириш имтиҳонларини „беш“, география ва тарих фанларини эса „тўрт“ баҳога топширди.

Бироқ адолатсизлик туфайли Сафо Очиллов институтга резерв сифатида қабул қилинди. У пахта йиғим-теримига кетгунча илм олишга тиришқоқлиги ва ташналиги билан ўқитувчиларининг ҳурматини қозониб улгурди. 1958 йил сентябрь ойининг ўрталарида институт талабалари Оққўрғон тумани пахтазорларига олиб бориб ташланди.

Ҳамма талабаларнинг кўрпа-тўшаги бор эди, лекин Сафода ҳеч нарса бўлмагани сабабли кечкурунлари сомон орасида ухлаб дам оларди. Шунга қарамай, у ўзини кўрсатиш ва ҳурмат қозониш учун ҳаммадан бурун тонг билан далага кетарди. Ҳар куни 150–170 килограммдан пахта терарди.

Биринчи ўн кунликда Сафо Очиллов ҳаётида бахтли воқеа содир бўлди. Ун кунлик якуни муносабати билан ўтказилган факультет йиғилишида институт ректори Т. Мирсоатов пахтагача яхши ўқигани ва пахта компаниясида фаол қатнашиб, якка мусобақада институт бўйича биринчи ўринни олгани учун институтга ҳақиқий студент қилиб қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттирди. Давлат ҳўжалиги директори эса унга „Победа“ маркали соатни мукофот сифатида тантали равишда топширди.

Сафо Очиллов немис тили, ўзбек тили ва адабиёти фанларини пухта ўзлаштиришга интилди. У институтни тугатгач, Хоразм давлат педагогика институтига немис тили ўқитувчиси қилиб жўнатилди. У мазкур институтга ишга борганида чет тиллар ўқитувчилари рус тили кафедраси таркибида фаолият кўрсатарди. Бу эса С. Очилловга ёқмасди. Икки йилдан

сўнг у чет тиллар кафедрасини ташкил қилишга ҳаракат қила бошлади. Институт маъмурияти эса нима учундир унинг бу фикрига қарши туришди. Сафо эса шу фикридан қайтмай, аввал Тошкентга, сўнгра эса Москвага ёзма мурожаат қилди. Жуда катта қийинчиликлар натижаси ўлароқ, институтда чет тиллар кафедраси ташкил қилинди. 1966 йилда эса чет тиллар бўлими очилди.

Унинг бу жонқуярлиги бирор лавозимни эгаллаш эмас, балки вилоят ёшларига хорижий тилларни ўргатиш, халқнинг маънавий-маърифий таълим-тарбиясини кенгроқ йўлга қўйиш учун эди, холос. Халқнинг, миллатнинг иқтисодий, маънавий, маърифий ва маданий жиҳатдан равнақ топиши хорижий тилларни ўргатиш ва ўрганиш билан боғлиқ эканлигини у яхши биларди. Дарҳақиқат, Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, аз-Замахшарий, Алишер Навоий. Огаҳий сингари олиму шоирлар ҳам хорижий тилларни кунт билан ўрганишган ва ёш авлодга ўргатишни тарғиб қилишган. Шу боис С. Очиллов ўзининг маърифатпарварлик билан йўғрилган фикрида собит турди ва бунга эришди.

* * *

Сафо Очилнинг ижодини ўрганар ва таҳлил қилар экансиз, унинг лирик қахрамони ҳаёти ва турмушида турли воқеа-ҳодисалар содир бўлганига амин бўласиз. Шу маънода унинг „Ёднома“ китобини ўқиб чиқдик ва шоир-олим билан жуда кўп суҳбатлар қилдик.

„Ёднома“ бадий-педагогик, тарихий-педагогик эсселар мажмуаси бўлиб, муаллиф туғилган пайтидан 1978 йилгача ҳаёти ва фаолиятида бўлиб ўтган лавҳаю манзараларни тарихий-ҳаётий далиллар орқали ифодалашга интиланган. Дарҳақиқат, Сафо ҳаётида жуда кўп қийинчиликларни кўрган. болалиги, ўсмирлиги моддий қашшоқликда ўтган, собик шўро тузуми даврида партия раҳбарлари зулмига учраган инсон-ижодкор.

Шоир ва олим Сафо Очилнинг ҳаёти ва турмуш тарзи ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш ва фикр ҳосил қилиш учун унинг босиб ўтган ҳаёт йўлидан айрим лавҳалар билан таништиришни лозим топдик.

Қиш пайти қишлоқ ўртасидан ўғадиган канални қазишда Сафонинг отаси Очил ота ҳам бор эди. Уч ёшли бу болани

уйда ёлгиз қолдириб бўлмагани учун отаси уни ўзи билан олиб борарди. Панароқ жойда ўтин ёқиб, чўғлар орасига чўян қумғонларни қўйишарди ва шу йўсинда сув қайнатиб, чой дамлашарди.

Бир куни денг, қазувчилар чой ичишиб ўтирган кезде уч ёшли Сафо ухлаб қолади. Ҳамма иш жойига кетишади. Кейин бироз шамол туради ва боланинг пахтали куртаси (курткаси) ёна бошлайди.

Сафо аъзою бадани пишиб уйғониб, яқин ерда жойлашган уйга қараб чопади. Куртаси шамолда ловуллаб ёнарди. Уйда ўтирган кампир боланинг куртасини тез ечиб ташлаб, дарҳол намоқобга чўмилтиради. Кампир уни ўлимдан асраб қолади.

Сафо иккинчи синфда ўқирди. Олти ёшда. Қишда қаттиқ совуқ бўларди ва қор шундай қалин ёғардики, ўнқир-чўнқирлар, ариқчаларни фарқлаб бўлмасди. Ҳаммаёқда теп-текис қор кўринарди. Дарслардан сўнг уйига ёлгиз келаётган Сафо бирдан ариққа тушиб кетади. Унинг усти юпун, этиклари йиртиқ, совуқдан қор остида даг-даг қалтирарди. Қанча ҳаракат қилмасин, у қор остидан чиқолмади. Бадани қотиб қолади, ҳушидан кетади.

Мактабдан келаётган муаллим қор остидаги Сафони кўради ва уни кўшни хонадонга олиб киради. Уй эгаси ва муаллим болани кигизга ўраб анча думалатишади. Шундан кейин Сафо қайта тирилади.

Сафо 1958 йили адолатсизликка учраб, ўқишга қабул қилинмаганида руҳан эзилади. Ноҳақликка чидай олмай қийналади. Уйига қайтиб кетишга уялади. Қишлоқдошларининг айтиши мумкин бўлган „билими йўқлиги учун киролмади“ деган сўзларидан номус қилади. У ёшлигида ҳам ориятли, мағрур бўлган. Шунинг учун Сафо ўзини трамвай остига ташлашга қарор қилади. Лекин унинг бу хатти-ҳаракатини, руҳий ҳолатини институт ходимларидан кимдир сезиб қолади ва уни ректор Т. Мирсоатов қабулига олиб киришади.

Шундан сўнг ректор имтиҳон варақаси ва ҳужжатларини синчиклаб текширади. Адолатсизлик аниқлангандан кейин у институтга резерв сифатида қабул қилинади.

Сафо биринчи курсда пахтага кетади. Резерв бўлгани учун унга ҳеч қандай кўрпа-тўшак берилмайди. Совуқ туш-

ганда у тунлари шолни йиртиб, тагидаги сомон орасида ухлайди. Совуқ эса ўз кучини кўрсатади ва Сафонинг ўпкаси шамоллаб қолади. У иситмаси бўлса ҳам пахта териб юраверди, буни ҳеч кимга билдирмасликка уринди. Лекин у бора-бора ҳолдан тойди, ўрнидан туролмай қолади. Оккўрғон тумани касалхонасида ётади, кейин Тошкентга жўнатишади.

У жуда иродали. Ҳар қандай қийинчиликдан ўзини устун қўяди. Сафо доимий равишда спорт (бокс) билан шуғулланади ва ўзини ўнглаб, соғлиғини тиклаб олган.

Сафо иккинчи курсда ўқиб юрганида 1-2 соат дарсга бормасди. Чунки ўша соатларда (дарс жадвалига) КПСС тарихи дарси қўйиларди. Бу фанда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёга тегишли тарихий далиллар бузиб кўрсатилганди.

Курсдошларидан бири КПСС тарихидан маърузаларга келмайди деб, уни деворий газетада танқид қилади. Сафо эса қизиққонлик қилиб, ўша деворий газетани йиртиб ташлайди.

Кейин институт партия ташкилотининг котиби Чикорин уни кабинетига чақириб олиб, „Колхозный баран“ деб ҳақорат қилган, Сафо бўлган воқеани ётиғи билан тушунтиришни, шу фандан имтиҳонларни доимо „беш“ га топширганини айтмоқчи бўлган. Охири партком котиби йигитнинг гурурини оёқ-ости қилгандан сўнг Сафо унинг шовинист эканлигини юзига айтган.

Чикорин эса Сафога сиёсий айблар қўйган, уни Ватан ва партия душманига айлантирган, ҳукуматга қарши яширин гуруҳ аъзосига чиқарган. Бунга унинг КПСС тарихи дарсларига келмаслиги, деворий газетани йиртганлиги далил, сиёсий айб қилиб кўрсатилган ва Сафо институтдан ҳайдалган. Ҳолбуки, у ҳеч қандай йиғилишда муҳокама қилинмаган, партия аъзоси ҳам бўлмаган.

Сафо бошига оғир дард тушган, руҳан эзилган. Бундай ҳолатнинг иккинчи такрорланиши эди.

Қандайдир мўъжиза содир бўлиб, Сафо яхшиларнинг марҳамати билан яқиндагина Марказкомнинг биринчи котиби бўлиб сайланган Шароф Рашидовнинг қабулига киради. Шу мўътабар инсон Сафога ўқишни қайта тиклашга ёрдам берган.

70- йилларга келиб, Хоразмда ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий иқлим ёмон томонга ўзгара бошлайди. Обком-

нинг биринчи котиби вилоят идоралари, ташкилотлари ва муассасаларнинг биринчи раҳбарларини ишдан олиб, ўрнига ўзининг яқинларини, ҳамқишлоқларини тайинлайди. Ҳамма жойга айдоқчиларини ташлайди. Маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик авжига чиқади.

Маълумки, ўша даврларда республика ва вилоят партия кўмиталарининг иккинчи котиблари рус миллатига мансуб шахслар бўларди. Хоразмда эса туман партия кўмитаси иккинчи котиблари қилиб вилоят раҳбарининг туманидан келган шахслар, ошна-оғайнилари қўйилган.

Натижада, адолатсизлик, ёвузлик, разиллик, порахўрлик, сотқинлик, кўзбўямачилик илдиз отган. Ҳақиқатчи юртпарвар, миллатпарвар инсонлар обрўсизлантирилган, қувғин остига олинган.

Сафо Очил ижодкор сифатида обкомнинг биринчи котибига уни эгри йўлдан қайтариш ниятида икки марта очиқ хат ёзган. Шундан сўнг унинг пешонасига „иғвогар“, „юмалоқ хат ёзувчи“, „жанжалкаш“ деган тамғалар босишди. Бу хилдаги фисқу-фасод дастлаб бутун воҳа, кейин республика бўйлаб тарқатилди.

Вилоят раҳбарининг гумашталари Сафо Очилнинг изига астойдил тушишди. Ҳатто унинг ижодига, илмий ишларига ҳалал беришга бел боғлашди.

70-йиллар бошларида Обкомнинг мажлислар залига 400 нафарга яқин киши йиғилган бўлиб, улар собиқ шўро ва комфирқа мафкурасининг фаоллари, шоир, ёзувчилар эди. Ўша вақтда „Ёш ижодкор зиёлилар билан ишларни яхшилаш тўғрисида“ қарор чиққанди. Бу йиғилиш ҳам шу масалага бағишланган. Обком котибаси маъруза қилиб, Хоразм адабий муҳити, ёшлар ижоди, адабиёт ва санъат равнақи ёхуд камчиликлар тўғрисида аниқ фикр билдира олмаган. Маъруза жуда зерикарли, мақсади ноаниқ, мавҳум бўлган.

Сўзга чиққан партия ходимлари, ижодкорлар обкомни мақташ, партиyani улуғлаш, аллақандай мавҳум „ғамхўрликлар“ни кўрсатишга ҳаракат қилишди. Сафо Очил ҳам сўз сўраб, раёсатга (раҳбарларга) илтимоснома жўнатади. Раислик қилувчи амалдор залга қараб, „Сафо Очил сўз сўра-япти, фикрингиз...“ дейди. Залдан эса „Сўз берилсин“ деган овозлар келган. Раислик қилувчи эса уни намоийшкорона сўздан маҳрум этган. Сафо бунга ўзига нисбатан ҳақорат деб қабул қилган.

Мажлис охирида раислик қилувчи „Мажлиснинг ўтиши ҳақида фикрингиз?“ дейиши биланок, Сафо Очил ўртага отилиб чиққан ва раёсатга қараб шундай деган: „Эй, обкомчилар, партократлар, аппаратчи коммунистлар! Бу мажлиснингиз бир тийинга қиммат. Чунки уни хўжакўрсинга ўтказдинглар. Мен бир оддий ижодкор сифатида бу йиғилишингизни тан олмайман. Шунинг учун зални ташлаб, чиқиб кетаман, эй, аппаратчилар“. Ва Сафо Очил залдан чиқиб кетган.

70- йилларда обкомга, партия раҳбарларига қарши гапириш умуман мумкин эмас эди. Сафо Очил эса адолатсизликка, лўттибозликка, ошна-оғайнигарчиликка чидай олмади.

Шу воқеадан сўнг Хоразм Давлат педагогика институтининг олмон тили кафедраси мудирини, олим ва шоир Сафо Очил бошига бирин-кетин тухмат тошлари ёғила бошладилар. Уни порахўр сифатида қўлга туширишмоқчи бўлишди, эплэй олишмади, чунки у бундай жирканч ишдан номус қиларди. Ахлоқи бузукроқ қизлар орқали бир балога гирифтор қилишмоқчи эдилар. Бироқ уддалай олмадилар. Уни заҳарлаш пайига тушдилар. Ўта синчков, сергак Сафо Очил бу қабиҳликларни ҳам олдиндан сезиб қолган ва ёвуз ниятларга чап бериб кетган.

Машинаси олдига бир мастни итариб юборишган. У машинани яшин тезлигида четга буриб юборган. Ҳалиги маст одамга ҳеч нарса бўлмаган. Ва яна бошқа машина ҳалокатларини уюштиришган. Бироқ Сафо Очил ҳамини хушёр бўлган.

Раҳбар-амалдорлар бу йўллар билан ўз ёвузлигини амалга ошира олмагач, у раҳбарлик қилаётган кафедра ишларини текшириш орқали хато-камчиликлар топишга уринишган. Сафо эса ҳамини ўз ишига пухта бўлган, ишни доимо тегишли қоида ва йўриқномалар талаблари асосида бажарган.

Амалдорлар Сафо Очилнинг хизмат вазифасидан бирор нарса тополмагач, унинг устидан имзосиз хатлар уюштиришган. Шу хатга асосланиб, унинг уйида, акаси ва қариндошлари уйида текширув-тинтув ўтказишган. Ҳеч нарса топиша олмаган, чунки Сафо Очил ўта қашшоқ яшарди. Унинг камбағал яшашини ҳамма биларди. Лекин бу тухмат ишлари унинг вилоят халқи олдида, жамоатчилик олдида обрўсини тушириш мақсадида олиб борилди.

Вилоят раҳбарлари бу билан тинчимадилар. Айрим „кўнгли буш“ ижодкорларни қўлга олишди, унинг шеърларидан кир изланди.

Шу „изланиш“ лар натижаси ўлароқ, собиқ компартиянинг „Муштум“ журнали (1977 йил 13- сони)да „Кўзингни оч, Сафо“ сарлавҳали фельетон-мақола босилди. Унда шоир шеърлари бузиб таҳлил қилиниб, С. Очилга сиёсий ва мафкуравий айблар қўйилиб, уни „судга бериш“ талаб этилган эди.

„Ўқитувчилар газетаси“ (ҳозирги „Маърифат“) ни варақлар эканмиз, „Сафо Очил кўрган жабр-ситамларнинг юздан бирини ҳам айтмаган. Шоирнинг уй қамоғида ётганини ҳам эшитганмиз... Уни „Муштум“ мажалласида ёзиб, халқ ўртасида обрўсини тўкмоқчи бўлишди... Қанча қийинчилик бўлмасин, у ўз фикридан, элга манзур бўлган тўғри ва одилона йўлидан қайтмади. Шунинг учун Сафо Очилни ҳозир ҳам хоразмликлар қаттиқ ҳурмат қилишади“ (1989 йил 6 август сони) каби сатрларни ўқиб қолдик. Бу фикр хоразмлик кекса ўқитувчи Йўлдош Ҳожиевнинг газетага йўллаган хатидан олиб босилган экан.

Кейин шоир ва олим Тошкентга қочиб келди. Истеъдодли марҳум шоир Асқар Қосимов ва камина уни олим Наимхон Норқуловнинг ижарада яшаётган уйига яшириб қўйдик. Чунки ёвузлар уни излаб юришарди. Хуллас, аллақандай мўъжиза туфайли у эсон-омон қолди. Худо асради.

Сафо Очилни институт раҳбарияти, дўстлари, шаҳар партия кўмитаси ходимлари коммунистик партияга киришга кўп бор даъват этишди. Ва ҳатто „партия аъзоси бўлмасанг, кафедра мудири лавозимида туролмайсан“ деганларида ҳам у компартия сафига кирмади.

Бироқ „Муштум“ нинг июнь ойида чиққан ўша даҳшатли мақола муҳокамаси (партбюрода) саккиз ой давом этди. Партбюро аъзолари унга „Муштум“да айтилган далилларни тан ол, шўро тузумини, партияни ёмон кўришингга иқрор бўл. Шундан кейингина тинч яшайсан ва ишлайсан“ деган талабни қўярди. Сафо Очил эса ўша таклиф ва талабларни рад қиларди. Бошланган ҳар бир мажлис икки-уч кунлаб давом этарди. Сафо эса ўзини мағрур тутар, саволларга ҳам ҳуқуқий, ҳам мафкуравий, ҳам мантиқий жиҳатдан ўзини ҳимоя қилган ҳолда аниқ ва равшан жавоб берарди. Партбюро Сафога қарши йиғган „далил“ларни исботлай олмаса-да, уни ишдан ҳайдаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарор ректорга топширилди. Ректор эса аввалига бу қарорга эътибор бермади ва у Сафо Очилнинг ҳалоллиги, тўғрисиўзлиги, адолатпарварлиги ва ҳақиқатпарварлиги, яхши

Ўқитувчилиги ҳамда у раҳбарлик қилаётган кафедра ишларида камчилик йўқлигини ҳисобга олиб, уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқармади. Партбюро аъзолари ва ўша пайтдаги обком котибаси ректорга тазйиқ ўтказиб, ишдан четлатиш тўғрисида буйруқ чиқаришга мажбур қилишди. Хуллас, Сафо Очил кувгин қилинди. Сафодан жуда кўп яхшиликлар кўрган баъзи дўстлари уни антисоветчи, миллатчи деб, „Муштум“ га ёздилар.

Ҳаёт ва турмушда кўрган бу қийинчиликлар, собиқ шўро тузумининг қабих мафкураси, партия раҳбарларининг ёвузона таъқиб ва тазйиқлари Сафо Очилга, унинг характериға (фёъл-атвориға) қаттиқ таъсир қилди. Аниқроғи, у ўжар кескин, ёмонликка ёмонлик билан жавоб берадиган, сал нарсаға жаҳли чиқадиган бўлиб қолди. Буни унинг ўзи бир шеърида шундай ифодалайди:

Оғайни!
Менга илиқ сўз айтсанг,
Сўзларинг ўпиб-ўпиб,
Тавоф этиб,
Меҳримга чайқаб
Суртаман юзимга.
Оғайни!
Менга агар тош отсанг,
Тошингни илиб,
Эзиб, эзгилаб кафтимда
Қум қилиб сепаман кўзингга,
Меҳрим ҳам, қаҳрим ҳам шу.
Борим ҳам. йўғим ҳам шу!
Бу — Менман.

Дарҳақиқат, Сафо тўғри ва яхши муносабатда бўлган кишини жуда қадрлайди. ҳурмат қилади, яхшилик қилганларға яхшилик билан жавоб беради. Ёмонликни раво кўрганлар эса унинг нафратига учрайди. У ҳеч қачон ва ҳеч қандай ҳолатда ҳам бировға эгилиб-букилиб ялтоқлик қилмайди.

Сафо Очил туғилган ва яшаган мустабид тузумни ва халқ бошиға кулфат келтирган қонли уруш даврини, моддий-қашшоқлик қийнаган, унга қилинган адолатсизлик ва ёвузликлар замонини атоқли рус адиби Александр Солженицин қаттиқ фош этган (Гулаг ороллари). Сафо Очил эса пўлатдек метин иродаси, тиришқоқлиги туфайли зулмат ичида йил-тиллаган нур бўлиб кун кўрди.

Шоирнинг феъл-атвори, руҳий кечинмалари унинг ижодига ҳам ўтган. таъсир қилганлиги табиийдир.

* * *

Сафо Очил серқирра ижодкор. У ижодии фаолиятини 1955 йилда шеър машқ қилишдан бошлади. Ёш шоирнинг ўша даврлардаги машқларида ҳам исёнкорлик ва курашчанликни кузатамиз. Бу руҳ унинг „Онам пахтакор“ (1955) шеърида намоён бўлади. У онаси тўғрисида „Ўтган йил кўп Пахта терди, Давлат унга Нишон берди, Пул бер, деса, Дерлар қоч-қоч, Бизлар эса Оч-яланғоч“ дейди.

Шеър бадиий жиҳатдан жуда юксак бўлмаса-да, мурғак боланинг мавжуд Шўро тузумига нисбатан норозилиги, исёни шундоқ сезилиб турибди. Ҳаёт ҳақиқати билан поэтик ҳақиқат уйғунлашиб кетган. Дарҳақиқат, колхозчи-деҳқонлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, кетмон билан ер чошиб пахта экишарди, парвариш қилишарди. Ҳалол, мардона меҳнат қилиб тер тўкишарди. Бироқ меҳнат ҳақи олишмасди. Шеърда шу ҳаёт ва турмуш лавҳалари ҳаққоний ифодасини топган.

Кейинчалик С. Очил „Умидвор қушча“, „Камалак ва сумалак“, „Бургут“ каби қатор шеърий тўпламлари орқали болалар шоири сифатида кенг танилди. Уларга жамланган шеър, кўшиқ, эртак ва дostonларнинг ғоявий мазмуни болаларни эстетик, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга йўналтирилган.

С. Очил қайси мавзуда ёзмасин, болаларни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Зеро, болалар учун ёзиладиган шеър оддий қофиялар тизмаси эмас, балки рамзий ифодалар, тимсоллар, рангто-ранг ўхшатиш ва муқоясалар силсиласидир, уйғунлигидир. Шу маънода шоирнинг „Куз“ шеъри ибратлидир:

Саргайган барглар,
Ерга тўкилди.
Гўзал чиройи,
Зум ўтмай сўлди.
Кимдир ёқипти –
Барглар жизиллар.
Ёниб чиқмоқда,
Охирги сўзлар...

Бу табиат манзараси. Ҳар бир нарсанинг охири. поёни бор. Дарахт шохида ям-яшил бўлиб, оламга чирой бахш этиб турган барглар сарғаяди, сўлади. Худди шунингдек, инсон ҳам ёшлиги ўтиб, қарийди, қартаяди.

Бутоғидан, танасидан узилиб тушган барг тимсоли Навоий ғазалларида ҳам учрайди. Лермонтовнинг „Эман барги узилиб тушди ўз бутоғидан“ деб бошланувчи шеъри ҳам шу мавзуда.

Алишер Навоий ёзади:

Бог мендек сарғайиб, булбул менингдек бўлди лол,
Гўё мундоқ бўлур бир гулдин айрилгонга ҳал.

Ердаги япроқ ғарибу хоксор ар бўлмаса,
Мен каби не важҳдиндур юзи сариг, ашки ол.

Сувга ким тушмиш қизаргон барглар, кўрган киши
Кўз ёшим ичра бағир паркаласи айлар хаёл.

Шоҳи Мажнундурки, урён бўлубон афғон қилур,
Барги Лайлидурки, нилу игна бирла қазди хол.

Хажр аро оҳимга боқмай борди, лекин шукр эрур.
Ким хазонда сарвга осеб еткурмас шамол...

Чунки, сарв доимо яшиллигини сақловчи арчанинг энг гўзал, ноёб турларидан бири, у игнабаргли ҳам, майда баргли ҳам. Яшил япроқ нақадар гўзал ва катта бўлса, шамол уни тезроқ узади.

Лекин, Навоий шоҳ-бутоғи, новдасидан узилган, хазон бўлган барча баргларга мотам тутади. Мир Алишер фавқулудда нозиктаъам ва заковат билан:

Бу чаман раънолари сарқашлик этгандин не суд,
Ким хазон тарожиддин эмин эмистур бир ниҳол.

Яъни, бу чаман режалари – ҳаёт боғидаги гулюз гўзаллар сарқашлик — ноз-фироқ қилишларидан фойда йўқ, чунки вақти келганда ажал шамолидан ҳеч ким жонини ва гўзаллигини сақлаб қололмайди.

Сафонинг шеъридаги барглар қисмати ҳам аянчли.

Тўкилган барглар ёки ёқиб юборилади, ёки тупроққа қоришиб кетади. Шеърда тасвирланишича, ёқилган барглар

жизиллаб ёняпти. Ёнаётган баргнинг жизиллаган овози инсоннинг охирги сўзига муқояса қилинганки, бу таъсирчан. „Ёниб“ сўзига икки маъно ўтда ёниш ва изтироб чекиш маънолари ортилган. Шу „ёниб“ сўзи баргни шахслаштиришга хизмат қилган.

Шоир „Кунгабоқар“ шеърисида баъзиларнинг лаганбардорлигига, иши тушганда эгилиб-букилиб туриши ва иши битгандан кейин эса халоскорига оёғи учини кўрсатиши тасвирланади. С. Очил, айниқса, қишлоқ манзараларини чизишга моҳир. „Хоразм манзаралари туркуми“ да боланинг Амударё бўйида ўтириб ўй суришлари ва ой чиқишини томоша қилиши, дарё қирғоғида кўшиқчи қушларнинг сайрашлари ва улар тўлқинларнинг ёқимли овозига жўр бўлиб кетиши, мажнунтолнинг кўшиқ айтиб кетаётган тўлқинларга сархуш тикилиб туриши ўз бадий ифодасини топган.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан кейин кўп йиллар давомида ўғил болалар „уруш-уруш“ ўйинини ўйнашарди. С. Очилнинг „Невара ҳикояси“ худди шу мавзуга бағишланган бўлиб, бола бобоси қабрига бориб, ўйинда содир бўлган бағритошлик, соткинлик, адолатсизлик тўғрисида ёниб сўзлайди.

Бу шеър олтмишинчи йилларда ёзилган бўлиб, унда инсон қадр-қиммати, оламдан ўтганларнинг қабрларини зиёрат қилиш, эслаш манзаралари акс этган. Лекин шеър ёзилган даврда ўлганларни эслаш, қадрини жойига қўйиш урф бўлмагани сир эмас. Шоир эса ўша пайтлардаёқ миллий қадриятларнинг тикланишини орзу қилган. Мустақиллик туфайли С. Очил орзуси жамол очди.

Лирик қаҳрамон – бола нимадандир изтироб чеккан ҳолда бобоси қабри олдига бориб, унга „тирилинг“. „туринг. бобожон!“ деб илтижо қилади ва дейди:

Бобожон!
Ёш келмоқда қуйилиб,
Сизникидай кўзимга,
Милтиғимни бераман,
Кирсангиз-чи, сўзимга!

Агар бобоси тирилса, у ўзининг энг севган ўйинчоғи-милтиғини ҳам бермоқчи. Бу бобосига чексиз ҳурматнинг ҳаяжонли нидосидир.

Бобоси ўрнидан турмагач, бола ўйинқароқ ўртоқларидан ва уларнинг қабиҳликларидан, шафқатсизликларидан сўзлайди:

„Уруш-уруш ўйнардик,
Салли, Комми, Отдилар.
Отгим келмай турсам ҳам,
Улар мени отдилар.

Бу ерда Салли (Солай), Комми (Комил), Отти эса (Отабой) исмларининг болаларча қисқартиб айтилишидир. Тўртликни таҳлил қилишга ҳожат йўқ, тушунарли. Бироқ 5-6 ёшли болаларнинг ички руҳи, ботиний ҳолати ҳаяжонли. Лирик қаҳрамон „Мен“ раҳмдил, бировга озор беришни истамайди. Салли, Комми, Отдилар эса унинг акси. Шеърда бадий антитеза (қарама-қарши қўйиб тасвирлаш) услуби ўз самарасини берган ва сатрларга таъсирчанлик бағишланган.

Сафо Очил кўпгина болаларбоп қўшиқлар ёзган. Унинг „Гул экаман“, „Тинчлик ҳақида қўшиқ“, „Қўшиқ айтайлик“, „Ўз тилим“, „Ота-она дуоси“, „Осмонимиз тиниқ бўлсин“ сингари шеърларига куй басталанган ва улар болаларнинг севимли қўшиқларига айланган. Қўшиқлар она-Ватанга, ота-онага, она-табиатга муҳаббат, боғлар яратиш, тинчликни сақлаш, она тилига эътибор бериш руҳи билан йўғрилган. Қолаверса, улар болалар қалбида маънавий-эстетик кайфиятни уйғотиш, келажакка ишонч руҳини шакллантиришга ёрдам беришга қодир.

Шоир масал жанрига ҳам қўл уради. Унинг масалларида ҳаёт ва давр ҳақиқати билан поэтик ҳақиқат уйғунлашгандек. Бу ерда шоирнинг ҳаётида рўй берган ажабтовур воқеа-ҳодисаларнинг таъсирини кузатамиз. Бу, айниқса, унинг „Илон ва типратикан“ масалида яққол кўзга ташланади.

Илон бошини юксак кўтариб, қўрқинчли қалтиратиб, „Қўрқишади мендан ҳатто Шер, Арслон. Қанча ёстиқларни Бир-бирдан қуритдим. Ёдимга не келса, Амримни юритдим“ дея аюҳаннос солади, гердаяди:

„Шу тоб қўйруғидан
Секин еб бошлади
Оддий типратикан...“

Ҳаётда амалга эришган айрим ноқобил мансабдорлар инсонларга нисбатан ёвузлик қилишади, обрўси юксалаётган, иқтидорли инсонларни обрўсизлантириш, гумашталари

ёрдамида уларга қарши тухмаг ва бўхтонлар уюштириш билан шуғулланадилар. Охир-оқибат эса ўзлари оёқ-ости бўлиб қоладилар. „Илон ва типратикан“ шеърига ёвузликнинг барбод бўлиши маъноси сингдирилган.

Болалар, одатда, эртақларни севиб ўқишади. Улар ўқини ва ёзишни билмаган гўдақлик даврида бувиларидан эртақ айтиб беришни сўрашади ва жон-дили билан тинглашади. Чунки уларнинг қахрамонлари турли-туман саргузаштларни бошдан кечиришади, болалар эртақ орқали ҳаётда кўрмаган воқеа ва ҳодисалар билан танишадилар. Эртақлар тили эса содда ва улар учун тушунарли.

Шоир Сафо Очилнинг эртақлари ҳам ғайри-табиий ҳодисалар, балиий тўқималарга бой. лекин ишонарли ва қизиқарли. Унинг „Бургут“, „Қалдирғоч ва бешиктерват“, „Нодир паҳлавон“, „Темирчи бобо ва бойўгли ҳақида эртақ“ сингари эртақлари ҳамда „Гавҳартош“ эртақ-достони шулар жумласидандир. Шоир эртақларида эзгулик ва ёвузлик, адолат ва хиёнат, яхшилик ва разолат ўртасидаги кураш, жасурлик, мардлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, Ватанга, халққа, ота-онага ва устозларга муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром мотивлари ўз ифодасини топган.

Хуллас, болалар шоири бўлиш учун уларнинг феъл-атворини, ички дунёсини, руҳини ва уларга хос бошқа хусусиятларни, ва ниҳоят, тилини яхши билиш лозим. Сафо Очилнинг болалар учун ёзган асарларини таҳлил қилар экансиз, шоирда ана шу салоҳият ва қобилият борлигига ишонч ҳосил қиласиз.

* * *

Кўшиқ ҳамиша одамларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлган. Чунки у ёмон ноҳуш кунларида ҳамдард ва маҳзун қалбига ором бағишлайди, яхши кунларида эса унга яна кўтаринки руҳ беради.

Шоир Сафо Очил 60- йилларнинг ўрталарига келиб кўшиқ ёзувчи шоир сифатида машҳур бўлгани ҳаммага маълум. „Айтсамми ё айтмасам“, „Нега уяласиз“, „Шайдо денглар“, „Гул сайлига бороласанми“, „Ширин“, „Яширма“, „Нозли-нозли“, „Ватанимни куйлайман“ сингари юзга яқин шеърлари куйланиб, республика бўйлаб кенг тарқалган. Шоирнинг шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар республика радиоси ва телекўрсатувлари орқали муттасил бериб турилади.

Шоирнинг лирик қаҳрамонлари Ватанни, табиат ва инсон манзараларини, соф муҳаббатни куйлашдан завқланади:

Инсон бўлсанг умрингда одамларни ранжитма,
Одамларни ранжитсанг сен қайда, инсон қайда.

Дарҳақиқат, инсон Оллоҳ яратган барча мавжудотлар ичида энг улуғ зот. Шунинг учун уни ранжитиш, хафа қилиш ҳеч кимга хуш келмайди. Мана, қўшиқда илгари сурилган фикр.

Биз тинглаётган айрим қўшиқ матнлари оддий, шунчаки қофиялар тизмасидан иборат бўлиб, уларда ҳеч қандай фикр, маъно ёхуд бадиий тасвир йўқ. Сафо Очил қайси мавзуда қўшиқ – шеър ёзмасин, фикрлар изчиллигига, бадиий мантиққа, тегишли маъно-мазмун барқарорлигига эътибор беради:

Денгиз тубида гавҳар,
Дарё излар дарбадар,
Кўзлар тўқнаш келганда,
Кўзларингни яширма.

Бу қўшиқ 60- йиллар охири, 70- йиллар бошида жуда машҳур бўлиб кетган эди. „Гавҳар“ севгили ёр, муҳаббатга, „дарё“ эса ошиқ йигитга муқояса қилинган. Қолаверса, шу тўртлик халқ қўшиқларидаги каби параллелизм (табиат манзарасини, ҳолатини, кўринишини инсон билан ёнма-ён қўйиб қийслаш) поэтик услуби асосига қурилган.

Ёки:

Менга тушса кўзларинг,
Қизаради юзларинг.
Мафтун этган сўзларинг,
Айтсамми ё айтмасам.

Эндигина балоғатга етган, юраги жўшқин ёш йигит муҳаббати бу. Чиндан ҳам ёш йигит бирор қизга кўнгли қўйса, унга ҳеч нарса деёлмайди, уялганидан, ҳаёсидан юзлари қизариб кетади. Қиз ҳам, йигитча ҳам шу ҳолатга тушиши табиий. „Кўзларинг“, „Юзларинг“ сўзлари шунчаки қофия бўлмай, улар шеърга муайян маъно-мазмун бағишляпти ва ички руҳий кечинмаларни ифода этишга ёрдам берапти. „Айтсамми ё айтмасам“ сатрида эса ёш ошиқ қалбларнинг ботиний ҳис-туйғулари акс этган. Соф муҳаббатга йўлиққан ҳаёли, ифбатли, ёши каттароқ кишилар ҳам шу ҳолатга тушиши мумкин.

Сафо Очил иқтидорли, изланувчан шоир сифатида танилиб, унинг „Айтсамми ё айтмасам“ (1989). „Муборак кунлар“ (1994) каби шеърий китоблари ўз мухлисларини топди. Шу ўринда бир нарсани айтиш лозимки, 1977 йилги таъқиб ва тазйиқлар, қувғинлардан сўнг шоир дунёқарашида, поэтик изланишида ижобий томонга силжишлар рўй берди. Ҳар бир фикрни рамзий ифодалар, бадиий тўқималар ва топилмалар орқали тасвирлаш кўзга ташлана бошлади. „Қайта қурайлик“ шеъридаги қуйидаги сатрларга эътибор беринг: „Қизиқ эди, шахматдаги ур-сурлар; шоҳ мотлиги, фарзиннинг кажравлиги, янги тикилган ўйиннинг барбодлиги, жонга тегди фирромлик, ташқарига чиқайлик“.

„Янги тикилган ўйиннинг барбодлиги! Жонга тегди фирромлик, ташқарига чиқайлик“ мисраларида лирик қаҳрамон ўша вақтдаги мавжуд тузумнинг барбод бўлишини орзу қилган, чунки ҳукм сурган фирромликлар унинг жонига теккан эди. Шунингдек, лирик қаҳрамон „Дим бўлиб кетди хона, Тоза ҳаво йўқ-ку, Йўқ!“, „Янги экин-тикинни бошлаб қўя қолайлик!“ дея баралла ҳайқиради.

С. Очилнинг қаҳрамони қанча қийинчиликлар кўрмасин, азоб-уқубатлар чекмасин, у ўта иродали ва келажакка ишонч билан яшайди:

Гулзор ичра кирсам, машмаша экан,
Гулни дер, оҳ уриб ошиғи – булбул.
Гарчи кўкси узра турса-да тикан,
Табассум айларди бағри қон бир гул.

„Гулзор“ – Ваган, „Гул“ – маъшуқа ва халқнинг вакили Халқ қанча эзилмасин, хўрланмасин, қўлидаги бор-бутини тортиб олишмасин, у жим юришга ва кулиб туришга мажбур эди.

Собиқ Шўро тузуми даврида Ваганини, халқини мустақил кўришни истаган, орзу қилган исёнкор шоирлар юракдаги гапларини монолог орқали айтиш йўлини топиб олишди. С. Очил ҳам шу поэтик усулдан унумли фойдаланди. Унинг „Аждодлар монологи“ туркуми шу фикримизнинг ёрқин далилидир.

Кези келганда бир далилни эслатиш керак. Собиқ шўро ҳукуматининг айрим маддоҳлари, содиқ хизматкорлари шоирнинг „Аваз Ўтар монологи“ шеърини „таҳлил“ қилиб

(„Муштум“ журнали, 1977 йил 13- сони), унинг бошига не балоларни ёғдирмадилар.

Чиндан ҳам 70 йил давомида халқ бошига қулфатлар ёғдирган замон бахтсиз эканки, у барбод бўлди. Ўша замон ҳақида шундай ёзади шоир:

Бахтсиз замон бахтиёри ёлғиз ўзим,
Ноласи-ю оҳи зори ёлғиз ўзим.

Ёки:

Қўл-оёғим занжирбанд
Ва урилмиш тилимга қулф,
Не кўринмиш кўзимга –
Ваҳимали мозор экан.

Ёки:

Замонким, бу бошима
Битмас ғавғо солибдир,
Шул сабабдин ангоким.
Нафратим кўзғалибдир.

Ёки:

Замон зулми оқизган кўз ёшларим,
Мисрам ичра дарё бўлиб оқмишлар.

Сафо Очилнинг лирик қаҳрамони ёрқин келажак умиди билан яшайди. Шоир унинг бу ҳис-туйғуларини шундай ифодалайди:

Сафо Очил, сургали келадир даврон гали,
Орзулар кўп напъали, ҳамиятлар бор учун.

Бу шеър мустақилликдан ўн йиллар олдин ёзилган. Дарҳақиқат, Сафо Очил орзу қилган замон ва даврон етиб келди.

Сафо Очил „Муборак кунлар“ (1994) шеърий китобининг муқаддимасида шундай ёзади: „Талабалик давримда, яъни 60- йиллардаёқ миллий халқлар учун мустақиллик сув билан ҳаво каби зарур эканини тушуниб етганман“. Ҳа, биз С. Очилни мустақиллик куйчиси дейишга ҳақлимиз. У даврда ёзган шеърларида мустақилликни орзу қилиш руҳи кўзга ташланса, мустақиллик тантанасидан кейин эса миллий истиқлолни баралла куйлаб келмоқда. Шунингдек, илмий ишлари ҳам миллий истиқлол ғоясига бағишланган (Бу ҳақда кейинроқ фикр юритамиз).

Сафо Очил асли 1941 йилда туғилган. У истиқлолни 50 ёшида қаршилади. Бу ҳақда у ёзади:

Эй, ёронлар, хароб угди эллик йил умрим,
Кўзимда ёш ила истиқлолима етдим.

Кўздаги ёш — қувонч ва соғинч ёшлари бу. Шу қувонч ила шоир истиқлолни тавоб қилади, кўзига суради:

Истиқлол боғин тавоблар айлар,
Лола баргидан гулоблар айлар,
Нўш қилинг, дея хитоблар айлар,
Шоир соғинган баҳор келибди,
Оқиб бахт тўла анҳор келибди.

Бу шеърлар шоирнинг мустақилликка қадар ўн йиллар олдин ёзган ва юқорида зикр қилинган „Келадур даврон гали“ мисрасининг мантиқий давоми ва ўша орзулар тантанасининг мадҳияси каби янграйди.

Сафо Очил ишқ-муҳаббат куйчиси. Унинг лирик қаҳрамони Ватан, халқ, муқаддас тупроқ, она-табиат, адолат, ҳақиқат, диёнат, эзгулик ва яхшилик туйғулари билан яшайди. Шунингдек, унинг ёрга ишқи ўтли, оловли, беғубор ва самимий, бироқ шунчаки ҳавас ёхуд ҳиссиёт эмас.

Қолаверса, Сафо Очилнинг ошиқ лирик қаҳрамони миллийликни севади, маъшуқасини шарқона ориятлар, номусли, иффатли, назокатли бўлиши билан бирга, унинг ташқи қиёфасининг-да миллий бўлишини орзу қилади. „Бошимда қирқ минг гавго бошланади. Сочлари ўрим-ўрим, қирқ ўрим. Қирқ минг аждарҳо бўлиб ташланди, Сочлари ўрим-ўрим, қирқ ўрим“. „Қирқ минг гавго“ ва „қирқ минг аждарҳо“ бўрттириш муқоясалари ёрнинг қирқ ўрим сочларига нисбатан бўлиб, ошиқ қалбидаги беқиёс ишқ туғени ва туйғуларининг самимий ифодасидир. Шоир „Не бошимда чарх ўриб юрибди, Ким тунни арқон қилиб ўрибди, Бўйнимда дорлар айлаб турибди“ дер экан, у сочларни тунга қиёслайди. Аслида тунни арқон қилиб ўриб бўлмайди, лекин бу шоирнинг фазовий-бадийий ҳамда хаёлий-бадийий тасаввуридир.

Сафо Очил ёр сувратини сўз орқали эҳтирос билан чизади:

Кўзим мардумин хол айлаб юзга,
Бахтим қаросин суртибди кўзга,
Яна қайрилмай кетади бизга,
Сочлари ўрим-ўрим...

Шоир кўз гавҳарини ёр юзидаги қора холга қиёслгани ҳолда, маъшуқа кўзининг тим қоралигини ишқ дарди билан ёнган қалб изтиробини („бахтим қароси“) га ўхшатади. Сафо Очил ошиқнинг кўз гавҳарини юзга хол қилиб, изтиробларини кўзга сурган ёрга сокинлик билан „Яна қайрилмай кетади бизга“ дея ҳайратланади.

Сафо Очил ёр лабларининг қизиллигини чуқур ва таъсирчан эҳтирос билан тасвирлайди: „Қонимни сўрган лаблари гунча“.

„Сочлари ўрим-ўрим“ шеъри қўшиқ вазни ва оҳангида битилган. Ҳақиқий қўшиқ матни шундай рамзийликка, ўхшатишларга бой бўлиши, шунингдек, ундаги маъно-мазмун теранлик касб этиши лозим.

Насрнавис сифатида Сафо Очилнинг ҳикоя ва очерклари республика матбуотида кўп чоп этилган. шунингдек, „Қалб гулшани“ (1992) деган китоби нашр қилинган. Бу жилдга адабнинг „Ёднома“си ва публицистик мақолалари жамланган. Уларда сиёсий ва ижтимоий муҳитнинг ўзига хос ранглари ҳамда хусусиятлари, баъзида жамоатчиликнинг айрим масалалар бўйича лоқайдлиги, баъзи раҳбарларнинг шафқатсизлиги натижасида рўй берадиган маънавийтсизлик, ва айни чоқда, маънавий нопокликка, лоқайдликка қарши кураш лавҳалари ёритилган. Асарда инсонлар ўртасидаги муомала-муносабатлар, турғунлик даврида фаолият кўрсатган яхши амалдорларнинг фазилатлари, нопок амалдорларнинг эса қабихликлари манзаралари чизилган. Шу маънода „Қалб-гулшани“ асарини тарихий-бадиий очерклар мажмуаси деб баҳолаш мумкин.

* * *

Сафо Очил фан майдонига 60- йилларнинг охири, 70- йилларнинг бошида кириб келди. У филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун „Немис поэзиясидан ўзбек тилига таржиманинг баъзи масалалари“ (Ҳайнрих Ҳайне шеърияти мисолида) деган мавзунини танлади ва тадқиқот ишларини бошлаб юборди. Таржима муаммоларига бағишланган қатор илмий мақола ва рисолалар эълон қилди.

Ўша даврда Фарб адабиётидан ўзбек тилига шеърий таржима муаммоси Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда умуман ишланмаган соҳа эди. Таржимашунослик фанининг бу соҳаси бўйича ҳеч қандай илмий тажриба бўлмаган. Қола-

верса, шеъррий таржима асарлари тўпланмаган ва бир тизимга келтирилмаган.

Ёш олим Ўзбекистон Республикасининг деярли барча марказий кутубхоналарида ва сўнгра Москва китобхоналарида қаттиқ ишлади.

Таржима асарларини йиғди ва уларнинг картотекасини тузди. 30- йиллар охиридаги кўпгина газета ва журналларни топиш мураккаб бўлди. Шунинг учун у Республика китоб палатасида ишлади, таржимонлар билан учрашди, суҳбатлашди.

Бу борادا Миртемир домланинг Сафо Очилга берган кўмагини эслаш керак. Устоз Миртемир Хайнрих Хайненинг кўпгина шеърларини ўзбек тилига ўгирган ва у 1940 йили „Лирик шеърлар“ номи билан чоп этилган. Бу китобга Хайненинг Ойбек таржимасидаги „Куллар кемаси“ ҳамда „Силезия тўқувчилари“ асарлари ҳам киритилган эди.

Сафо Очил „Немис поэзиясидан ўзбек тилига таржиманинг баъзи масалалари“ мавзудаги диссертациясини 1974 йилнинг апрелида ёқлади. ОАК Низомига кўра, иш ҳимоясидан кейин номзодлик диссертацияларга уч ой ичида жавоб берилиши лозим эди. Бироқ ёш олим бир йилдан ошиқ вақт мобайнида ҳеч қандай жавоб олмади. Уни Москвага, ОАКга таклиф қилишди. Сафо Очил устидан ифвогарона фикрлар ёзилган учта хат тушган. Шо боис у ўз тадқиқотини Москвада қайта ҳимоя қилди ва номзодлик дипломини олишга муяссар бўлди.

Кейинчалик Сафо Очил адабиётшунослик ва адабий танқидчилик билан жиддий шугулланди. Унинг „Муҳит, шоир ва шеър“, „Болалар шеърляти ва тарбия“, „Шеърлятда одиллик ва дадиллик“, „Кўшиқ ёзилди, кўшиб ёзилди“, „Кўзгудаги қора доғлар ёхуд кўчирмакашлик ҳақида“ сингари ўнлаб илмий, адабий-танқидий мақолалари „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“, „Ёш ленинчи“ (ҳозирги „Туркистон“), „Ўқитувчилар газетаси“ (ҳозирги „Маърифат“), „Совет Ўзбекистони“ (ҳозирги „Ўзбекистон овози“) каби газеталар ҳамда „Шарқ юлдузи“ журналида босилиб чиқди ва анча шов-шувларга сабаб бўлди.

Олимнинг адабиётшунослик, адабий-танқидчилик ва таржимашуносликка оид асарлари „Замин садолари“ (1985), „Орзулар кўкидаги шафақлар“ (1993) сингари китобларига жамланди ва чоп этилди.

Уларда муҳит (табиат муҳити ва ижтимоий муҳит) нинг шоир шахсига бевосита ва билвосита таъсири ва сўнгра шеърнинг туғилиш жараёнлари, шунингдек, уларнинг шоир иқтидори, салоҳияти, истеъдоди, ҳис-туйғуларининг даражаси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинган. Қолаверса, бир ижодкорнинг бошқа ижодкорга таъсири, шеърятдаги тақлидчилик, ўз-ўзини такрорлаш ва кўчирмакашликнинг ўзига хос кўринишлари (маъно-мазмунни кўчириш, сатрларни „тахрир“ қилиш ёхуд айнан сўзма-сўз, сатрма-сатр кўчириш) қиёсий таҳлил қилинган. Бу борада олим муросасозлик, келишувчилик ва юзхотирчиликдан ўзини тияди ва ўз фикрларини илмий далиллар асосида асослашга ҳаракат қилади.

Сафо Очил болалар шеърятни танқидчилигига бағишланган анча мақолалар ёзди. Уларда ҳозирги замон болалар шеърятни қандай бўлиши керак, унинг болалар онгига, тафаккурига, ҳис-туйғуларига таъсир этиши, бугунги болалар шеъри оддий қофиялар тизмаси эмас, балки уларни ўйлашга, фикрлашга даъват этиши лозимлиги. қолаверса, шеърнинг маънавий-эстетик тарбиясига оид кўпгина масалалар ўрганилган.

Адабиётшунос олимнинг „Кўшиқ ёзилди, кўшиб ёзилди“ мақоласи диққатга лойиқ. Унда шеърнинг кўшиқ учун ёзиладиган матндан фарқлари, кўшиқнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг содда, тез тушунарли бўлиши. энг асосийси. унга маъно-мазмуннинг зарурлиги, таъсирчанлиги, оҳангдорлиги мисоллар ёрдамида тадқиқ этилган. Шунингдек, муаллиф кейинги йилларда куйланаётган кўшиқ матнларининг ўта жўнлигини, ҳаёсизлигини, бадий саёзлигини ва аввал айтилган кўшиқлардан фикр ўғирлаш ёки сатрларни кўчириб, янги „кўшиқ ясалаётганлигини“ танқид остига олади. Бу билан у кўшиқчиликни яхшилаш, унинг савиясини оширишга даъват этади ва қайғуради.

Сафо Очилнинг адабий танқидчиликка бағишланган тадқиқотлари адабий жамоатчилик назарига тушди ва айрим баҳсларга ҳам сабабчи бўлди. Унинг бу ютуғида шоирлиги, ижод сирларини нозик тушунини. амалий фаолияти қўл келганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шоир, насрнавис, кўшиқ ёзувчи шоир ва адабиётшунос олим сифатида танилган Сафо Очил 90- йиллар бошида педагогика фани соҳасида яратган тадқиқотлари, ўқув қўлланмалари билан шу фан жамоатчилигига кенг танилди.

У дастлаб болалар шеърятининг маънавий-эстетик тарбиядаги ўрни ва ролига оид мақолалари билан тарбия-

шунослик фанидаги ўз салоҳиятини синаб курди. Шундан сўнг „Инсон зийнати — одобдир“ китобини ёзди ва чоп эттирди. Унга олимнинг ахлоқ-одобга оид афоризмлари, ўғитлари, пандлари жамланган. Шу тарбиявий асарларни ёзишда педагог-олим Сафо Очилга унинг узоқ йиллар давомида умумтаълим мактабларида ва олий ўқув юртлиридаги мураббийлик фаолияти ҳамда ўша даврда орттирган педагогик тажрибалари асқотди.

Мустақиллик педагог-олимга завқбахш, илҳомбахш муҳит яратиб берди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг сўзлаган нутқлари, хорижий мухбирлар билан қилган савол-жавоблари, бирин-кетин чоп этилаётган асарлари Сафо Очилни беҳад илҳомлантирди, уларни тадқиқ қилишга қизиқиш уйғотди. Чунки юртбошимизнинг нутқлари ҳаётий ва илмий асосланган бўлиб, улар халқимизнинг қарийб бир ярим аср мобайнида орзу қилиб келган ўйлари, нияти ва мақсадининг илмий-назарий натижалари, хулосалари эди.

Сафо Очил юртбошимизнинг нутқлари ва асарларини кунт ва синчковлик билан ўрганди, маънавий-ахлоқий тарбияга оид доно фикрларини ажратиб олиб, бир тизимга келтирди. шу тинимсиз меҳнат натижаси ўлароқ, олимнинг „Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари“ (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А. Каримов асарлари мисолида) деган диссертацияси 1994 йилнинг сентябрида ёзиб тугалланди.

Шу ўринда филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси мавзуси ҳам ўз даврида ҳали ўрганилмаган фан соҳаси эканини эслаган ҳолда, Сафо Очилнинг педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган докторлик иши ҳам педагогика фанидаги янгилик бўлганини алоҳида таъкидлаймиз.

Бу тадқиқот 1995 йилнинг биринчи ярмида монография сифатида нашр қилинди, сўнгра ўқув қўлланма шаклига келтирилди ҳамда 1997 йили олий ўқув юртлири ва умумтаълим мактаблари учун қўлланма тарзида нашр қилинди.

1995 йил бошларида маънавият асослари бўйича битта ҳам дарслик ёхуд ўқув қўлланма бўлмаган. Ҳозирда мактабда ўқитилаётган „Маънавият асослари“ фанининг номи ҳам Сафо Очилнинг зикр қилинган монографияси ва ўқув қўл-

ланмасининг номи билан бевосита боғлиқ эканини тан олиш керак.

Дарҳақиқат, Сафо Очилнинг илмий-педагогик фаолиятида „Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари“ (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А. Каримов асарлари мисолида) мавзуидаги монография ва ўқув қўлланмаси (1995, 1997 йиллар) муҳим ўринни эгаллайди. Чунки мустақиллик маънавияти ва унинг тарбия асослари миллий истиқлол шарт-шароитидаги педагогика фанининг янги соҳаси ҳисобланади.

Бу асарларда мустақиллик, унинг моҳияти, мустақилликнинг тамойиллари ва унга хос хусусиятлар ҳамда шу ижтимоий тузумда амалга оширилиши лозим бўлган таълимий ва тарбиявий жараёнлар методологияси кўрсатиб берилган.

Тарбияшунос олим Сафо Очил юртбошимиз асарларида илгари сурилган педагогик ғояларни тадқиқ қилар экан, у сиёсий тарбия, иқтисодий тарбия, маънавий тарбия, мафкураравий тарбия, ҳуқуқий тарбия ва экологик тарбия муаммоларини бозор иқтисодига мос равишда ўрганиб, ислоҳотлар талаблари асосида илмий-назарий хулосалар чиқарган, консепсион фикрларини ўртага ташлаган.

Шунингдек, олим мустақиллик маънавияти, унинг таркибий қисмлари ва моҳиятини, маънавият тарбиясининг тарихий илдиэларини Президентимиз И.А. Каримов асарларида илгари сурилган педагогик ғоялар асосида таҳлил ва тадқиқ этиб, миллий маънавиятнинг тикланиши ва равнақида истиқлолнинг роли ва ўрнини илмий далиллар орқали кўрсатиб берган.

Шунинг учун олимнинг ўша асарлари умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, махсус ўрта ва олий ўқув юртларида „Маънавият асослари“ дарслари учун ўқув қўлланма сифатида кенг фойдаланиб келмоқда.

Тарбияшунос олим Сафо Очил „Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари“ (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А. Каримов асарлари мисолида) мавзусидаги илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертациясини (1999 йил) муваффақиятли ҳимоя қилди ва дипломини олишга муяссар бўлди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Сафо Очил қарийб чорак аср давомида „Ўқитувчи“ нашриётида фаолият

кўрсатмоқда. Ҳозир у „Ўзбек тили, адабиёти ва педагогика адабиётлари таҳририяти“ бошлиғи. Унинг раҳбарлиги ва муаллифлигида биринчи марта икки жилдлик „Ўзбек педагогикаси анталогияси“ яратилди ва нашр этилди. Шунингдек, унинг ташаббуси билан педагогика ва педагогика тарихи фанлари бўйича ўқув қўлланмалари муқобиллари яратилди ва чоп этилди. Қолаверса, Сафо Очил педагог-олимларнинг танланган асарларини тайёрлаш ва нашр қилишни тўғри йўлга қўйди. Зикр қилинган ишлар ҳозирги замон педагогика фани тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Профессор Сафо Очил илмий ва ноширлик ишларини педагогик фаолияти билан қўшиб олиб бормоқда. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида битирувчи курсларга педагогика фанидан махсус курс маърузаларини ўқимоқда. Шунингдек, битирувчи курслар талабаларининг диплом ишларига, магистрлар илмий ишларига илмий раҳбарлик қилмоқда. Хуллас, шоир ва олим миллий истиқлол ғояси билан қуролланган педагогик ва илмий кадрлар тайёрлаш каби долзарб вазифани амалга оширмоқда.

Шоир ва олим Сафо Очилнинг янги тайёрлаган „Камола етган ишқ“ шеърлар китоби алоҳида диққатга лойиқдир. Камола етган ишқ... шоир қалбидаги Миллий истиқлол ишқи, Ҳақ ишқи, Ваган ишқи, халқ ишқи, миллат ишқи, ёрга бўлган ишқ камола етибди.

Шоир олтмиш ёшга тўлди. Унинг юқорида зикр қилинган ишларининг баркамол эканлиги унинг шеърларидан равшан кўриниб турибди. Шоирнинг қувонч ва шодликлари, турли замон ва даврларда яшаган инсонларнинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари кўпинча „Мен“ образи орқали ифодаланган. Асарлардаги оптимизм ва драматизм шеърхон диққатини жалб қилиши аниқ.

Хулоса қилиб айтганда, профессор Сафо Очил—қарийб 47 йил умрини бадиий ижодга, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида мураббийликка бағишлаган шоир. адабиётшунос ва тарбияшунос олим, татабчан ношир. У бутун ижодини миллий маънавий-эстетик, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий тарбия ишларига йўналтирган.

*Маҳкам Маҳмудов,
Ортиқбой Абдуллаев,
филология фанлари
номзодлари*

МУНДАРИЖА

САЛОМ, ИСТИҚЛОЛ

Салом	6
Истиқлолим келибди	7
Истиқлол боис	8
Нури ислом	9
„Биздан озод ва обод Ватан қолсин“	10
Озодликка на етсин	11
Элик ёшимда	12
Миллатим истиқболдан	13
Истиқлол таронаси	14
Меҳнат таронаси	15
Миллий қаҳрамон	16
Шу кунларни ғанимат бил	17
Маърифатли инсонлар	18
Олий	19
Кўзларимга уйқу келмайдир	20
Жудо бўлмасин	21
Арслон қайтмайди изидан	22
Фидокор юрак қўшиғи	23
Даврим учун	24
Табиатни асранг, одамлар	25
Инсон манфаати қўшиғи	26
Танҳо	27
Сақладим	28
Ёмондир	29
Комилжоннинг қўшиқлари	30
„Нуроний“ табассумидан	31
Содоқатли инсондан	32
Шакаржон	33
Ўзбекистон қаҳрамонларига	34
Шаҳид бўлиб кетарман	35
Менинг ёшимда	36

ҲАҚ СОҒИНЧИ

„Оллоҳимга тушгай нигоҳим“	38
Дуо	39
Оллоҳ соғинчи	40
Бисмиллоҳ	41

Ҳақ соғинчи	42
Парвардигори олам	43
Оллоҳ сени етаклар	44
Оллоҳим даргоҳи	45
Гуноҳимни ўт энди	46
Тангри соясита деганим	47
Эътиқодим рамзи	48
Оллоҳ акбар	49
На қилай	50
Дариф тутмағил	51
Ниҳолим	52
Ёлғиз мендурмен	53
Ҳақ қушларим	54
Отажоним	55
Илтижо	56
Руҳим ўлмасин	57
Ажойиб армонимсан	58
Айладинг кўп	59
Нажот тиларман	60
Қалб муддаси	61
Кўзларим қайтариб бер	62
Ўтказдим	63
„Бу дунёда ёлғизлигим билдим мен“	64
Васфи ишқ	65
Кўнглим ғаш	66
„Ёшлик ҳам ўтди, кетди“	67
„Оллоҳимнинг ўзига аён“	68
Ўткинчи дунё	69
Хурланмасун	70
Озод қил	71
Оллоҳимга бўлган муҳаббат	72
„Кипригимда умидим сим-сим“	73
Кутмадим	74

ВАТАНГА ТИКИЛГАН ЖОН

Ота қалбининг нидоси	76
Она қалби	77
Қайдасан?	78
Шаҳид кетган Жалолиддин	79
Мардлик элининг султони	80
Табаррук инсон	81
Келсин	82
Келибди	83
Кўринди	84
Тўйлар муборак	85

Жалолиддин Мангуберди	86
Лапар	87
Жалолиддин бобомнинг	88
„Отажоним“ деб	89
Жалолиддин манзараси	90

КАМОЛА ЕТГАН ИШҚ

Ўтадир	92
Тушмиш	93
Камола етди ишқ	94
Хури малак	95
Жонимни олурсан	96
Сафо келди	97
„Кўзларим хира тортиб борадир“	98
„Эй, нигора...“	99
„Муҳаббат иморатин...“	100
Менинг сайёрам	101
Камола етишди	102
Не бўлди манго?	103
Чал	104
„Кечир мени...“	105
Имкон бўлмаса	106
Ўйнайдир	107
Камола етсин	108
Севги фахрияси	109
Вафо билан	111
Десамми	112
Умида	113
„Бахтим қаросидан“	114
„Кўз олдимда...“	115
Қамар экансан	116
„Олай деб эътиборинг“	117
Эсладим	118
Донолигингдан	119
Соғинмасам келармидим	120
„Қалбимда тонг эрта отадир“	121
Бўлди	120
Султон бўлди	121
Фақирлар	124
„Лол бўлиб қолибман...“	125
Яхши қиз экансиз	126
Ешлигим қўшиғи	127
Узун тунлар	128
„Юрагимга чангал урмиш ёғулар“	129

Каромат келди	130
„Эй, маҳвашим“	131
Шоирам	132
Офтоб билан	133
Бош эгиб келарсан	134
Хуршид сиймо	135
„Хотиригга муҳрим қўяйин“	136
„Таъна тошин отмагил...“	137
„Умид гулзорида...“	138
Кутаман	139
Боролмайман	140
„Аҳли ишқ...“	141
„Умрим ўтди...“	142
Кетибсиз-да, қолибсиз	143
„Ўгитлар айлай...“	144
Сен менга ёқасан	145
Сени курсам	146
Топдим	147
„Сайёрам саройинда...“	148
„Нур эмиб орзу зиёсидан“	149
Кутаман	150
„Олса арзир...“	151
Келди	152
„Муносиб ёрни истаб...“	153
Бахтли турмуш десанг	154
Қолмасин	155
„Юрибман бир қизнинг озоринда“	156
„Навоий боғининг...“	157
Ёлғиз ўзинг	158
Ўртайдир	159
„Шу ёшимда...“	160
Билмабмиз	161
Куклам бўлиб келибсан	162
Уйғотинми	163
Йўлиқдим	164
Оппоқ гулим, ой гулим	165
Айланур	166
Эслаб юрай	167
Турмуш қурайлик	168
Ўйлаб кўр	169
Очилур	170
Эй, фариштам	171
„Оллоҳим халос айла муҳаббат балосидан“	172
„Муҳаббатим мадҳ этиб...“	173
Нав ниҳолсан	174

Наргис	175
Одобни ҳаётдан ўргандим	176
Ишқ ранги	177
Ўзимни севгандай севдим	178
Муҳаббат тузуги	179
Кулимсираб туришинг яхши	180
Ширин лаҳзалар	181
Булбул ва гулгунча	182
На бўлгай	183
Насиб этса	184
Нега ўзинг олиб қочасан?	185
Севгим	186
Шаффоф ишқим гулшанида	187
Кўргим келади	188
Менинг кўнглим сендадир	189
Изларман	190
Сабоқ бўлсин	191
Кечикди	192
Келмасанг келма	193
Ўйнар	194
Сайёра	195
Севгимни ўгай тутма	196
Оқибатсиз муҳаббатга	197
Ёр кутиш	198
Сўзсиз изҳори ишқ	199
Ишқинг боис	200
Уйлантираман	201
Эсонмисан сан	202
Хабар қилди	203
Пинҳон ишқинг	204
Мен сени соғиндим	205
Галармикан, галмасмикан	206
Кўзим узолмай қолдим	207
Тараҳҳум айлаб келсангиз нетар	208
Куним кўрарман	209
Ҳақиқат қўшиғи	210
Билмадим	211
Қариялар уйида инграётган хиргойи	212
Сени шу кўйларга ким солди?	213
Алдаганлар ўзи ёмон алданур	214
Кўрсатурман	215
Ўша кунни	216
Демасмикан?	217
Билмадим, билолмадим	218
Кароматим изларман	219

Гавҳардадир гавҳарда	220
Гуллола	221
Қалбимда ухлайдир ..	222
Кўз ёшларим ичарман ..	223
Иймон экан	224
Нигора	225
Сувратингга	226
Севиб қолдим, нима қилай?	227
Сен билан бўлгим келади ..	228
Сенга не керак?	229
Нетар	230
Соғинтириб қўйдинг мани ..	231
Воз кечдингми?	232
Ман бўлдим, сан бўлдинг ..	233
Фарғонада бир қиз чиқибди ..	234
Гулойим	235
Қийнайди ёр	236
Дур бўлди	237
Тўшимда қолди	238
Сен келмадинг	239
Сабоқ берсам	240
Аканг ўргилсин	241
Сени эслайман	242
Бахтиёрман	243
Энди нима қиламан?	244
Ақлинг расолаб келдинг ..	245
Бормисан?	246
Наргисанинг айланайин жониннан ..	247
Оғам галибди	248
Санъаткор қиз бўламан ..	243
Маъшукангиз бўламан ..	250
Керакми санго	251
Чиройли қиз	252
Камолинг	253
Дурдоналардек	254
Муборак бўлсин	255
Салом сизга, эй, покиза авлодим ..	256
Кароматли ёрсан сан	257
Авлодларимга хат	259
Алданур	260
Ошиқ бўлибман	261
Маҳбусингман	262
Ишқ китоби—ишқ офтоби ..	263
Кўклам	264
Ишқинг туфайли	265

Ишқим ва рашқим	266
„Икки ниҳол...“	267
Сўзлар сароби	268
„Уч ёшга кириб...“	269
„Тириклик умрим...“	270
Муҳаббат бўлди жизғанак	271
„Оғриғи дунёга сиғмаган нолиш“	272
Рух	273
Туйғуларим кўзида	274
Қайғули хотиралар	275
Ҳазил	276
„Менга шеър бағишла...“	277
Ҳақиқатга айланар ҳавас	278
„Дардим, ғамим кўзларимда омонат“	279
Сўзлашдик	280
Сўқмоқ ва ирмоқ	281
„Кутиш оғир дард“	282
Кутиш	283
Умид достони	285
Ярадор бургут парвози	288

Очил Сафо.

Камола етган ишқ: (Шеърлар). —Т.:
„Ўқитувчи“, 2002. -320 б.

ББК 84 (5У)

САФО ОЧИЛ

„КАМОЛА ЕТГАН ИШҚ“

Тошкент „Ўқитувчи“ 2002

Муҳаррир *Ҳ. Юсунова*
Бадий муҳаррир *Ф. Некқадамбоев*
Техник муҳаррирлар *М. Суркова, Т. Грешникова*
Мусаҳҳиҳ *М. Иброҳимова*
Компьютерда саҳифаловчи *О. Тоҳирова*
Кичик муҳаррир *М. Ҳошимова*

ИБ №8129

Оригинал-макетдан босишга руҳсат этилди 8.10.2002. Бичими 84x108 1/32. Кегли 10,9 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Босма т. 20,0. Шартли б.т. 16.80. Шартли кр-отт. 17,22. Нашр т. 8,22. 3.000 нусхада босилди. Буюртма № 2042

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент. 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 12–112–02.

Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг компьютер бўлимида тайёрланган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 1-босмахонасида босилди. Тошкент, Сағбон кўчаси, 1- берк кўча, 2- уй. 2002